

1-МАВЗУ. Тўртинчи синфда мусиқа ўқитиш методикаси.

Режа : 1. Бошланғич таълимнинг яқунланиши.

2. Ўқувчиларни қуйи синфларда олган билим ва малакаларини мустаҳкамлаш.

3. Куйлаш фаолиятини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» талаблари асосида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим мактабларидаги бошқа фанларқатори мусиқа предметининг ўқитилишини ҳам тубдан янгилашни талаб этди. «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Бу эса мусиқий таълим-тарбия мазмуни, тузилиши ва табақаланишида ҳам ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди. Жумладан, бошланғич мактаб (И-ИЙ)-синфлар деб белгиланди. Ҳар бир синфда мусиқа таълим-тарбиясини амалга оширишда алоҳида вазифаларқўйилди. эндиликда мусиқа таълим-тарбиясига «бошланиш», «асос» биринчи синфдақўйилса, тўртинчи синф эса бошланғич таълимнинг «яқунловчи» босқичи ҳисобланади.

Таълимнинг ўрта босқичида ўқувчилар мусиқий жиҳатданқай даражада ривожланган бўлишади, уларнинг қобилияти, иқтидори, имкониятлариқай ҳолатга эга? Ўқувчилар мусиқий дид,қизиқиш ҳамда эҳтиёжларининг шаклланганлик даражасиқандай? Бу ва бошқа шунга ўхшаш саволлар ўқитувчининг диққат-эътиборида бўлмоғи, мусиқа таълим-тарбияси жараёнида албатта бу кўрсаткичларни янада ривожлантиришга ҳаракатқилмоғи лозим.

Тўртинчи синф ўқувчисига умумий тавсифнома бериладиган бўлса, бу ёшда бола- «типик» ўқувчи сифатида шаклланган бўлади. Жисмоний жиҳатдан у анча кучли, ақлий ривожланиши ҳам 1-2 ва 3- синф ўқувчисига нисбатан юқори, ақлий тафаккур соҳасида 4-синф ўқувчиси анча кенг имкониятларга эга бўлади. Диққат ва хотиранинг ривожланиш даражаси ҳам анча кенг.

Бироқ, уларнингқизиқиш ва мойиллиги ҳали тўлиқ шаклланмаган ва аниқланмаган бўлади. Бу ҳолатларнинг барчасига мактабда таълим-тарбия ишининг натижалари катта аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Агар 1-2-3 синфларда болалар ўқув фаолиятининг истаган тури (қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, мусиқа асбобида чалиш ва бошқалар)га тайёр бўлиб,қизиқувчанлик ва мойиллик билдирадиган бўлсада, 4-синфга келиб, болаларнингқизиқиши бўйича турланиш (дифференциация) анча аниқ бўлибқолади. Худди шу пайтларда айрим ўқитувчилар ўқувчиларқобилияти даражасига йетарли баҳо беришда адашибқолиш ҳолларини содирқилишади. Зеро, шахснинг кўпгина қобилиятлари, жумладан мусиқий қобилиятлари ҳам ёшининг турли босқичларида ривожланиши мумкин ва бу табиий ҳолдир. Муҳими ўқитувчи 4-синф ўқувчиларига синф - гуруҳ ҳаётига анча ўрганиб бораётган, мустақил ривожланиш, ижтимоий ҳаётгақизиқиши, фаоллиги ошиб бораётган ўқувчи шахси сифатидақараши лозим бўлади.

Тўртинчи синф ўқувчиларига муסיкий-ўқув материалларининг ҳажми ва мазмуни ҳам анча кенгайди. Тўртинчи синф муסיқа машғулотларининг йил мавзуси «Халқ муסיқа ижодиға бағйишланади. Шунингдек, ўзбек халқ муסיқасининг оммавий жанрларига оид назарий билим, малакаларни эгаллаш ушбу синфда олиб бориладиган муסיкий таълим-тарбиянинг асосини ташкил этади. И-чорак давомида ўқувчилар ўзбек халқ муסיқа ижоди, унинг оммавий жанрлари тўғрисида умумий тушунчаларға эға бўлишади. Бу ҳақда ўқитувчи батафсил маълумот беради:

Ўзбек миллий муסיқаси асрлар давомида икки асосий ёъналишда- фолклор ва профессионал (касбий) ёъналишда ривожланиб келган. Аъъанавий касбий муסיқа мустақил жанр сифатида «Халқ муסיқаси», «Халқ касбий муסיқаси», «Классик муסיқа» каби номлар билан аталиб келган. Сўнгги вақтларда кўпроқ «Оғъзаки аъъанадаги профессионал муסיқа» деб юритиладиган бўлди.

Ўзбек халқ муסיқасининг оммавий жанрлари- лапар, терма,қўшиқ, алла, болаларқўшиғйи, ёр-ёрлар, ялла каби айтим хусусиятиға эға оммавий жанрлар ҳақида тушунчалар берилади.

Муסיқа тинглаш жараёнида «Ёй меҳрибоним» (халқ куйи), «Чаманда гул», «Бойчечак», «Фабрика» (халққўшиғйи), «Хей бола» каби халқ куй-қўшиқлари эшиттирилади. Ўзбек халқ муסיқасининг оммавийлик хусусиятлари, тарихи, халқ орасида жуда кенг тарқалиб кетганлиги таъкидланиб ўтилади. Шунингдек, ўзбек халқ ижоди фолклорининг улкан хазина бўлиши билан бирға жуда ранг-баранглиги билан ҳамқимматли эканлиги уқтирилади. Тошкент, Фаргона, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё сингари воҳаларда бир-бириға ўхшамайдиган халқ ижоди мактаблари мавжудлиги таъкидланиб, маҳаллий халқ оғъзаки ижодидан ҳам намуналар сифатида келтирилиб, унинг шеvasи, ижро услуби, ўзига хослик жиҳатлари хусусида ўқувчиларға машғулотлар берилади. Шу мақсадда дастурда «Тошкент ёр-ёри», «Наманган ёр-ёри», «Самарқанд ёр-ёри» каби халққўшиқларини тинглаш тавсия қилинган.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси» (А.Орипов шеъри, М.Бурхонов муסיқаси), «Ўзбекистоним» (Қамбар ота шеъри, Л.Муждабоева муסיқаси), «Темур бобом- менинг бобом» (Н.Нарзуллаев шеъри, С.Жалил муסיқаси), «Яхши бола» (Н.Норхўжаев муסיқаси, П.Мўмин шеъри) кабиқўшиқларни ўрганиб, бирғалашиб куйлаш тавсияқилинади.

Муסיкий саводхонликни оширишдақуйи синфларда олинган билим, малакаларға таяниб,қўшиқларни нота номи билан куйлаш иқтидорини ривожлантириш, мажор ва минор уч товушликлари ҳамда товушқаторларини жўрли ва жўрсиз услубда эшитиш, таққослаб аниқлаш, куйлаш амалиётларидан фойдаланиш тадбирлари амалға оширилади. 3қ4, 4қ4- ўлчовлари кучли ва кучсиз ҳиссаларига кўра таққосланиб, уларнинг фарқларини ажрата олиш малакалари ўргатилади. 3қ4- ўлчовида битта (биринчиси) кучли ҳисса, ҳамда учинчиси- нисбий кучли ҳиссадан иборат эканлиги тушунтирилади. Ушбу ўлчовларда басталанган куйлардан мисоллар келтирилиб, бу ўлчовлар таъриф-қоидаси шеърий сатрларда битилган тўртликлардан фойдаланилса, мақсадға мувофиқ бўлади:

3/4 – ўлчови :

Уч чоракли тактларда,
Уч чорак нота турар.

«Бир, икки, уч» деб сана,
Валс куйлари жўш урар.

4/4- ўлчови :

Агар походга чиксак,
кувнокўшиқ бошлаймиз
Бирдан тўртгача санаб,
Шахдамқадам ташлаймиз.

Муסיқа (товушларини) тавсифларини рақс ҳаракатларида ифодалаш «Ялли-ялли», «Қашқарча», «Уфори», «Андижон полкаси» куй ва муסיқалари урма чолғу асбобларида, чапакда ёки бармоқ учи билан чертиб муסיқа усулига ритмик жўр бўлиш машқи амалга оширилади.

III-чорак мавзуси «Халқ ашўлалари ва ашўла ёълидаги куйлар. Ўзбек муסיқасида бастакорлик услуби» деб номланади.

Ўқитувчи ўқувчиларга халқ ашулалари ҳамда ашўла ёълидаги куйлар, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида умумий тушунчалар бериб ўтади.

Ҳаётимизни халқ куй-қўшиқларисиз тасаввурқилиб бўлмайди. Азалдан халққўшиқларида кишиларнинг орзу-армонлари, удумлари, гам-андуҳлари куйланиб келинади. Халқ ашулалари содда-равонлиги, оҳангдорлиги, тезда эсдақоларлиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларга «Гиря», «Қари наво», «Дилхирож» каби куйлар ҳамда «Фигонгъим» (Фурқат шеъри), «Гулузорим» (Ҳ.Абдулазиз муסיқаси)ни тинглаш тавсия қилинади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида ўқувчиларга «Ўзбекистоним» (К.Ота шеъри, э.Шварц муסיқаси), «Соғлом авлодқўшиғи» (Ш.Ёрматов муסיқаси, С.Барноев шеъри), «Юлдузлармиз, юлдузлар» (Н.Норхўжаев муסיқаси, П.Мўмин шеъри) ва бошқакўшиқлар ўргатилади.

Ўқувчиларнинг муסיқа саводхонлигини оширишда до-мажор-сол мажор ва ля минор-ми минор тонликлариникиёслаб тинглаш ва куйлаш мисолида тоналлик ҳақида умумий тушунча ҳосил эттирилади. Уларни турли ритмик тузилишида (товуш чўзимларини алмашиши, пунктир ритм ва турли ўлчовларда) куйлаш ва тактлаш, айтим машқлари ҳамдақўшиқ ва куйларни нотагақараб тактлаб куйлаш,қўшиқлар мисолида 6/8 ўлчови билан таништириш, мазкур ўлчовга мансуб «Снаманда гул»қўшиғини куйлаш каби ишлар амалга оширилади.

III-чорак эса «Композиторлик услуби» ҳақидаги тушунчага бағйишланади. Муסיқа тинглаш босқичигақуйидаги асарлар тавсияқилинади.

«Мирзачўл» С.Юдаков муסיқаси «Теримчиларқўшиғи»қисми. «Қалбимда» (С.Жалил муסיқаси), «Даврақўшиғи» (С.Юдаков муסיқаси, Г. Гулом шеъри), «Гул диёрим» (М.Бурхонов муסיқаси, э.Воҳидов шеъри).

«Шафтолига саволим» (Н.Норхўжаев муסיқаси, П.Мўмин шеъри), «Биз аскармиз» (Н.Норхўжаев муסיқаси, И.Раҳмон шеъри), «Ойим хурсандлар доим» (Е.Шварц муסיқаси, Т.Илҳомов шеъри), «Болалигим -гулбаҳор» (У.Рашид шеъри, З.Нажмиддинов муסיқаси) ва бошқакўшиқлар синфда жамоа бўлиб куйлаш учун режалаштирилган.

Ўқитувчи ўқувчиларга жамоа бўлиб куйлашнинг хусусиятлари, тартибқоидаларини ҳамиша уқтириб бориши лозим бўлади.

Муסיқа саводхонлиги босқичида мажор ва минор товушқаторини нота номи билан куйлаш, мажор товушқаторини аввал чоракталиқ ноталарда 2қ4 (до-до, ре-ре, ми-ми ва бошқалар) сўнг пунктир ритмлар (..... ва ҳоказо) тактлаб куйлаш малакалари шакллантирилса, ўқитувчи овозига жўр бўлиш ҳамда мустақил тарзда 4қ4 ўлчовидаги айтим машқлар куйлаш, куй вақўшиқлардан парчаларни нотагақараб солфеджио куйлаш, сол мажор тонлигининг тузилишини нота ёзувида ўрганиб куйлаш каби фаолиятлар ҳам амалга оширилади.

Ўқув йилининг ИЙ-чорагида ўқувчиларга «Композиторлар ижодида халқ муסיқасининг намуналари» ҳақида маълумотлар бериш назарда тутилади. Ўқувчиларга халқ ижоди, жумладан муסיқа ижоди улкан илҳом манбаи бўлиб, композиторлар фаолиятида муҳим ўрин тутганлигиқайд этиб ўтилади. Бирқатор ўзбек композиторлари халқ куй вақўшиқлариниқайта ишлаб, оркестр ижроси учун мослаштирганликлари айтиб ўтилади. Жумладан: «Жазоир» (Д.Зокиров ўзбек халқ чолгўу оркестрига мослаштирган), «Самои Дугоҳ» (ўзбек халқ чолгўу асбоблари оркестри учун Д.Зокировқайта ишлаган), «Чоргоҳ» (Д.Зокировқайта ишлаган), «Бухороча мавриги» (жўрсиз хор учун Б.Умиджоновқайта ишлаган) каби асарлар эшиттирилади.

Жамоа бўлиб куйлаш учун эса Н.Норхўжаев ва Ҳ.Муҳаммаднинг «Доно бола», Ш.Ёрматов ва П.Мўминнинг «Иккиқўйманг ўқитувчим», Н. Норхўжаевнинг «Антиқа мусобақа» ва К.Комилов, П.Мўминларнинг «Камалак излайман» сингариқўшиқлари тавсияқилинади.

Муסיқий саводхонлиқ даражалари ўқувчиларнинг Фа мажор Ре минор тонликлари уч товушликлари, уларнинг тузилишига биноан ўрганиб куйлаш, турли ритмик тузилишида куйлаш, мазкур тоналликларни 6/8 ўлчовида куйлаш, машқ, қўшиқ ҳамда куй парчаларини Фа мажор ва Ре минор тонлигида куйлаш орқали амалга оширилади.

ИИИ-чорақда ўқувчиларнинг композиторлиқ услуби ҳақидаги тушунчалари, кейинги чорақда- композиторлар ижодида халқ муסיқасининг намуналарини ўзлаштиришлари билан янада такомиллашади.

Тўртинчи синф ўқув йили охирида ўқувчилар муסיқа таълимиданқуйидаги назарий билим ва амалий малакаларга эга бўлиши талаб этилади:

- Ўқув йили давомида ўрганилган асарларнинг номлари ва ижодкорларини билиш, халқ муסיқасининг бадиий бойлиги, тарихий жихатдан ранг - баранглиги ва гўзаллиги, унинг жанрга бойлигини таърифлаб бера олиш;
- Ўзбек халқ муסיқасининг оммавий жанрлари (терма,қўшиқ, лапар, ялла ва чолгўу куйларини билиш ва уларни бадиий тавсифларига қўра ажрата олиш;
- Халқ муסיқасидаги оммавийқўшиқларнинг ҳаётни ўрнигақараб меҳнат ва оилавий маросимқўшиқлари турларига мансуб эканлиги ҳақида тушунча ҳосилқилиш;

- Ўзбек мусиқа амалиётида ижоднинг уч услуби- оммавий халқ мусиқа ижоди, бастакорлик ҳамда композиторлик ижодлари мавжудлиги ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш;
- Атоқли ўзбек бастакорлари Х. Абдурасулов, Т. Жалилов, Ю.Ражабий, М.Мирзаев, Ф.Содиқов, Н.Ҳасанов, Г.Тошматов ва бошқа ижодкорлар, уларнинг фаолияти билан таниш бўлиш;
- Асарларини ўрганиш жараёнида композиторлар М. Бурхонов, С.Юдаков, А.Муҳамедов, Б.Умиджонов, С.Жалил, Д.Зокировлар ижодини билиш;
- Асарларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг ижрочилари, хор ва овоз турларини аниқлаш;
- Овоз турлари – болалар овози, эркалар овози ва хотин-қизлар овозини билиш, қуйи синфларда ҳосил этилган айтим малакаларини амалдақўллаш;
- қўшиқларни ифодали қуйлаш, қўшиқлар тавсифига кўра сўзларни тўғри талаффуз этиш, қуйчанқўшиқларда сўзларни аниқ, юмшоқ ва чўзиб, шўхчан ва маршқўшиқларида эса сўзларни чаккон ҳамда аниқ талаффуз этиш малакаларига эга бўлиш талаб этилади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Мусиқий дид, эҳтиёж, қизиқиш бўйича турланиш, оғзаки анъаналарга профессионал мусиқа, мусиқанинг оммавий жанрлари, ўзбек халқ ижоди, касбий мусиқа, композиторлик услуби, ритмик тузилишида қуйлаш.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Бошланғич синфларда мусиқа дарсларини тахминий режалаштириш (Тузувчилар Д.Омонуллаева ва бошқ.) -Т. 1995.
2. Омонуллаева Д. «Нота билан қуйлаймиз».- Т.,1977.
3. Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси.- Т.,1990.
4. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар). -Т.,1998.
5. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992-й, 25-ноябр.
6. Ўзбек мусиқаси тарихи. Тузувчи Т.Е.Соломова.- Т., 1981.
7. Қодиров Р.Г. Бошланғич мактабда кўп овозли қуйлаш.- Т., 1997.

2-МАВЗУ. Бешинчи синфда мусиқа ўқитиш методикаси.

Режа:

1. Бешинчи синфда мусиқа дарсларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Бешинчи синфда мусиқа таълими мазмуни.

3. Бешинчи синф ўқувчиларининг билим ва малакаларига қўйиладиган талаблар.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисидаги қонун» қабул қилиниб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлари бўйича, шу жумладан мусиқа фанининг ҳам ўқитиш Концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур дастур ўз мазмуни билан миллий мусиқа мероси замирида қайта ишлаб чиқилган ва янги замон руҳи билан сугъорилгандир.

Мусиқа таълим мазмунини белгилашда 5-7 синфлар алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, 5-синфда ўрта таълим босқичи бошланиб, умумий мусиқа таълим-тарбиясини амалга оширишда ўқитувчи учун айрим қийинчиликлар бўлиши мумкин. Чунки, айрим мактабларда шу синфдан бошлаб мусиқа дарсларини мутахассис ўқитувчилар олиб боришади. Болаларнинг малакаси ва мусиқий билимлари даражаси эса турлича бўлиб, 5-синф дастурини бир хилда ўзлаштиришга қодир бўлолмаслиги мумкин. Иккинчидан, 5-синф болалари физиологик ва психологик жиҳатдан анча ўзгарган бўлишади. Учинчидан, болаларда вокал-хор малакалари нотекис, овоз диапазонлари ҳаммада ҳам бир хил ривожланмаганлиги сабабли, уларни соф унисон, ансамбл, динамик меъёрга тушириб икки овозда куйлатиш иши ҳам мураккаб амалга ошади.

Тўртинчидан, айрим мактабларда мусиқа дасрлари иккинчи даражали фан бўлиб келганлиги бошланғич синфларда шу гуруҳ ўқитувчиси машгулотларни профессионал даражада олиб бормаганлиги сабабли, мусиқа дарсига нисбатан болаларда ҳам муносабат ўзгача бўлиши мумкин. Бу омилларнинг барчаси мусиқа ўқитувчисининг ниҳоятда ўйлаб, оқилона иш тутишини тақозо этади, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга тўғри келади. Бунда асосий мақсад- болаларни тезроқ дастурдаги мусиқа асарларига, дарс услубига жалб этиш, мусиқа санъатиға қизиқтириш, мусиқа фаолиятларига активлаштиришдир.

Замонавий психологик-педагогик адабиётларда 5-6 синф болалари «ўсмир» ёши саналиб «мураккаб» давр ҳисобланади. Бунга илмий маълумотлар ва кенг амалий кузатув натижалари далолат беради. Бола организмида жисмоний ривожланишнинг кучайиб бориши сезилади. Организмнинг умумий ўсиши-қомат, қўл, оёқларнинг узайиш ҳолати, боланинг юраги, қон айланиш системасининг ривожланишига қараганда анча интенсив бўлади. Натижада мия тез-тез керакли озуқани ололмай, тезда чарчаш, толиқиш, кайфиятни ўзгариб туриши ҳолатлари рўй бериши кузатилади. Бу ёшда болалар катталар (ота-оналари, ўқитувчилар)нинг ўзларини қандай тутишларини кузатиб боришади. Улар ўзларини катта, мустақил киши сифатида тасаввур этишади.

5-синфда мусиқа машгулотларини олиб боровчи ўқитувчи, албатта ўқувчиларнинг руҳий психологик хусусиятларини ҳисобга олиб бориши керак бўлади.

5-синфда мусиқа маданияти машгулотлари «Композиторлик мусиқа жанри» умумий мавзуси остида олиб борилади. Бу синфда дарслар учун белгиланган ўқув йиллик соатларнинг умумий ҳажми 34 соатни ташкил этади.

Шундан, И-чорак «Ўзбек халқ чолғулари оркестри хор санъати» (9 соат), иккинчи чорак «Симфоник оркестр, мусиқада вокал-симфоник жанрлар» (7 соат), учинчи чорак «Саҳнавий мусиқа асарлари. Балет ва рақс санъати. Мусикали драма ва комедия, болалар учун мусикали эртақ-томошалар» (10 соат), тўртинчи чорак эса «Опера санъати. Ўзбек мусикасида опера жанри» (8-соат) дан иборатқилиб белгиланган.

5-синф илк мусиқа машғулотларида ўқувчиларқуйи синфларда халқ мусикаси, касбий (устозона) мусиқа, бастакорлик ва композиторлик ижоди ҳақидаги билимларни мустаҳкамлашлари лозим бўлади.

Бошланғич мактабда мусиқа дарсларини мутахассис бўлмаган ўқитувчи олиб борган синфлар ўқувчиларнинг умумий билим ва малакалари аниқланади. Биринчи чоракда юқоридагилар ҳамда халқ мусикасининг оммавий жанрлари, асосий чолғулари ҳақида «тезлаштириб ўқитиш» методи асосида умумий тушунчалар ҳосил этилади.

Ўқувчилар якканавоз ва чолғу ансамбли, шунингдек чолғу оркестрни фарқлай билишлари, оркестр таркибидаги асосий чолғулар гуруҳи билан танишишлари ҳамда улар оиласини билишлари лозим. Ўзбекистонда халқ чолғу оркестрининг пайдо бўлиши тарихини билишлари, атоқли ўзбек оркестр дирижёрлари Дони Зокиров, Саид Алиев, Ашот Петросянц, Мустафо Бафоев ижоди билан танишишлари назарда тутилади.

Ўқувчиларга ўзбек халқ чолғу оркестри, умуман оркестр ҳақида маълумот беришни қуйидаги мазмунда изоҳлаш мумкин:

Оркестр- бу чолғуларда ижрочилар гуруҳларидан тузилган жамоа бўлиб, кўрсатилган таркиб учун яратилган мусиқа асарини ижро этади. Уни ҳаммамиз биладиган кичик ансамблдан фарқи шундаки, баъзи созандалардан унисон-бир овоз ёки кўп овоз бўлиб чалувчи гуруҳлар тузилади. Оркестрлар чолғуларнинг гуруҳлари ва тузилишига кўра турлича бўлади: Масалан, симфоник оркестр- унинг таркибига торли, камонли, дамли (пуфлаб чалинадиган созлар) ва зарбли чолғулар киради. Духовой оркестр таркибида фақат мис, ёғочли дамли чолғулар ва зарбли чолғулар бўлади. Торли оркестр-скрипкалар алтлар, виолончеллар ва контрабаслардан тузилган.

эстрада оркестри- ўзаги электр чолғулар (гитаралар, синтезаторлар бўлса, дамли саксафонлар ҳам)қўшилади ва торли-камонли, зарбли чолғулар гуруҳлари билан бойитилади.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри- дамли, торли, урма, мезробли (тирнама) зарбли ва торли-камонли чолғулардан тузилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳамма халқларнинг ҳам ўз чолғуларидан тузилган оркестри бўлиши мумкин. Узоқ даврлардан бери халқимиз ўртасида кенг тарқалган созларидан- 1936 йили биринчи халқ чолғу асбоблари оркестри тузилган. Чолғуларимизнинг кўпчилиги бир хил созланишга яқинлаштирилиб катта-кичик най,қўшнай, гъижжаклар, чанглар, рубоблар ишлаб чиқилди.

Мусиқа тинглаш босқичида бастакорлар ёзган асарларнинг тарбиявий характерини тушуниш учун болаларни кўпроқ мусикани идрок этишга ўргатиш лозимдир. Бу болаларнинг назарий билим малакаларини, тасаввурларини кенгайтиради, мусиқий дидларини тарбиялайди. Кўпинча ёшлар жиддий куйларни эшитмайдилар, чунки уларни тушунмайдилар. Аста-секин мусиқа тинглаш

тайёргарлиги амалга оширилмаса, билим ҳам ривож топмайди. Болаларни ўзлари ижро этаётган кўшиқларни, мураккаб асарларни (вокал, симфоник асарлар ва б.) қайта-қайта тинглаб мазмунини тушуниб олишларига ёрдам бериш зарур.

Бу эса ўқитувчидан ўқувчилар мусиқа маданиятини тарбиялаш шарт-шароит ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади.

Шу мақсадда мусиқа тинглаш босқичида ўқувчиларга композитор С.Жалилнинг ўзбек халқ чолғу оркестри учун ёзилган «Қалбимда», М.Бафоевнинг «Поема»си, «Нақшлар» (дутор ва оркестр учун) асари, Т.Қурбоновнинг «Севинч», С.Юдаковнинг «Мирзачўл» вокал сюитасидан («Теримчилар кўшиғи» қисми) каби асарлар тавсия этилади.

Шунингдек, ўқувчилар хор санъати ҳақида, хор жамоаларининг турлари (болалар хори, аралаш хор, хотин-қизлар хори ва бошқалар)ни билишлари, атоқли хор дирижёри – Абдуқаххор Султонов, Ботир Умиджонов, Аҳад Ҳамидовлар ижоди билан танишишлари дастурда кўрсатиб ўтилган.

Дарсларда жамоа бўлиб куйлаш учун эса «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси» (М.Бурхонов мусикаси, А.Орипов шеъри), «Азиз устозлар» (С.Бобоев мусикаси, Тўлқин шеъри), «Хур Республикам» (А.Мансуров мусикаси, Ҳ.Қаюмов шеъри), «Бойчечак» (халқ кўшиғи, болалар хори учун Ш.Ёрматов мослаштирган) каби вокал асарлар ўрганилади.

Миллий чолғу оркестри мисолида ўқувчилар симфоник оркестр билан танишишлари, магнит ёзувида миллий оркестр ва симфоник оркестр умумий товуш тусларидан фарқлай олишлари шарт. Сухбатлар жараёнида ўқувчилар оркестрлар турларини аниқлашлари (халқ чолғу оркестрлари, эстрада-симфоник оркестр, духовой оркестр, камер оркестр тузилишларини фарқлай олиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

5-синф ўқувчиларининг мусиқа саводхонлигини ошириш учун уларнинг бошланғич синфларда олинган билим ва малакаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. И-чорак давомида мажор ва минор таянч товушларини уч товушлик қилиб куйлаш, гармоник мажор ва минор уч товушликларини чолғу асбобида чалинган товушдан ладини аниқлаш каби малакалар машғулотлар давомида ривожлантириб борилади. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларнинг куйлайдиган айтим машқлари ва кўшиқларини нота ёзувига қараб куйлашларига, нотага қараб жўрсиз (акапелла) усулда куйлашни машқ қилишларига эътиборни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Вокал-симфоник асарлардан қасида («Алишер Навоий»), сюита («Дилбарим») ва кантана («Мирзачўл») жанрларини билишлари, бу жанрларнинг атоқли намояндалари М.Бурхонов, М.Насимов, С.Юдаков ва бошқалар ижоди билан яқиндан танишишлари тавсия этилади.

5-синф дарслари давомида ўқувчилар мусикали драма жанри, сахнавий мусиқа асарлари хусусиятларини билишлари, мусикали драма таркибидаги рақс-балет жанри ҳақидаги маълумотлардан баҳраманд бўлишлари керак. Шу мақсадда ўқувчиларга техник воситалар ёрдамида П.И.Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетидан парчалар, У.Мусаевнинг «Тўмарис», Т.Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухро» мусикали драмасидан парчалар тинглаш учун эшиттириш яхши самара беради. Шунингдек, ўқувчиларга ўзбек мусикали драма санъати гакиёсан Озарбайжон

мусиқали драма санъатининг буюк намояндаси У.Ҳожибековнинг «Аршин мололон» асаридан парчалар эшиттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу асарларни тинглаш билан бирга ўқувчиларга мусиқали драма жанрининг атоқли композитор ва бастакорлари М.Левиёв, Ю.Ражабий, Т.Жалилов, Мирхалил Махмудов, С.Жалил ижодлари билан яқиндан таништириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўқувчиларнинг мусиқали драма жанри ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишга ёрдам беради.

Жамоа бўлиб куйлаш учун «Сумалак» (Ш.Ёрматов мусиқаси), «Онақўллари» (Г.Қодиров мусиқаси, Т.Илҳомов шеъри), «Чамандаги гуллармиз» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри) кабакўшиқлар ўқувчиларнинг биргалашиб куйлай олиш иқтидорларини ривожлантиришга қаратилади.

Муסיқий саводхонликдан 2/4, 3/4 ва 4/4 ўлчовларга оидкўшиқларнинг ритм-усулларидан ўлчовларини аниқлай олиш, дирижёрликқила олиш каби, шунингдек 6/8 ўлчовли асарларни доира усулларидаги бармоқ билан чертиб ёки овозда имитацияқилиб куйлай олиш, до мажор ва ля минор ладларини машқ ва асарлар мисолида калит белгилари ифодасида ўрганиш каби малакаларни эгаллайдилар.

5-синф машғулотларининг сўнгги чорагида ўқувчилар опера жанри, опера таркибидаги балет жанри билан яқиндан танишишлари, мусиқали драма ва опера жанрлари орасидаги ўзига хослик ва фарқларни билишлари, машҳур ўзбек опера композиторлари М.Ашрафий, С.Бобоев, М.Бурхонов, С.Жалил ва бошқалар ижодлари билан танишишлари назарда тутилади. Шу мақсадда мусиқа тинглаш босқичи учун М.Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсидан парчалар, «Дилором операсидан ария ва дуетлар», «Майсаранинг иши» каби асарлар орқали ўқувчиларнинг опера жанри ҳақидаги бадиий тасаввурлари кенгайтирилади.

Саҳнавий мусиқа асарларига-опера, балет, мусиқали драма ва комедиялар киради. Жумладан, Ф.Козловский «Тановар», М.Ашрафийнинг «Севги тумори», Улугбек Мусаевнинг «Ҳинд достони» ва «Тўмарис» балетларини санаб ўтиш мумкин.

Балет санъати- рақс санъатининг бир туридир. Бу санъат туриқадимдан мавжуддир. Рақснинг турлари кўп: халқ рақслари, балл рақслари, классик рақслар ва балет каби аниқ жанрларга бўлинади. Балет италянча сўз бўлиб, «рақс тушаман» деган маънони англатади.

Юқоридаги маълумотлар ўзбек балетлари ҳақидаги тушунчалар билан бойитилади.

Республикамизда балет санъати 30-йилларнинг бошида пайдо бўлди. Биринчи ўзбек балети «Пахта» (композитор Рословец) 1933-йилда яратилган. Кейинги йилларда Икром Акбаровнинг «Орзу», Д.Зокиров ва Гиенколарнинг «Ойниса», М.Ашрафийнинг «Севги тумори» кабакатор ўзбек балетлари яратилди.

Ўзбек халқ рақс санъати-қадимий санъатлардан бири. Рақс санъатида ҳам ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусияти, мусиқа ва ҳаракатлар ифодасида ўз аксини топган. Рақс санъатида миллий кийимлар, ҳаракат турлари ва услублари мавжуддир.

5-синфда ўқувчиларга мусиқали драма ва комедия жанри ҳақида билиб олиш ҳамқизақарлидир. Ўзбекистонда мусиқа санъатининг барча жанрларикатори мусиқали драма ва мусиқали комедия каби саҳна асарлари жанри ҳам кенг тарқалган. Йевропадан опера жанрини кириб келиши ва шу жанрда кўп асарлар

яратилишига ўзимизда олдиндан шаклланган, яратилиб сахналаштирилган мусиқали асарлар, драма, комедиялар асос бўлган. Бу жанрга хос Т.Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухро», М.Левиеннинг «Олтин кўл», Т.Содиқов ва Р.Глиерларнинг «Лайли ва Мажнун» ва бошқа асарларидир. Айниқса, М.Левийевнинг «Тошболта ошиқ», И.Акбаровнинг «Ўжарлар» каби мусиқали комедиялари бундан буён яратиладиган мусиқали драма ва комедияларга ижодий намуна бўлиб хизматкилади.

Ўзбек мусиқасида опера жанри ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Опера «ижод», «асар» деган маънони англатади. Ёзувчи ёки шоир бирор адабий асар асосида яратилган операни ёзишдан аввал, ўша асарни шеърӣ усулдақайта ишлаб, либретто яратади.

Машҳур «Шоҳ Султон ҳақида эртак» номли операни рус композитори Николай Андреевич Римский-Корсаков ёзган. Римский Корсаков ёшлигида денгизчи эди. Денгизчилик билим юртини битириб ҳарбий кемаларда хизматқилган. Бироқ, денгиздан кўра кўпроқ мусиқани севар эди ва шунинг учун ҳам у композитор бўлишга аҳдқилади. У жуда кўп асарлар, симфония, романслар, опералар ёзган. Масалан, «Қорқиз», «Олтин хўрозча», «Шоҳ Султон ҳақида эртак» опералари шулар жумласидандир.

Ўзбек мусиқасида опера жанри, илк ўзбек операси, унинг муаллифи, асарларнинг мазмун-ғояси ҳақидаги маълумотлар ўқитувчининг бу ҳақдаги суҳбати орқали берилади.

Мухтор Ашрафӣ – Биринчи ўзбек операсининг муаллифидир. М.Ашрафӣ 1912-йил, 11-июнда Бухоро шаҳрида мусиқачи оиласида тугъилди. Дастлабки мусиқа машғулотларини отаси раҳбарлигида олди. Сўнгра Шарқ мусиқа мактабига ўқишга кирди. Бу йерда Бухородаги атоқли ҳофиз-созандалардан мусиқа сирлариниқунт билан ўрганди. Сўнгра Самарқанд мусиқа хореография институтига ўқишга кирди. Институтда М.Ашрафӣ атоқли мусиқа санъати усталаридан таълим олиб тез орада биринчи ўзбек дирижёри сифатида танилади.

Шу билан бирга янги замонавий мусиқа асарларини ёзиш устида ҳамкунт билан ижодий меҳнатқилди.

Ўзбек драма театрига М.Ашрафӣ биринчи бўлиб симфоник оркестрни киритди. 1939 йилда М.Ашрафӣ устози Василенко билан ҳамкорликда «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини яратади ва сўнгра ўзи «Дилором», «Шоирқалби» операларини ёзди.

Мухтор Ашрафӣ узоқ йиллар давомида Тошкент Давлат Консерваториясининг ректори вазифасида ишлади. М.Ашрафӣ 1975-йил ноябр ойида вафот этди.

Юқорида баён этилган маълумотлар мусиқа тинглаш босқичида тавсия этилган асарларни идрок этиш орқали янада мустаҳкамланади. Ўқитувчи 4-чорак давомидақуйидаги асарларни аудио ёки бошқа ижро услубларидан фойдаланган ҳолда тинглашга бериши мумкин.

1. «Дилором» операсидан парчалар. М.Ашрафӣ мусиқаси.
2. «Ёрилтош» операсидан парчалар. С.Бобоев мусиқаси
3. «Шоҳ Султон ҳақида эртак», «Садко» операларидан парчалар. Римский-Корсаков мусиқаси.

4. «Оловуддиннинг сеҳрли чирогъи» операсидан парчалар. С.Варелас мусикаси.

Чорак якунида йил давомида тингланган турли жанрдаги асарлардан мусикали топишмоқлар ўйинини уюштириш мумкин.

5-синф ўқувчиларининг овоз диапазонлари До- Ми²- биринчи овозлар, Си кич (До¹- До²- Ре²) иккинчи овозларни ташкил этади.

кўшиқ куйлашда ўқувчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

- икки овозда айтиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;
- биринчи ва иккинчи овозларнинг динамик уйғунлигига эришиш;
- кўшиқларни мусикий поетик, уйғун, аниқ, бурро ва бадий – ифодали куйлашга интилиш;
- бир ва икки овозли кўшиқларни жўрсиз (акапелла) куйлаш;
- дирижёрлик ишораларини тушуниш ва уларга амалқилишдан иборат бўлиши керак.

Жамоа бўлиб куйлаш босқичида ўқувчилар композитор Р.Абдуллаев ва М.Мирзонинг «Парвоздаги қушчалар», Ш.Ёрматовнинг «Оймомажон ром бўлди», Н.Норхўжаев ва шоир П.Мўминнинг «Завқинг соч, қалдирғоч», А.Мансуров ва Ҳ.Қаюмовларнинг «Хайр мактабжон!» каби кўшиқларини ўрганишади.

Мусиқа саводхонлиги фаолияти ҳам бошқа босқичлар билан узвий боғлиқликда ўқувчиларнинг олдинги чоракларда олган билим ва малакаларини амалий машғулотлар жараёнида мустақамлаш, мажор ва минор ладларини асарлардаги янграшини аниқлашга эътибор берилади. Шу билан биргаликда бир калит белгисига эга бўлган (сол-мажор, ми- минор, фа- мажор, ре-минор) асарларнинг тоналлик уч товушликларини нотасига қараб куйлаш малакаларини янада ривожлантириш устида иш олиб борилади.

Бешинчи синф якунида ўқувчиларнинг мусиқа таълимидан назарий билим ҳамда амалий кўникмалар доираси куйидагилардан таркиб топиши лозим:

- ўқувчилар якканавоз ва чолғу ансамбли ҳақида, халқ чолғу оркестри фарқларини грамезувда тинглаган асарлардан фарқлай олиши, оркестр таркибидаги асосий чолғулар гуруҳи билан таниш бўлмоғи, оркестр мисолида чолғучилар оиласини билиши лозим.
- миллий чолғу оркестри мисолида симфоник оркестр билан таниш бўлиши, грамезувда миллий оркестр ва симфоник оркестрни умумий товуш тусларидан фарқлай олиши керак;
- суҳбатда оркестрлар турларини аниқлай олиш (халқ чолғу оркестри, симфоник оркестр, эстрада симфоник оркестри, духовой оркестр, камер оркестри);
- хор жамоаси тузилиши, хорлар турлари- (болалар хори, аралаш хор, хотин-қизлар хори ва бошқ.), атоқли хор жамоалари ва дирижёрларни билиш;
- вокал-симфоник асарлардан қасида, сюита ва кантата жанрлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш, ушбу жанрларда ижод қилган муаллифлар ижодий фаолиятини билиш;
- мусикали драма жанри, унинг атоқли бастакорлари ва композиторлари ижоди тўғрисида умумий маълумотларга эга бўлиш, опера жанри, мусикали драма ва опера жанрларининг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек опера композиторлари М.Ашрафий, Собир Бобоев, Мутал Бурхонов, Сайфи Жалил ва бошқалар ижоди билан танишган бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Таълимни демократлаштириш, минтақавий хусусиятлар, профессионал даража, педагогик-психологик адабиёт, чолғу оркестри, эстрада оркестри, мусиқа маданияти, вокал симфоник асарлар, сахнавий мусиқа асарларда балет санъати опера жанри, жанри ўзбек драма театри.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйҳати:

1. Мусабекова С.И. Мусиқа тарбияси. -Т., 1973.
2. Омонуллаева Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқув қўлланма). -Т., 1990.
3. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7- синфлар). -Т., 1998.
4. Умумий таълим мактабларининг 5-синф мусиқа дарси учун методик тавсиянома (тузувчи муаллифлар: Д.Каримова, А.Мансуров).- Т, 1997.
5. Қодиров Р. Бошланғич мактабда кўповозли куйлаш. -Т., 1997.
6. Ёлдошева С.Ҳ. Ўзбекистонда мусиқа ва тарбиянинг ривожланиши. - Т., 1985.
7. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.

3-Мавзу. Олтинчи синфда мусиқа таълими мазмуни ва методикаси.

- Режа:***
1. Олтинчи синф ўқувчисининг психик-физиологик хусусиятлари ва уларнинг мусиқа дарсларида акс этиши.
 2. Мутациянинг бошланиш даври.
 3. Ўил ва чорак мавзуларни ёритиш.

1-7-синфларда мусиқа маданияти фанини ўқитиш жараёнида 6-7-синф ўқувчилари физиология ва психологик жиҳатдан яқин турадилар. Уларда ўспиринлик даври бошланиб, табиат ва ҳаётқонунларига жиддийқизиқа бошлайдилар. Организмда фаол ўзгаришлар- бўйнинг ўзгариши (ўсиши), бунинг натижасида бош мия баъзан йетарли даражада ўзуқа ололмаслиги, ҳорғинлик ҳолатлари сезилиши кабилар рўй беради. Шунинг натижасида улар ўзларини катта кишиқилиб кўрсатишга, ҳаётда ўз ўринларини белгилашга уринадилар. Шунинг учун катталарнинг муносабатига жиддий эътибор берадилар, улар билан бевосита муомалага киришганда бачкана бўлмасликка уринадилар. Буни ҳисобга олмаган ўқитувчи билан айрим болалар ўртасида низо чиқиши мумкин. Шунинг учун синфдаги ҳар бир ўқувчини яқка ва яхши ўрганиш, улар билан тўғри, жиддий ва дўстона муносабатда иш тутиш лозим. Зеро, ўсмирлик ёшида психологик

жиҳатдан энг муҳим хислат- вояга этиш ёки катталик ҳиссининг пайдо бўлиши билан белгиланади. Катталик ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кўнгил очиш жараёнида, хулқ-атворнинг ташқи шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи вақуввати чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталик ҳиссини ривожлантиради. Ўсмирда ортиқча назоратдан, зериктирадиган ғамхўрликдан ҳоли бўлиш истаги вужудга келади. Мазкур жараён ўз навбатида катталар билан муносабат ва мулоқотда нохуш кечинмаларни пайдо қилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўсмирларни тарбиялашда уларнинг хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда муסיқий таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бу даврда болаларда мутация (овознинг ўзгариши) даври бошланади. Ўғил вақиз болаларда овоз аппаратининг тузилиши ўхшаш бўлиб, мутация даврида улар бир-биридан фарқланади. Ўғил болаларда овоз регистр жиҳатидан бир октава пасайиб ёғгонлашади, қиз болаларда эса регистр ўз ўрнида қолиб овоз куч, тембрга майинлигини деярли сақлаб қолинади. Шу боисдан ўғил болаларда мутация актив ва сезиларли даражада, қиз болаларда эса осойишта ҳамда текис амалга ошади. Натижада ўғил болалар ашула айтганда баъзан созга ҳам тушолмай, юқори ноталарни қийналиб куйлайдилар. Бу даврда ўғил болалар овози шартли равишда, қиз болалар овози эса балогъатли хотин-қизлар овози типига аста-секин ўта бошлайди. Ўғил болалар томоғида овоз бойламлари ёғгонлашади, қизаради, атрофларида баъзан шишлар ҳам пайдо бўлади. Натижада диапозон қисқариб, юқори пардаларда куйлаш оғирлашади, тез чарчаш ҳолатлари пайдо бўлади. Мутация давларида ўғил вақиз болаларда кўшиқ ўргатиш иши масъулиятни талаб этади. Кўшиқлар болаларнинг овоз имкониятларига мос тушиши ва дарс давомида овозларни асраб-авайлаган ҳолда ўргатилиши лозим. Дарсининг асосий қисминини кўшиқ ўргатишга сарф этиб, овозларни чарчатмаслик лозим. Овозларни партияларга аниқ ажратиб, икки овозда ашула айтириш овоз тарбиясининг муҳим воситасидир.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари муסיқа маданияти дарсларида ўсмир ўқувчиларнинг ахлоқий эстетик тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Мактаблардаги кўп йиллар мобайнида муסיқа дарсларида ҳукм суриб келган ҳолат, дарсда фақатгина 2-3 фаолият турларидан фойдаланишга, шаблонга барҳам берилмоқда. Янги муסיқа маданияти фани мактаб ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилмоқда. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг янада такомиллашуви бу ҳозирги давр учун характерлидир. Муסיқа воситасида ахлоқий-эстетик тарбия асосларини таркиб топтириш муҳим педагогик муаммолардан биридир.

Ўқитувчининг асосий вазифалари:

1. Синфдаги умумий кайфиятни ва болаларнинг муסיқа дарсига ва санъатига бўлган муносабатини ҳар томонлама ўрганиб ҳисобга олиш.
2. Ҳар бир ўқувчини психологик ва физиологик жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг овоз ўсиши, мутация даврини ҳисобга олиб, овоз партиясини белгилаб олиш.

3. Болаларни мусиқа санъати ва дарсигақизиштириш. Мусиқа – руҳ озугъи, ҳаётнинг бадиий акси, инсонқалбининг ёлдоши эканлиги ҳақида тушунча ҳосил эта билиш.

Мусиқа мазмунини маданий ҳаётимиз билан богълаб ўтиш, унинг воситасида ахлоқий –эстетик тарбия бериш, дарс мазмунини бошқа предметлар билан боглаб олиб боришга эришиш.

Олтинчи синф мусиқа маданияти фанидан йил мавзуси «Мумтоз мусиқа»га бағъишланади. И-чоракда эса ўқувчилар мумтоз мусиқа ҳақида тушунчаларга эга бўлишади.

Аввало «мумтоз» (классика) сўзи ҳақидақискача тўхталиб ўтилади. Классик- лотинча – «намунавий» сўзидан олинган бўлиб, кенг маънода адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида ўз ижоди билан маълум бир халқнинг миллий маданияти камолотига ёки жаҳон маданияти ривожига сезиларли таъсир кўрсатган кишилар шу ном билан юритилади. Санъатда, адабиётда энг яхши ва юксак асарлар эса- мумтоз (классик) асарлар деб аталади. Ўзбек мумтоз мусиқаси ҳам шулар жумласидандир.

Дарснинг мусиқа тинглаш ва бадиий таҳлилқисмида ўқувчиларга «Гулузорим» (Ҳожи Абдулазиз мусиқаси), «Бозургъоний» (Ҳожи Абдулазиз ёъли), «Феруз-И» , «Ихтиёр» (Комилжон Жабборов мусиқаси), «Ушшоқи Самарқанд», «Сайқал» (ўзбек халқ куйи) кабилар тавсия этилади.

Ўқувчилар мусиқа асарларини тинглаш баробарида Ўзбекистон сарҳадида мумтоз мусиқанинг кўп тармоқли ва маҳаллий анъаналарга эга эканлиги ҳақида уларнинг ўзаро ўхшаш ҳамда ўзига хослиги ҳақида тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Ушбу мумтозқўшиқларни яратган, куйлаган ҳофиз-хонанда ҳамда созандаларнинг ижро услуби, ёъли, овоз салоҳиятларининг ўзига хослик жиҳатлари хусусидақизиқарли, тарихий маълумотларга бой тушунчалар берилади. Уларнинг ўзбек мусиқа,қўшиқчилик маданиятигақўшган улкан ҳиссаси алоҳида таъкидлаб ўтилади. Шу билан бирга мумтоз санъаткорларнинг ижрочилик мактаби ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаётганлиги, бу санъат устоздан-шогирдга мерос сифатида ўтиб келинаётганлиги ҳамда бу анъана келажақда ҳам давом эттирилиши хусусида айтиб ўтилади.

Дарснинг жамоа бўлиб куйлаш босқичидақуйидагиқўшиқлар тавсия этилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси». А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусиқаси.
2. «Болалар». Ҳ.Раҳмонов мусиқаси, Ж.Жабборов шеъри.
3. «Ёшликқўшиғи». М.Ашрафийқайта ишлаган халқ куйи., К.Яшин шеъри.
4. «Мунажжим бобо». Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри.
5. «Истиклол ҳақидақўшиқ». К.Мамиров мусиқаси, Л.Қўлдошев шеъри.
6. «Рост» мақомидан «Ушоқ соқиномаси», Мунис газали.

Ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигини ошириш- мажор ва минор гаммаларининг тургъун товушларини куйлаш, метр ва ритм, ритм ва усул, чорак, нимчорак, нуктали ноталар ва уларга мутаносибли паузаларни билиш ҳамда амалдақўллаш орқали ўргатилади.

Мажор ва минор товушқаторларининг тургъун товушлари (И-ИИ-Й-босқичлар)ни аниқлаб тоза куйлашга эътибор берилиб, мусикада усул тушунчаси, унинг муҳим аҳамияти, мусикада усулни тўғри англаб олиш, куйлашда бунга жиддий эътибор бериш лозимлиги уқтирилади. Ноталар (чорак, нимчорак, нуктали) чўзими хусусида алоҳида тўхталиб, чорак нота- И ҳамга саналиши, нимчорак нотанинг ўнг томонидақўйиладиган нукта унинг чўзимини яна ярим баробар оширилиши тушунтирилиб, амалиётда чолгъу асбобида чалиб кўрсатилади. Ноталарга мутаносиб паузалар, яъни нотанинг чўзимиқандай бўлса, ўша паузанинг чўзими ҳам шунча давом эттирилиши нота парчаларида асослаб, кўрсатилиб ўтилади. Мусика саводхонлигидан берилган барча назарий маълумотлар, албатта амалдақўлланиш орқали мустаҳкамланиб борилади. Олинган умумий билимлар такрорланиб, ўтилганлари мустаҳкамланади.

Иккинчи чорак «Замонавий мусика ва унинг асосий хусусиятлари» га бағъишланади. Бу чорак давомида ўқувчилар замонавий мусика ижодиёти, бастакорлик- ижро ва ижод соҳаларининг ўзаро уйғунлигини таъминловчи ижодкорлик намунаси эканлиги ҳамдақадимий-амалий анъаналарнинг янги замонавий шароитда давом эттирилишидан хабардор бўлишларига эътибор кучайтирилади. Шу мақсадда мусика тинглашда Г.Қодировнинг «Мактабжон-офтобжон» вокал-симфоник сюитаси, «Ўзбекистон она-онажон» А.Мансуров мусикаси, А.Кўчимов шеъри, «Мустақиллик лолаларимиз» Р.Абдуллаев мусикаси, Н.Нарзуллаев шеъри, «Раъно» И.Акбаров мусикаси, С.Акбарий шеъри, «Мажнунтол» халқ мусикаси, э.Сниряевқайта ишлаган, «Ёмғир ёғди» Д.Омонуллаева мусикаси, У.Азимов шеъри, «Кўшиқ- бизнинг дўстимиз» э.Шварц мусикаси каби асарлар эшиттирилади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида ўқувчилар К.Кенжаев ва К.Муҳаммадийларнинг «Ёшлик ёллари чаман», Н.Норхўжаев ва Р.Толибнинг «Еҳ орзулар», Н.Норхўжаев ва Пўлат Мўминларнинг «Чамандаги гуллармиз», К.Мўмиров ва М.Мирзаевнинг «Азиз устозлар», Ш.Рамазонов, Ф.Шохисмоилнинг «Гулшан диёрим-Ўзбекистон», Ҳ.Раҳимов ҳамда С.Барноевларнинг «Мучалқўшиғи», К.Мамиров мусикаси ва шеъри «Юртимқомуси» сингари вокал асарларни ўрганишади.

Куйлаш учун тавсия этилаётган букўшиқларнинг аксарияти янги асарлар. Шу боис,кўшиқ ўргатиш жараёнида бастакорлар ҳамдақўшиқ ёзувчи шоирлар ҳамкорлиги, уларнинг ижод этиш хусусиятлари, ўзига хос услублари ҳақида ҳам маълумотлар бериш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ушбу чоракнинг мусика саводхонлиги босқичида ладлар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Шу билан ўқувчиларнинг бу тушунча ҳақидаги билим ва малакалари мустаҳкамланиб олинади.

Калит олдидаги алтерация белгилари билан таништириш ҳамда белгиларнинг аҳамияти ҳақида кенгроқ мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Алтерация белгиларининг ўрни, асардаги аҳамияти, вазифаси айтиб ўтилиб, алтерациялардан диёз, бемол, бекар белгилари хусусида назарий маълумотлар берилиб, амалиётда асарлар мисолида уларнингқўлланилиши тушунтирилади.

Шунингдек, интерваллар ҳақидаги маълумотларни баён этишда бу тушунчанинг мазмуни, интерваллар турлари ҳақида тушунча бериб, кичик

мисоллар ёрдамида турлари аниқланади, оддийллари ҳақида маълумотлар мустаҳкамлангач мусиқада мураккаблари ҳам мавжуд эканлиги ҳақида айтиб ўтилади. Оддий интерваллар- прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима ва октава номлари билан аталиши, мураккаб интерваллар эса- нона, децима, ундецима, дуодецима сингари атамалар билан, шунингдек, улар рақамлар асосида ҳам белгиланиши айтиб ўтилади.

Юқорида баён этилган назарий билимларнинг ҳар бири, албатта мусиқа амалиётида мисоллар билан асосланиб, мустаҳкамланиб бориши жуда муҳим. Акс ҳолда бу назарий билимлар болаларга куруқ атамалар бўлиб қолади.

3-чоракда ўқувчилар «Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси» ҳақидаги маълумотларни эгаллашлари назарда тутилгандир.

Шарқ халқлари мусиқа маданиятида моҳиятан ўзаро ўхшаш ижод турлари мавжудлиги, мусиқани бу халқлар маънавий ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти, айниқса чолғу созларида ижрочилик санъатидаги умумийлик, ўхшашлик сингари хусусиятлар аста-секин ўқувчилар томонидан انگланиб борилади.

Ушбу чорак давомида ўқувчилар қуйидаги асарларни тинглашлари тавсия этилади:

1. «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивалининг мадҳияси. Д.Омонуллаева мусиқаси, У.Азимов шеъри.
2. Турк халқ куйлари.
3. «Забул тесниси». Озарбайжон халққўшиғи.
4. «Қувноққизлар». Киргиз халқ кўшиғи.
5. «Отуш» Уйғурқўшиғи.
6. «Вакт ўтганда». Ҳиндқўшиғи.
7. «Тонгги шафқ». Арабқўшиғи.
8. «Кўрмадим». Д.Зокиров мусиқаси, Навоий ғазали.
9. «Найрез». Тоҷик халқ куйи.

Жамоа бўлиб куйлаш босқичида ўқувчилар «Ёшлар» (Рамзий шеъри, А. Мансуров мусиқаси), «Гушлар» (туркманчақўшиқ) «Ей, Тоҷикистонам» (Н.Қурбонасоев мусиқаси, Ҳ.Жўраев), «Истиклолим» (А.Мансуров мусиқаси, П.Мўмин шеъри), «Гунафша» (К.Мамиров мусиқаси, М.Қориев шеъри), «Баҳор соғинчи» (В.А.Моцарт, Авердер сўзи, С.Барноев таржимаси).

Букўшиқларни ўрганиш жараёнида ўқитувчи албатта, ўқувчиларнинг мутация даврини ҳисобга олиши, айрим баланд пардада куйланадиганқўшиқларни транспозиция қилиб ўргатишига эътибор бериши керак. Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси, замонавий қўшиқлари оҳанги, сўз матнлари, сўз мазмунининг оҳангда ифодалилиқ хусусияти, ўзаро уйғунлиқ масалаларига ўқувчилар диққатини жалб этиб, асарларни мусиқий-педагогик таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мусиқа саводхонлигидан олинган билим ва малакаларни амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мажор ладининг тузилиши, унинг хусусияти, ундаги тон ва ярим тонлиқларни аниқлаш, худди шу услубда минор ладини тузиш, мажор ва минор ладини қиёслаш, уларнинг фарқини ажрата олиш каби малакалар бу босқичда эгалланиб олиниши керак. Олинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

4-чорак «Йевропа мумтоз мусиқаси билан танишув»га бағъишланади. Мусиқа тинглаш босқичидақуйидаги асарлар тавсияқилинади:

1. Шуберт. «Форел».
2. Моцарт «Фигаронинг уйланиши» операсидан парча.
3. Бетховен «Қаҳрамонлик» (3-симфонияси).
4. Шопен «Мазурка».
5. Мирсоат Толипов 2-симфония.
6. Сайфи Жалил 1-симфония.
7. Тўлқин қурбонов «Симфоник оркестр учун «фуга».
8. Н.Норхўжаев «Увертюра», «Симфонийетта».

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тавсия этилган асарлар ичида айримлари ўқитувчиқўл остида мактаб фонохрестоматиясида бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи ўша асарлар ўрнида мавзу моҳиятига мос бошқа асарлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида ўқувчилар «Тошкент ҳақида қўшиқ» (К.Мамуров мусиқаси ва шеъри), «Юртим камоли» (Н.Норхўжаев мусиқаси, Р.Толиб шеъри), «Биз тинчликни истаймиз» (К.Кенжаев мусиқаси, Б. Исроилов шеъри), «Келажак бизники (К.Кенжаев мусиқаси, М.Аъзам шеъри)», «Ўзбекистон она-онажон» билан танишиб, уларни куйлашга ўрганишади.

Мусиқа саводхонлигидан олинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш овоз диалпазонига мос машқ вақўшиқларни нота ёзувигақараб куйлаш оддий куйларни солфеджиоқилиб куйлашни машққилиш амалга оширилади. Шунингдек, нота чўзимларини турли машқларда бутундан ўн олтиталиккача билиш ва нота ёзувларигақараб куйлаш, паузаларни ноталар чўзимлари воситасидақийёслаб ўрганиш ва амалиётда тўғриқўллаш, хор ҳамда оркестр ижросидаги асарларни бадиий идрок этиб, улардаги мазмун ва бадиий образларни англаб олишга эришиш, мусиқали драма ҳамда опера асарларини ижро услубларидан ажрата олиш малакалари ривожлантирилади.

Шундайқилиб, олтинчи синф ўқув йилининг сўнгида ўқувчилар билим ва малакаларини мезони қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- ўқувчилар Ўзбекистон мумтоз мусиқасининг кўп тармоқли ва маҳаллий анъаналарига эга эканлигини ҳамда уларнинг ўзаро ўхшаш ва ўзига хослиги ҳақида тушунчаларга эга бўлишлари;
- улар замонавий мусиқа ижодиёти, бастакорлик ижро ва ижод соҳаларини муштараклигини таъминловчи ижодкорлик намунаси эканлиги вақадимий-амалий анъаналарнинг янги замонавий шароитда давом эттиришидан хабардор бўлишлари, бунда усул ва куй омилларининг этакчи бадиий ифода воситаси эканлигига эътибор беришлари, бастакорлик ижодида маҳаллий мусиқа анъаналарининг бадиий юксаклик касб этишини, композиторлик ижодининг йетук намуналарида миллий мусиқа, лад-оҳанглари ва бастакорлик анъаналарининг бадиий мужассам эканлигини билишлари лозим.
- Шарқ халқлари мусиқа маданиятида моҳиятан ўзаро ўхшаш ижод турлари мавжудлиги, мусиқани бу халқларнинг маънавий ҳаётида тутган ўрни, чолғуларнинг турдошлиги, ижрочилик санъатидаги ўхшаш мавқеи, аксарият мусиқий жанрларнинг моҳияти ва номланишидаги умумийликдан (масалан, мақом, мугом, муком, рубоб-ребоб, уд-ад-уд, гижжак-камонча, доира-даф,

сурнай-зарна, танбур-тамбур, дутор, сетор, чотор, думбира ва бошқалар) хабардор бўлиши керак.

- Йеуропа мумтоз мусиқасининг нота ёзуви анъанасига богълик камол топганлигини, Ёарбий Йеуропа профессионал мусиқа санъатида «мумтоз мусиқа» иборасинингқўлланиши кўламини ўқувчилар билиши лозим.
- Ўқувчилар композиторликда шаклланган ижод турлари (романс, каната, сюита, симфония ва ҳоказо), композиторлик ижодидақўлланиладиган кичик ҳажмли вокал жанрлари-қўшиқлар, романс ва арияларнинг тавсифларини (банд ва нақарот шакли, романс-лирик характери ва шаклан ривожланган, ария-операқаҳрамонларининг ички руҳий кечинмалари) ифода этувчи ривожланган вокал асарлари ҳақида умумий маълумотларга эга бўлишлари лозим.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Ички руҳий кечинмалар, ижтимоий-ахлоқий соҳа, нохуш кечинмалар, овоз партиялари, мумтоз мусиқа овоз салоҳияти, ахлоқий - эстетик тарбия, шарқ халқлари мусиқаси, транспозицияқилиш

МАВЗУ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Омонуллаева Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқув қўлланма). -Т., 1990.
2. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) . -Т., 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.
4. Ҳасанов А.Ш. Мусиқа ва тарбия. -Т., 1993.
5. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугъати.- Т., 1983.
6. Гозиев э. Психология (ёш даврлари психологияси). -Т., «Ўқитувчи» 1994.

4-МАВЗУ. Йеттинчи синфда мусиқа таълими мазмун ва методикаси.

Режа: 1. Йеттинчи синфда мусиқа таълими мазмуни.

2. Машғулотларда «мусиқа тинглаш», «айтим фаолияти» ва мусиқа саводхонлиги босқичлари.

3. Ўқувчиларни миллий мусиқа тарихи ва адабиёти билан таништириш.

4. Асосий иш мазмуни ва методлари.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепциясида таъкидланганидек, мусиқа тарбиясининг мақсади — ёш

авлодни миллий мусиқа меросимизга ворисликкила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойликларини идрок эта оладиган вақадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга этказишдан иборат ишлар 7-синф дарсларида ва синфдан ташқари мусиқий маърифий тадбирларда давом эттирилади.

Ўқув дастурида 7-синф ўқувчилари ўқув йили давомида «халқ мусикасининг маҳаллий услублари», «Мақомлар ҳақида умумий тушунчалар» билан танишишлари назарда тутилган.

И-чоракда «Қашқадарё-Сурхондарё, Самарқанд-Бухоро воҳаларининг мусиқий услублари» ҳақида маълумотлар берилади.

Бунда ўқувчилар энг аввало ўзбек мусикасида маҳаллий услубларнинг аҳамиятини билиб олишлари лозим бўлади.

«Ўзбек мусикаси» ибораси кенг мазмунли тушунча бўлиб, у ўз ичига мусиқий мероснинг иккиқатлами- халқ мусикаси ва касбий (устозона) мусиқа ҳамда замонавий ижодиёт (бастакорлик, композиторлик) соҳаларини қамраб олиши баробарида яна тўртта асосий маҳаллий услублардан ташкил топади. Бу услубларқуйидагича тарзда номланади: Сурхондарё-Қашқадарё, мусиқа услуби, Бухоро-Самарқанд мусиқа услуби, Хоразм мусиқа услуби, Фарғона-Тошкент мусиқа услуби.

Ўқувчиларга «Сурхондарё-Қашқадарё» мусиқа услуби ҳақида маълумот бериб, ушбу услуб Сурхондарё вақашқадарё вилоятлари ҳудудида шаклланган барча мусиқий-бадиий аъёнларни ўзида мужассам этади. Бунда, жумладан чорвачилик ва деҳқончилик билан богълик меҳнат айтимлари, мавсумий-маросимқўшиқлари, чўпонлар ҳамда бахшилар санъати назарда тутилади. Шунингдек, мусиқий амалиётда жорий бўлиб келаётган чолғулар-асосан дўмбира, кубиз, чўпон най чанговуз ва доира созларидан иборат эканлиги инобатга олинади.

Сурхондарё-Қашқадарё мусиқий услубида дostonчилик санъати салмоқли ўрин тутди. Дoston адабий-мусиқий асар. Унинг таркиби насрий ва шеърий қисмлардан иборатдир. «Алпомиш», «Ёдгор», «Авазхон», «Орзигул» каби дostonлар ана шундай кўринишга эгадир. Дoston ижрочилари бахши, шоир ёки юзбоши деб аталиб, Абдулла Нурали ўғли, Ислom Назар ўғли, Снерназар Бекназар ўғли-дostonчилик мактабларининг йирик вакиллари дир.

Бахшилар санъатида сўз устаси, қўшиқ куйловчиси ва соз чолғучиси ўзининг мужассам ифодасини топади. Бунда дostonларнинг насрий қисмларини бахшилар маҳорат билан бадиий сўзлаб берсалар, шеърий бўлакларини қўшиқ тарзида (махсус бугъик овозда) куйга соладилар.

Мусиқа тинглаш босқичида ушбу мавзу ёритилиши давомида «Шалола» фолклор-этнографик ансамбл ижросида магнит тасмаларига ёзиб олинган меҳнат ва мавсумий маросим айтимларидан намуналар ҳамда «Алпомиш», «Гўрўгли» каби дostonлар мазмуни билан қисқача таништирилиб, ундан айрим парчаларни тинглаш тавсия этилади. Шунингдек, шароит ва имконият тақозо эца, чанговуз, кубиз ва чўпон най садоларига оид намуналар ҳам ўқувчилар диққатига ҳавола этилади. Шу билан бирга Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услубида дўмбира созининг ўрни муҳим эканлиги боис, бу чолғу ижрочилигига кўпроқ эътибор бериш лозим бўлади.

Бухоро-Самарқанд услубида меросимизнинг ҳар иккала қатлами ҳам мусиқий фолклор (халқ мусикаси), ҳам касбий мусиқа намуналари кенг намоён

бўлади. Ўқувчиларга ушбу мусиқа услуби ҳақида маълумот беришда, авваламбор мусиқанинг халқ ҳаётида тутган ўрнига эътиборни қаратмоқ лозим бўлади. Хусусан, халқ байрамлари ва тантаналарида мусиқанинг ўрни, айниқса баҳор мавсуми билан богълиқ ўтказилган «Гули сурх» халқ тантанали маросимларида мусиқанинг аҳамияти катта бўлганлиги айтиб ўтилади.

Бухоро-Самарқанд мусиқа услубида «қарсак» номи билан маълумқўшиқ ва рақслар ҳам аҳамиятлидир. Унинг «Бешқарсак», «Учқарс», «қўшқарс», «Майда қарс» каби турлари мавжуд бўлиб, улар жанр жиҳатидан яллаларга яқин туради.

Бухоро-Самарқанд услубига хос жиҳатлардан бири-унда икки тиллилик (ўзбек, тожик) анъанасининг намоён бўлиб туриши, айрим халққўшиқларидан айни вақтнинг ўзида ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида битилган шеърлар ёнма-ёнқўлланилишини кузатилиш ҳақида ҳам айтиб ўтилса, мақсадга мувофиқдир.

Бухоро-Самарқанд мусиқа услубида касбий мусиқачилар санъати ҳам салмоқли ўрин тутди. Буқатламдаги мусиқа эса бир неча кўринишларга эгадир. Хусусан туркум шаклида бўлган «рақсий айтимлар» асосан аёллардан иборат бўлган созандалар томонидан турли тантана, тўй, базмларда хотин-қизлар орасида ижро этилади.

эркаклар томонидан ижро этиладиган ва «Мавриги» номи билан маълум бўлган туркумли айтимлар эса, анъанага кўра, доира жўрлигида ҳамда раққос-ўйинчи ижросида амалга оширилганлиги ўқувчиларга ҳикоя қилиб берилади.

«Самарқанд уфори», «Самарқанд ёр-ёри», «Бухоро ёр-ёри», «Бухорча мавриги», «Бухорча» халқ куй вақўшиқларини мусиқа тинглаш босқичида ўтилиши ўқувчиларнинг мусиқий услублар ҳақида билим ва маълумотларини янада кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Жамоа бўлиб куйлаш учун И-чорак давомидакуйидагиқўшиқлар тавсия этилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси» А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусиқаси.
2. «Мустақиллик лолаларимиз». Р.Абдуллаев мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеъри.
3. «Бухоро» Ҳ.Раҳимов мусиқаси, С.Барноев шеъри.
4. «Ўзбекистон- онажон». М.Отажонов мусиқаси, К.Ота шеъри.
5. «Ёшлик-сенинг парвозингдур», Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри.
6. «Ей нозанин» ўзбек халққўшиғи.

Мусиқа саводи босқичида ўрганилаётган ҳар бирқўшиқнинг тузук-парда асосларини товушқатор шаклида ноталар воситасида ёзиб чиқиш. Овоз диапозонига мос машқ вақўшиқларни нота ёзувига қараб куйлаш, оддий куйларни солфеджио қилиб куйлаш, интервалларнинг оралиғини таққослаб ажратиш, уларни куйлаб кўрсатиш, қашқадарё-Сурхондарё ва Самарқанд-Бухоро маҳаллий услубларини ижро услубларига кўра фарқлай билиш каби малакалар шакллантирилишига эътибор қаратилади.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси қашқадарё-Сурхондарё, Самарқанд-Бухоро воҳаларининг мусиқий услублари ҳақида бўлиб, биринчи чорак давомида дарсларнинг мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводи босқичларида ўз ифодасини топиши лозим.

7-синфнинг иккинчи чорагида ўқувчилар «Фарғона-Тошкент» ҳамда Хоразм воҳалари мусиқий услублари билан танишадилар.

Фарғона-Тошкент музика услуби Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудларидақарор топган музикаий анъаналардан таркиб топади. Бунда хилма-хил айтимлар (терма, лапар, ялла,қўшиқ, байт, ашула) жанрлари ҳамда катта ашўла, ёввойи мақом, мақом ёллари каби устозлар ижоди ва ижрочилигига доир намуналар ўз аксини топгандир. Фарғона-Тошкент музика услубида болалар фольклори ҳам машҳур эканлигини айтиш жоиздир. Бу ўринда «Бойчечак», «Ёмгир ёғалоқ», «Лайлак келди», «Читти гул» сингарикўшиқларни айтиб ўтиш мумкин.

Хотин -қизлар орасида маросим айтимлари бўлган «Ёр-ёр» ва «Келин салом»ларда куйлаш ҳам кенг тус олган. Одатда яллалар яккахон яллачи ва кўпчилик иштирокида айтилади.

Ўқувчиларга ушбу музика услубига мансуб «Катта ашула» жанри ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари ва бу бошқа маҳаллий услубларда мутлақо учрамаслиги таъкидлаб ўтилади.

Катта ашула ижросида якка ҳофиз ёки ҳамнафас ҳофизларқатнашадилар. Бунда жўрнавоз чолғулар қўлланилмайди. Бу турдаги ашулалар кенг нафасли куйларга эга бўлиб, эркин ритм-ўлчов асосида куйланади. Мазкур жанрнинг «патнус ашула», «лиқоби ашула» сингари бошқача номланиши ҳам маълумки, бу ҳақда ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Машҳур катта ашулачилар: Ҳамроқулқори, Муҳаммад бобо Сатторов, Акбарқори Ҳайдаров, Жўрахон Султоновларнинг Фарғона-Тошкент музика услубини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганликлари таъкидлаб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Музика тинглаш босқичида «Тановар», «Кўшчинор» (1-2), «Ойижон» (лапар), «Қари наво», «Шодиёна» (1-5қисмлар) каби куй вақўшиқлар эшиттирилади.

Хоразм музика услуби эса ўзгача тароват ва анъаналарга эга эканлиги, ушбу услубнинг маълум даражада туркман ва озарбайжон музикасига яқин эканлиги ҳам аҳамиятлилиқ касб этишидан далолатдир. Хоразм дostonлари репертуар жиҳатидан ҳам фарқли хусусиятларни намоён этади. Хусусан бунда «Ошиқ Гариб ва Шохсанам», «Гўрўгли», «Бозиргон», «Ошиқ Ойдин» каби дostonлар асосий ўрин эгалласа-да, аммоқаҳрамонлиқ дostonига оид «Алпомиш» намунаси мутлақо учрамайди. Хоразмнинг машҳур дostonчиларикаторида Аҳмад Бахши ва Бола Бахшиларни айтиш керак.

Хоразм дostonчилигида халфалар санъати ҳам диққатга сазовордир. Асосан аёллар орасида жорий бўлган халфачилиқ санъатида кўпроқ дostonлардан олинган парча ва термалар турли вазиятларда куйлаш учун ижод этилганқўшиқлар киради. Якка халфалар одатда дoston қўшиқларидан тортиб, то тўй-ҳашам (ёр-ёр, келин салом ва бошқ.)қўшиқларни жўрнавоз чолғусиз куйлайдилар. Розия Матниёзқизи, Подшо Саидмаматқизи, Саодат Худойбергановалар ижоди якка халфачиликка ёрқин мисолдир.

Ансамбли халфалар эса одатда устоз-халфа (у ҳам ашула айтади, баъзан гармонда ўзига жўр бўлади) доирачи ва раққос-ўйинчилардан иборат бўлиши, Биби Шоира, Ожиза, Онажон Сафарова, Хошимжон Халфа, Назира Собировалар ана шундай халфалардан эканликлари изоҳлаб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Назарий маълумотлар «Лазги», «Сурнай лазгиси», «Овозинг сени», «Уфори ганжи Карабоғ», «Савти Сувора» сингари Хоразм мусиқий услубига хос куй ва дoston қўшиқларини тинглаш билан мустаҳкамланади.

2- чоракда жамоа бўлиб куйлаш учун «Ёшлик завқи» (Н.Норхўжаев мусиқаси, К. Саидмуродов шеъри, «Она тилим – ўзбек тилим» (Ф.Алимов мусиқаси, П.Мўмин шеъри, «Соқиномаи савти калон» (ўзб. халқ куйи, «Ўзбегимдан айланай» (Н.Норхўжаев мусиқаси, Ҳ. Раҳмат шеъри, «Ей меҳрибоним» (халқ куйи, Чокарий шеъри), «Бир келсун» (Навоий ғазали) кабиқўшиқларни ўрганиб, куйлаш тавсия этилади.

Мусиқий саводхонликни ошириш учун бу босқичда ўқувчилар мажор ва минор гаммаларнинг тургун товушларни куйлаш, ритм ва усул ҳақида назарий билимларга эга бўлишлари, чорак, нимчорак, нуктали ноталар ва уларга мутаносиб паузаларни билиш ҳамда амалдақўллаш малакаларини эгаллашлари лозим.

Шунингдек, тингладиган асарларни бармоқ учидан чертиб ёки оғъизда «Бум» ва «Бак» бўғинларини ишлатиб куйлай олиш, жўр бўлиш, доирада,қошиқда ёки бирор чолғу асбобида турли мусиқий усулларга қайси куйлар мос тушишига доир топишмоқли вазифаларни бажаришга эришмоқлари талаб этилади.

Бунинг учун эса албатта, ўқитувчининг педагогик маҳорати, дарсларни қизиқарли, самарали ташкил эта олиш, ўқувчиларни мусиқий фаолиятларга фаолроқ жалб эта олиш қобилиятлари алоҳида аҳамиятга эга.

7-синфнинг 3-чорагидан бошлаб, ўқувчилар «Мақом», «Шашмақом» мавзулари билан яқиндан танишадилар. Мақом санъати ўзининг кўп асрлик тарихига эга эканлиги, мақом куйларининг ибтидоий шакллари эрамиздан аввалги даврлар мусиқа маданиятига бориб тақалиши, у оғъаки тарзда камол топиб келганлиги ва авлоддан-авлодга «Устоз- шогирд» анъанаси орқали мерос ўтиб келган касбий мусиқанинг юксак намунаси эканлигини билиб олишади.

«Мақом» атамаси асли арабча бўлиб, кўп маъноларни, шу жумладан, «ўрин», «жой» тушунчаларини ифодалаши, унинг дастлабки мусиқий истилоҳи эса «чолғу асбобларида товуш ҳосил этадиган жой» (И.Ражабов), яъни парда маъносига боғлиқ эканлиги, мақом – бу маълум пардалар уюшмаси ва унинг асосида яратилган чолғу куй ва ашулалар мажмуи эканлиги тушунтирилади. Ҳозирда Ўзбекистонда мақомларнинг уч тури мавжуд бўлиб, уларқуйидагича номланиши айтиб ўтилади:

1. Шашмақом ёки Бухоро Шашмақоми;
2. Хоразм мақомлари ёки Хоразм шашмақоми;
3. Фарғона – Тошкент мақом ёллари.

Бухоро Шашмақоми ҳақидаги тарихий маълумотлар ўқувчиларқизиқишларини оширишга хизматқилмоғи лозим. Ўқитувчи бу ҳақда тахминанқуйидагича сўзлаб бериши мумкин:

Бухоро мақомлари ХИИИИ-аср ўрталарига келиб сарой маданиятида, яъни касбий мусиқачилари ва мусиқашунос олимлари томонидан олти мақомдан иборат мажмуа сифатида тасниф этилди. Бу мақомлар эсақуйидагича номланади: Бузрук, Рост, Наво, Дуғоҳ, Сегоҳ, Ироқ. Ушбу мақомлар мажмуаси эса олти мақом (Шашмақом) тизимини ташкил этади.

Ўтмишда мақомлар асосан огъзаки анъана тарзида, яъни устоздан шогирдга "огъзаки услуб" воситасида ўтиб яшаб келди. Шу билан бирга Шарқ олимлари томонидан ҳам ўзига хос мусикий («нота») ёзуви ёллари ихтиро этилган бўлиб, аммо улар истёмолда кенг жорий бўлмаган эди. Мақомларни беш чизиқли нота тизими асосида ёзиб олиш ишлари XX-аср бошларида амалга оширилган. Таниқли композитор ва этнограф В.А.Успенский XX-асрнинг 20-йилларида Бухорода мақомчи-устозлар ҳофиз Ота Жалол Носир ва танбурчи Ота ғиёс Абдугъанилар ижросида олти мақом тизимини нота ёзувларида илк бор муҳрлади.

Шунингдек, академик Юнус Ражабий (1897-1976) ҳам Олти мақом тизимини икки бор XX-асрнинг 50-60-70 йиллари давомида нота ёзувларида босмадан чиқарган.

Олти мақом тизимидаги ҳар бир мақом икки йирик бўлимдан (Мушқилот) ва ашула (Наср) ёлларидан таркиб топиши, мақомларнинг чолғу ёллари Бухоро анъанасига кўра «Мушқилот» деб юритилади.

Мушқилот бўлими асосан беш қисмдан иборат бўлиб, уларнинг номлари қуйидагичадир:

- 1.Тасниф -таснифланган, ижод этилган мукаммал асар:
- 2.Таржеъ –қайтариқ, такрорлаш, нақарот:
- 3.Гардун- фалак гардиши,қисмат:
4. Мухаммас – бешлик, бешланган.
5. Сакил - вазмин, огъир.

Юқорида келтирилган Шашмақом ва унинг чолғу бўлими ҳақидаги назарий билимлар мусиқа тинглаш босқичида амалий жиҳатдан тингланиб, бу ҳақда ўқувчилар маълумотларининг кенгайишига ёрдам беради. 3- чорак мусиқа тинглаш босқичида ўқувчиларга «чолғу ёллари», «Гардуни Бузрук», «Таснифи Бузрук», «Таржеъи Наво», «Мухаммаси баёт», «Самои Дуғоҳ» сингари мақомнинг куйлари тингланади. Мусиқа тинглаш фаолиятини амалга оширишда мақомдон санъаткорларнинг ижролари муҳрланган грамезув ва магнит тасмаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек мусиқа ўқитувчиси ҳам ўз ижроси билан ўқувчиларга шахсий намуна бўлмоғи муҳимдир.

Мақом намунасини тинглаш жараёнида ўқитувчи аввалига танланган намуна ҳақида зарур маълумот (масалан, асарнинг яратилиш тарихи, унинг шакл тузилиши ҳамда тузук асоси ва ҳ.к.) ҳақида маълумот бериб, сўнгра унинг куй мавзуи (негизи)ниқисқа шаклда ижро этиб кўрсатиши, ҳамда агар намуна мақом ашула ёлига оид бўлса, ундакўлланган ғазал намунасини мухтасар шарҳлаб ўтиши мумкин.

Шашмақомнингқуйидаги ашула ёллари тинглаш учун тавсия этилади:

- 1.«Насруллои»; 2.«Мугъулчаи Бузрук», 3.«Бузрук мугъулчасинингқашқарчаси», 4. «Бузрук мугъулчасининг соқийномаси», 5. «Мугъулчаи Дуғоҳ», 6. «Мугулчаи Дуғоҳ талқинчаси», 7. «Мугъулчаи Дуғоҳқашқарчаси», 8. «Мугъулчаи Дуғоҳ соқийномаси».

Жамоа бўлиб куйлаш мақсадида дастурда «Мустаҳзод» (ўзбек халқ мусиқаси, Чокар шеъри), «Хунарманд ёшларқўшиғи» (Қўлдош Мамиров мусиқаси), «Юртга садоқат» (Ҳ.Раҳимов мусиқаси, С.Барноев шеъри), «Бўз турғай» (Н.Норхўжаев мусиқаси), «Кенг Туркистон» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри) кабилар киритилган.

Муסיқа саводхонлиги- турли темпларда машқларни куйлаш, темп ўзгариши билан муסיқанинг ифода хусусиятини ўзгаришини билиш, мақом санъати ҳақида маълумотга эга бўлиш, мақомларнинг «чолғу» ва «ашула» бўлимларини аниқ тавсифлаш ҳамда бошқа маълумотлар билан бойитиш.

ИЙ- чорак давомида ўқувчилар «Хоразм мақомлари», «Фарғона-Тошкент мақом ёллари» мавзuida билим ва малакаларга эга бўлишади.

Хоразм мақомлари муайян тизимдаги туркум шаклида XIX-асрнинг биринчи ярмидақарор топган бўлиб, улар ҳам Бухоро Шашмақоми сингари Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари мажмуасидан иборатдир. Хоразм мақомларида бўлимлар «чертим ёъли» ва «айтим ёъли» ёки «Мансур» ва «Манзум» каби умумий номлар билан юритилади.

Хоразм мақомлари бир неча бор нота ёзувларида мухрланган. Жумладан, XIX-асрда яшаб ижод этган атоқли шоир ва муסיқашунос олим Паҳлавон Ниёз Муҳаммад (тахаллуси- Комил Хоразмий) Хоразм мақомларини ўзи ихтиро этган «танбур чизигъи» воситасида ёзиб олиш тажрибасини бошлаб берган эди. Бу ишни унинг ўғли Муҳаммад Расул давом эттирди. XX-аср давомида эса Хоразм мақомлари беш чизикли тизими воситасида ёзиб олинди. (Е, Романовская, М.Юсупов). Хоразм мақомларининг йирик билимдон ижрочилариқаторида Комил Хоразмий, Матпано Худойберганов, Матёкуб Ҳарратов, Ҳожихон Болтаев, Мадрахим Ёкубов (Шерозий) Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов каби санъаткорлар номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Назарий маълумотларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун чолғу ёлларида «Сегоҳ», мақоми «Рост», «Пешрави Гардун» ашула ёлларида эса «Сегоҳ» ашула ёъли) «Мақоми Наво» кабилар тингланади.

Шунингдек, ўқувчиларга «Фарғона-Тошкент» мақом ёллари Бухоро ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ бир тизим асосидаги яхлит туркумни ташкил этмай, балки алоҳида-алоҳида бўлган чолғу куй ва ашула ёлларида иборат. Фарғона-Тошкент мақом ёллари таркибида бирқисмли намуналардан тортиб, то беш-олтиқисмдан иборат туркум асарлар намоён бўлади. Айниқса, 5қисмли туркумлар кўпроқ учрайди. Хусусан, Насрулло ва Мискин чолғу ёллари, Чоргоҳ, Баёт, Баёти Шерозий, Гулер-Шахноз сингари ашула ёллари айнан 5-қисмдан иборат туркум асарларидир. Ўтмишда Фарғона-Тошкент мақом ёллари нафақат хон саройларида, балки халқ ҳаёти билан богълиқ турли шароит ва вазият (халқ томошалари ҳамда сайллари, дорбозлар ўйини, тўй базмлари ва ҳ.к.) ларда ҳам мудом ижро этиб келинган. Унинг таниқли ижрочилари- Шораҳим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шожалил Ҳофиз, Илҳом ҳофиз, Содирхон Ҳофиз, Юнус Ражабий, Комилжон Жабборов, Турғун Алиматов ва бошқалардир.

Юқорида келтирилган маълумотлар муסיқа тинглаш жараёнида янада кенгайтирилади. Тинглаш учунқуйидаги асарлар тавсия этилади:

«Муножот (И-ИИ)», «Чўли Ироқ», «Насрулло И-Й», ашула ёлларида эса – «Дугоҳ-Ҳусайн И-ЙИИ», «Баёт И» ва бошқалар.

Жамоа бўлиб куйлашда ўқувчиларга «Ўз юртингни сайр эцанг» (Ф.Олимов муסיқаси, П.Мўмин шеъри), «Туркистон фарзандларимиз» (Д.Омонуллаева муסיқаси, Т.Муллабоев шеъри), «Баҳор мадҳи» ва бошқақўшиқлар ўргатилади.

Шундайқилиб, ўқув йили охирида ўқувчилар билим ва малакалар мезоникуйидагилардан таркиб топиши лозимдир.

- Муסיқа санъатида маҳаллий услубларни тилнинг маҳаллий шеваларига, маҳаллий-ижтимоий анъаналари ва урф-одатларга, маҳаллий кийиниш маданиятига қиёслаб ўрганиш, вилоятлардаги маҳаллий муסיқий анъаналарни ва муסיқа меросининг ёрқин намуналарини билиш;
- Устозона муסיқа ва унинг халқ муסיқасидан фарқли жиҳатлари (шакл, мазмун, ижро услуби) ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш, устозона муסיқа моҳияти мумтоз аҳамиятга эга бўлган бадиий йетук асарлар ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- Шашмақом ашула бўлимига доир асосий ёллларини тинглаб, доира усулларини ва куй оҳанглари ажрата билиш, Тошкент- Фарғона мақом ёллларининг ўзига хослиги, туркум жиҳатидан Шашмақомга ўхшамаслиги, (яъни яхлит туркум эмаслиги), алоҳида-алоҳида бўлган чолғу-куй ва ашула ёлларидаги иборатлиги ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши;
- Хоразм мақомларининг умуман Шашмақом туркумиқолипига мос келиши, улардаги ҳар бир мақомда ҳам икки бўлим- чолғу ва ашула ёлларининг мавжудлиги ва шу билан бирга ўзига хослиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлган бўлиши талаб этилади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Маҳаллий услублар, муסיқий мерос, муסיқий бадиий анъана, меҳнат айтимлари, касбий муסיқа намуналари, туркумли айтимлар, тузук парда асослари, «катта ашўла» жанри, ритм-ўлчов асосида халфачилик санъати, «огъзаки услуб» воситаси, маҳаллий ижтимоий анъаналар, устозона муסיқа.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйҳати :

1. Омонуллаева Д. Мактабда муסיқа тарбияси методикасидан лекциялар курси.- Т., 1990.
2. Матёкубов О. Огъзаки анъанадаги профессионал муסיқа асосларига кириш. -Т., «Ўқитувчи», 1983.
3. Умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) -Т., 1998.
4. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф муסיқа дарси учун методик тавсиянома. (муаллифлар: О.Иброҳимов, Ҳ.Нурматов.) -Т.,1994.
5. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида муסיқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 25-ноябр, 1992.
6. Ҳасанов А. Муסיқа ва тарбия.-Т.,«Ўқитувчи», 1993.
7. Фолклор ансамбли (умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғра раҳбарлари учун дастур. -Т., 1993.

5-МАВЗУ. Ўқувчиларда ижрочилик, ижодкорлик малакаларини ривожлантириш.

- Режа:** 1. *Муסיқий тарбия бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш.*
2. *Синфдан ташқари муסיқий тадбирларнинг аҳамияти*
3. *Синфдан ташқари оммавий ва тўғарак ишларининг мақсади, ташкил этилиши, мазмуни.*

Инсон шахсини ҳар томонлама уйғун камолотини таъминлашда санъатнинг, жумладан муסיқанинг аҳамияти катта. Зеро, санъат асарлари воситасида кишининг бадиий дунёқараши кенгайиб, маънавияти шаклланади. Маънавиятни шакллантириш эса – даврнинг муҳим вазифаси бўлиб, уни ҳал этиш ниҳоятда долзарб. Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У ёқ жойда ҳечқачон, бахт-саодат, тараққиёт бўлмайди».

Санъат воситасида муסיқа маданиятини, бола шахсининг маънавиятини шакллантиришнинг изчил амалга оширишда умумтаълим мактабларининг роли айниқса катта. Истиқлол туфайли республика мактабларида муסיқа таълим-тарбиясининг янги Концепцияси қабул қилинди, муסיқа дастурлари ишлаб чиқилди, муסיқа дарсларини миллий муסיқа меросимиз устиворлигида амалга ошириш юзасидан услубий қўлланма, тавсияномалар нашрдан чиқди.

Дарс – муסיқа тарбия тизимида асосий омил ҳисобланади. Бироқ, муסיқа тарбияси тизимида дарс жараёнларини тўлдирувчи ва бойитувчи яна бир омил мавжуд бўлиб, у синфдан ва мактабдан ташқари муסיқа тарбияси тизимидир.

Тарбияга оид масалага ёндашилганда энг аввало унинг аҳамияти ва мақсади аниқланади. Синфдан ва мактабдан ташқари муסיқа тарбиясининг аҳамияти: биринчидан – ўқувчиларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш бўлса, иккинчидан синфда олинган билим ва малакаларини бойитишни кенгайтириш ҳамда амалий фаолиятга қўллашдан иборат. Муסיқа таълим-тарбиясининг мақсади эса – ёш авлодни миллий муסיқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий муסיқа бойлигини идрок эта оладиган ва қадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга йеткашидан иборатдир.

Вазифалари эса- ҳар бир ўқувчининг муסיқий иқтидорини ривожлантириб, муסיқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, мусиқадан зарурий билим, амалий малакалар доирасини таркиб топтириш, иқтидорли ўқувчиларнинг муסיқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Синфдан ташқари муסיқа машгулотларининг самарадорлигига эришиш, бўлажак муаллимлар, касбий тайёргарлигига, ўқувчилар бўш вақтини муסיқий ташкил эта олишқобилияти ва маҳоратига богълиқ. Чунки, муסיқа муаллими фаолиятининг ушбу қиррасини ҳам такомиллаштириш орқалигина ўқувчилар маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлган муסיқа маданиятини тарбиялаш мақсадини амалга ошириш анча самарали бўлади.

Кейинги йилларда синфдан ва мактабдан ташқари муסיқий таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, уни давр талаби асосида ривожлантириш муаммоларига бағъишланган қатор илмий тадқиқотлар, услубий рисоалар,

дастурлар, тавсияномалар яратилди ва яратилмоқда. Бунда республика музика педагогикаси олимлари билан бирқаторда устоз мураббийларимиз С.Д.Дўстов, А.Е.Қўшаев, Ф.Ж.Тўраев, Д.И. Рўзиевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Бироқ, синфдан ва мактабдан ташқари музика тарбияси тизими, талабаларни синфдан ташқари музика маърифий фаолиятга тайёрлаш муаммолари ҳали тўлиқ ўз йечимини топган дея олмаймиз. Мактабда маънавий тарбияни давр талаби асосида ташкил этиш- синфдан ва мактабдан ташқари музика маърифий ишларнинг мазмун ва усуллари ҳақида такомиллаштириб боришни талаб этади.

Музика муаллимининг фаолияти кенгирралади бўлиб, у ўқувчилар музика нафосат тарбияси асосларини дарс машғулотида амалга оширса, бу жараённинг кейинги ривожига ва такомиллашуви эса синфдан ташқари тадбирларда эришилади. Зеро, музика машғулоти билан синфдан ҳамда мактабдан ташқари тадбирлар ўзаро богълик бўлиб, улар бир-бирини ҳақида тўлдириб боради.

Синфдан ташқари музика маърифий ишлар ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, унинг тарғиботчилик фаолиятининг ривожига кенг имкониятлар очиб беради. Шу боис, музикашунос педагоглар музика ўқитувчисининг нафақат ўқувчиларга музика таълим-тарбия берувчи муаллим, балки ёшларни бўш вақтини музика ташкил эта оладиган тарғиботчи ва ташкилотчи, музика-нафосат ҳамда бадиий тарбияга масъул шахс сифатида таъриф беришади.

Музика муаллими фаолиятини кузатиш, таҳлил этиш натижалари уларни ихтисосликнинг мазкур ёналиши соҳасида махсус тайёргарликка тўлиқ эга эмасликларидан далolat беради. Бу айниқса муаллиmlарнинг синфдан ташқари музика тарбияси тизимига кирадиган тадбирларнинг Оммавий ва Тўғарак кўринишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида намоён бўлади.

Демак, синфдан ташқари музика тарбиянинг оммавий ҳамда тўғарак шакллари мавжуд. Оммавий тадбирлар ўз моҳиятига кўра кўпроқ болаларни жалбқилишни тақозо этади, аммо улардан қандайдир алоҳидақобилият, махсус музика билим ва малакалар талабқилинмайди. Бу тадбирларга қўшиқ байрамлари, музика ҳафталиги, санъат байрамлари, музика –иждодий учрашувлар, кўрик танловлар ва бошқалар киради. Бу тадбирлар музика – маърифий вазифани бажариб, болаларнинг бадиийқизиқишларини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжлариниқондиришга самарали ёрдам беради. Бундан ташқари мактаб байрамлари ҳамда болалар, ўсмирларнинг бўш вақтини музика ўтказишгақаратилган синфдан ташқари ишларнинг оммавий шакллари ҳам мавжуд. Уларнинг мавзуи байрамларнинг моҳиятига кўра тузилиб, тадбир мавзусининг гўяси- сценарий тузиш, сахнани бадиий безатиш, музика ҳамда адабий матнлар танлаб олиш ва бошқа иждодий босқичлар орқали баён этилади. Муҳими мактаб байрамлари ўқувчиларгақувонч бағъишлаши, уларнинг жипслашувига ёрдам бериши билан биргаликда уларнинг бадиийқобилиятлари ва иждодий маҳоратларини намоёнқилишда кенг имкониятлар яратмоғи лозим. Музика тарбиясининг мазкур шаклида болалар музика ўқуви текширувидан ўтказилмай, эркин иштирок этирилади. Бунда фақат болаларгақизиқиш уйғотилса, бас. Оммавий музика машғулоти болалар музика дунёқараши,

музикий савияси, билим доираси ва музикий дидини шакллантириш учун муҳимдир.

Синфдан ташқари музика тарбиясининг яна бир шакли- Музикий тўғарақлар бўлиб, у анъанавий характерга эга. Унинг таркибига хор, музика асбобларида чалишни ўрганиш, вокал-чолғу дастаси, фолклор ансамбли, ашула ва ракс дастаси, чолғучилар (дудорчилар, рубобчилар, доирачилар) дасталари киради. Музика тарбиясининг бу шакли ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Тўғарақларнинг асоси- музика дарсларидир. Чунки музика тўғарақларига лаёқатли ва музика дарсларига тўла бадийқоникмаган болалар жалбқилинади. Дарсда ҳар бир боланинг лаёқати вақизикиши ҳисобга олиниб, унинг хоҳиши билан у ёки бу музика тўғарагига жалбқилинади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, машҳур, истеъдодли санъаткорлар, ажойиб хонандалар ана шундай музикий тўғарақлар бағрида тарбияланиб камол топганлар.

Тўғарақ фаолиятини активлаштирадиган нарса- мактаб сахнасидир. Унда тўғарақчилар ижро этиб, болалар публикаси (томошабин)лар эса ижроларни тинглаб ва кузатиб музикий ривожланадилар. Тўғарақ ишлари ҳам махсус ўқув дастурлари ва календар-тематик режа асосида олиб борилади.

Музикий тарбия тизимида- мактабдан ташқари музикий тарбия шакллари ҳам мавжуд бўлиб, унга болалар махсус музика мактаблари, ёш ижодкорлар уйи, саройлари, болалар театрлари ва бошқалар киради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги пайтларда мактабдан ташқари музика тарбияси тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Музика таълим тарбияси Концепциясида синфдан, мактабдан ташқари музикий тарбия тизимларига боғлиқ истиқболли кўрсатмалар берилган. Чунончи, иқтидорли болалар учун ўқувчилар уйларида турли музикий тўғарақлар ва студиялар, болалар музика мактаблари тармоқларининг кенгайтирилиши, музикани муфассал ўрганадиган коллежлар ва лицейлар очилиши, хусусий санъат мактаблари тармоқларини ривожлантиришга имкониятлар берилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мактабдан ташқари музикий тарбия муассасалардақатнашадиган болалар ҳам ўқитувчи назоратида бўлиб, мактаб музика ҳаётига уларнинг фаол қатнашувини таъминлаш лозим. Оммавий кўрикларда эришилган ютуқлар диплом ёки шаҳодатномалар мактабнинг умумий мажлисларида ота-оналар иштирокида эълонқилинади ва бу ютуққа эришувида фаолқатнашган тўғарақ аъзолари рағбатлантирилади. Пировардида ҳисобот берилади. Ўқувчилар ҳақида деворий газетада мақолалар берилади. Тўғарақ фаолияти мактаб ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Дарс сингари Халқ маорифлиги томонидан ҳар бир тўғарақ турининг ўқув дастури чиқарилади. Тўғарақ раҳбари асарларни дастурдан танлаб олади, эълонқилинган янги асарларданқўшади ва тўғарақ аъзолари билан бамаслаҳат репертуар режаси ҳамда уни ўрганиш белгиланади.

Шундай қилиб, синфдан ва мактабдан ташқари музикий тарбия тизимлари ўқувчи ёшларнинг музикий маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Бу тизимлар – муҳим педагогик ёналишлар бўлиб, уни такомиллаштириш музика таълимининг долзарб муаммоларидандир. Мадомики, ўқувчи-ёшлар музикий тарбиясида дарс билан бирқаторда синфдан ва мактабдан ташқари музикий тарбия тизимларининг ишларини давр талаби асосида ташкил этиб,

музикий тарбия мазмунини миллий музикий анъаналар устиворлигида ташкил этиш муаллимнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Музыка таълим-тарбия концепцияси, умумбашарий музыка бойлиги, касбий тайёргарлик, оммавий тадбирлар, календар-тематик режа, синфдан ва мактабдан ташқари музикий тарбия тизими, миллий музикий анъаналар.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Омонуллаева Д. Мактабда музыка тарбияси методикасидан лекциялар курси. -Т., 1990.
2. Республика мактабларида музыка таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр
3. Умумий ўрта таълим музыка маданият фанидан дастур. 1998.
4. Фолклор ансамбли. Дастур. -Т., 1993.
5. Шарафиева Н. Хоршунослик. -Т., 1987.

6- МАВЗУ. Музыка тарбияси бўйича ишларни режалаштириш ва ҳисобга олиш.

Режа:

1. *Музикий ишларни режалаштириш – ўқитувчининг ижод маҳсули сифатида.*
2. *Музикий ишларни ҳисобга олиш шакллари.*
3. *Дарснинг ўқув методик ва техник таъминоти.*

Ўқувчиларнинг музикий маданият тарбияси вазифаларини ҳал этиш-ўқитувчидан бу соҳадаги ишларни тўғри режалаштириш ва амалга оширишни талаб этади. Музикий-педагогик маҳорат ва ижодий тасаввурга таянган ҳолда ўқитувчи музикий тарбия истиқболини белгилаши, дарс ва синфдан ташқари машғулотларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши лозим. Фақат шундагина, ўқувчиларқизиқиши ва дидлари, музикий эҳтиёжларини мақсадга мувофиқ, тизимли ҳолда ривожлантириш, уларнинг музикийқобилиятлари, билим-малакаларини шакллантириб, ривожлантириш мумкин.

Ендигина иш бошлаётган, ёш тажрибасиз ўқитувчилар кўпинча музикий материал, дастур, методикқўлланмаларга эга бўлиш жуда муҳим, деб ўйлашади. Бироқ, уларданқандай фойдаланиш тўғрисида кам ўйлашади. Дарсда музикий материалнинг тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи имкониятларини тадбиқ этиш, муаллимнинг синф билан ҳамкорлиги, мулоқотини ўрнатиш анча мураккаб вазифадир. Ўз ишини ижобий тушунувчи тажрибали ўқитувчилар

режалаштиришни дарс ва синфдан ташқари ишларни мақсадга мувофиқ шарти сифатида тушунишади.

Ўқитувчи ҳар бир дарснинг мазмунидан келиб чиқиб, шунингдек синф хусусиятларини, ўқувчилар муסיқий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи вазифаларни мустақил равишда белгилаши лозим.

Ижодий режалаштиришнинг асоси- методик фикр, тафаккур, яъни гъоя бўлиб, қайсики, умумлаштирувчи вазифалар мавзу устида ишлаш жараёнида ва уни ҳал этиш сифатида амалга ошади. Фикр, тафаккурда ўқитувчи томонидан муסיқий асарлар ўз ифодасини топади, унинг маъноси тушунилади. Ўқувчилар тўғрисида, уларнинг муסיқий жиҳатдан ривожланиш босқичи ва имкониятлари ҳақида тасаввур ҳамда энг муҳими муסיқий тарбиянинг мақсади тушунилади. Шу боис, айнан бир мавзунинг ўзи ҳар бир ўқувчида турли синфларда турлича режалаштирилади.

Ҳар бир мавзу машгулотнинг 3 дидактик мақсади асосида амалга оширилиб, таълимий, ривожлантирувчи ҳамда тарбиявий мақсадларни яхлит (комплекс) ҳолда амалга оширишга хизматқилиши керак, яъни муסיқанинг ифода тили тўғрисидаги тасаввур ўқувчиларнинг муסיқий ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан биргаликда муסיқада берилган эмоционал, ҳиссий муносабат, кайфиятни тарбиялаш орқали амалга оширилади.

Таълимий мақсад- муסיқий образларни ривожланишини кузатиб боришни шакллантириш, муסיқий ривожланиш принциплари тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришни назарда тутмоғи лозим.

Тарбиявий вазифаларга- халқ, мумтоз ва замонавий муסיқа асарларига нисбатан ўқувчилар қизиқиши ва муҳабатини тарбиялаш кабилар киради. Ушбу вазифани бажариш – ўқитувчидан ўқувчилар муסיқий фаолиятларини фаоллаштирувчи восита ва усулларни тўғри танлаб олишни тақозо этади.

Ривожлантирувчи вазифа эса кўшиқни ифодали ижросини таъминлаш учун муҳим бўлган айтим машқлари куйлаш малакаларига эга бўлмоқ, ўқувчилар ритмик, лад туйғусини ривожлантириш, ифода воситалари имкониятларини идрок этиш тасаввурларини уйғотиш, ўқувчилар муסיқий қобилиятларини шакллантириш ва ҳ.к. киради.

Дарс билан биргаликда синфдан ташқари машгулотларни режалаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Ўқитувчи томонидан пухта ўйланган ўқувчилар дарсдан ташқари вақтлардаги муסיқий тарбия тизими- мактабнинг йиллик тарбиявий ишлари режасида ўз аксини топади. Бунда календар байрамлари, дискотека, тематик ва комплекс машгулотларни режалаштиришга катта эътибор берилади.

Оммавий тадбирларни ўтказишда ўқувчиларни турли тўғарақларга қатнашишларини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Шунинг учун бу ишлар мактабнинг умумий режасига асосланади. Унинг ҳар бир машгулоти ўқувчиларнинг умумий ҳолда муסיқий ривожланишига хизматқилиши лозим. Бироқ, истиқболли режани оммавий тадбирлар билан тўлғъизиб юбориш ҳам ярамайди, бу ҳол ўқувчиларнинг қизиқишларини сўндириши, ижро сифатини тушириши ҳамда пировардида ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Режалаштиришни такомиллаштириш — ўқувчилар мусиқий тарбияси қонуниятларини чуқур билишни талаб этади. Фақат шундагина, у ўқитувчи ижодини ривожлантиришга шарт-шароит яратиши, унинг педагогик маҳоратини оширишга ёрдам бериши мумкин.

Мусиқий ишларни ҳисобга олиш ўз шакли ва ўтказилиши муддати бўйича «индивидуал», «жамоавий», «жорий» ва «якуний» турларга бўлинади. Ҳар бир атама ўз моҳияти ва аҳамиятига эга.

Ўқувчилар топшириқларини қай даражада ўзлаштирганларини билиш учун ўқитувчи улардан сўраб олади, янги топшириқлар беради, олинган натижалар бўйича у ёки бу ҳулосаларга эга бўлади.

Ҳисобга олишнинг мураккаблиги шу билан белгиланади, барча мусиқий фаолият — ижодий хусусиятга эга. Шу боис, мусиқа санъатига муносабатни шакллантириш- ижодий тафаккурни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Бу болаларга ўзлари учун бастакор оламини, унинг мусиқасидаги ифодаланган туйғулари, фикрларини англаб олишга ёрдам беради. Ижодиёт жараёнида мусиқий образларни тушуниш, уни эмоционал идрок этиш амалга оширилади. Айнан, ижодий тафаккур орқали шахс маънавий жиҳатдан бойийди, камолотга йетиб боради.

Ўқувчилар мусиқий тарбияси амалиётида ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг турли ёлларида фойдаланилади: -қўшиқнинг ижро режасини тузиш, асарларга ритмик жўр бўлиш, вокал ва чолғу импровизация, асарни қиёслаш ва ҳ.к.

Бироқ, ижодий малакаларни шакллантириш жараёнини расмийлаштириш ҳолатида қилмаслик керак. Чунки ҳар бир муайян ҳолатда натижа ўқувчининг индивидуал хусусияти ва имкониятларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, мусиқа маданияти дарсининг хусусияти ўқитувчини нафақат мусиқий фаолият натижаларига маълум бўладиган билим малака ва кўникмаларни ҳисобга олишга, балки дарсда болалар фаолиятларининг барча босқичларида намоён бўладиган, уларнинг қизиқиши, эмоционал таъсирчанлигига ҳам эътибор бермоғи лозим. Ҳисобга олишнинг бундай тарзи нафақат таълимий балки тарбиявий вазифани амалга оширишда ҳам намоён бўлади.

Ўқув тарбия жараёнини чоракларга бўлиниши ярим йиллик ҳисобга олиш ҳар бир дарсда мавзуларни ўрганиш жараёнида амалга оширилиб борилади. Ўқувчиларнинг турли фаолияти ҳисобга олинади. Уларнинг жамоа ишида шунингдек, гуруҳ ва индивидуал топшириқларни бажаришдаги иштироки ҳам ҳисобга олинади. Жорий ҳисобга олиш режалаштиришнинг тўғрилигини текширишда ва унда айрим ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради.

Якуний ҳисобга олиш фақат ўқувчидан индивидуал тарзда сўраш ёки ёзма иш шаклида амалга ошириш мумкин эмас, чунки ўқитувчи бундай ҳажмдаги вақт имкониятларига эга бўлмайди. Олинган натижалар ҳам ўқувчилар мусиқий ривожланиши ҳақида аниқ, тўлиқ тасаввур бермайди. Қўлга киритилган ютуқлар ўқув йили якунидаги дарс-концерт тадбирида намоён бўлади, бу ўқувчиларнинг қизиқишларини орттиришга, санъатга нисбатан ижобий муносабатларни уйғотишга ёрдам беради.

Ўқувчилар мусиқий ривожланишининг динамикасини ҳисобга олишнинг жорий тури орқали аниқлаш мумкин. Алоҳида ўқувчилар ҳамда ҳар кунги дарс ва

синфдан ташқари ишлар жараёнидаги болаларнинг умумий фаолияти асосида олинган натижаларга таяниб, ўқитувчи якуний хулосалар чиқаради. Дарсда муסיкий фаолиятнинг жамоа асосида амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, ҳисобга олишнинг жамоавий туридан фойдаланишига ҳам эҳтиёж сезилади. Масалан, ансамбл, соз жўровозли куйлаш сингари айтим малакаларини шакллантиришда буни амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, амалиётда баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, жамоа бўлиб куйлаш жараёнида болалар фалш куйлашади, аксинча якка тарзда эса - тоза ёки аксинча оммавий тарзда яхши куйлашлари мумкин. Ҳисобга олиш, баҳолашнинг жамоавий ва якка турларидан фойдаланиб, ўқувчилар муסיқавий ривожланишлари тўғрисида анча объектив натижаларни олиш мумкин.

Ҳисобга олиш алоҳида ўқувчилар ёки жамоа фаолиятини баҳолаш билан белгиланади. Муҳими, у болалар ташаббускорлиги ва қизиқишини ўстиришга хизматқилмоғи лозим. Шу боис, ютуқларни доимо рағбатлантириш, яхши баҳолар билан тақдирлаш, паст ўзлаштириш ёхуд совуққонликни эса муҳокамакилиш мақсадга мувофиқдир.

Айни даврда халқ таълимида ижобий ислохотлар амалга оширилиб, таълимда янги педагогик технология янада чуқурроқ кириб бораётган кезларда муסיкий ишларни режалаштириш ва ҳисобга олиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Муסיқа таълимининг анъанавий усулига кўра ўқувчидан муаллим ижросига эргашиб куйлаш, нота ёзувини ўрганиш, қоида-таърифларни ёдлаш, қўшиқ шеърини матнини ёдлаб келиш талаб этилган бўлса, бугунги кунда болалардан муסיқа тинглаш ва бадий таҳлил, куйлаш, саводхонлик, болалар чолғу асбобида чалиш, ритмик ҳаракатларни бажариш, муסיкий ижодкорлик фаолиятларида актив иштирок этиш, олинган назарий билимларни амалдақўллаш, асарларни кузатиб бориб, муносиб баҳолаш, миллий ҳамда умумбашарий муסיқа бойликларини идрок этиб, қадрлаш малакаларига эришишлари асосий мақсад бўлибқолмоқда. Демак, бугунги муסיқа маданияти фани ўқитувчиси муסיкий таълим-тарбия бўйича ишларни режалаштириш ва ҳисобга олишга алоҳида эътибор бериши, муסיкий фаолиятларни самарали амалга оширишни педагогик жиҳатдан моҳирона бошқариб бориши талаб этилади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Муסיкий педагогик маҳорат, ижодий тасаввур, методик фикр, тафаккур, машқ, улотнинг дидактик мақсади, муסיқанинг ифода тили, ритмик лад, туйғу, муסיкий ишларни ҳисобга олиш шакллари, гуруҳ ва индивидуал топшириқлар, якуний ҳисоб, жамоа фаолиятини баҳолаш, ижобий ислохотлар, муסיқа таълимининг анъанавий усули, педагогик маҳоратни бошқариш.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

1. Бошланғич синфларда муסיқа дарсларини тахминий режалаштириш. (Тузувчилар Д. Омонуллаева ва бошқ.) -Т., 1995.

2. Бўлажак мусиқа ўқитувчисининг педагогик маҳорати асослари (махсус семинар дастури.) Тузувчи: Т.В.Шевченко, -Т., 1991.
3. Омонуллаева Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси. (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқувқўлланма). -Т, 1990 .
4. Телчарова Р.А. Уроки музўкальной културў. -М., 1991.
5. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992 й. 25-ноябр.

7-МАВЗУ. Хорижий мамлакатларда мусиқа тарбияси тизими.

Режа: 1. Хорижий мусиқа таълими тизими хусусида.

2. Венгрияда мусиқа тарбияси ва унинг асосий принциплари.

3. Германияда мусиқа тарбияси тизими, унинг мақсади.

4. АҚШ ва Япониянинг турли типдаги мактабларида мусиқа тарбияси.

Маълумки, ҳеч бир халқнинг маданияти жаҳон халқлари тараққиётидан ажралган ҳолда ривожланмайди ва уни бусиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан жаҳон халқлари мусиқа педагогикаси билан бирга, уларнинг таълим-тарбия тизимини ўрганиш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқ маорифида мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактикқонунлари ва шу халқнинг миллий мусиқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг структураси, тизими ва илмий-методик ютуқлари бошқа миллатнинг маорифи, маданиятига ҳам ижобий рол ўйнайди. Масалан, 20-асрнинг сўнги ўн йилликлари давомида Россия композитор-педагог Д.Б. Кабалевский, венгер композитор-педагоги Золтан Кодай ва немис композитор-педагоги Карл Орфнинг системалари кўпгина халқлар мусиқа маорифига тарқалиб кетди. Бу концепцияларнинг ҳар бирида муаллифлар мусиқани ўқитишнинг асосларини, принцип ва мазмунини, умумтаълим мактабларида «мусиқа» фанининг моҳиятини талқинқилишди.

Венгрия мактабларида мусиқа тарбияси Золтан Кодай системасига асосланган. Мазкур тизим халқ мусиқа бойлигига таянади. Халқ мусиқасига унингқонунларига асосланган ва оддийликдан-мураккабликка қараб ёъналтирилган мусиқий машқлар воситасида ўқувчиларда вокал-хор малакалари, мусиқий иқтидорлари ривожлантирилади. Бундай машқлар тўплами З.Кодай томонидан 1943 йилда нашр этирилган. Золтай таъбирича, репятив система лад, сўз ва оҳанг бирлигини ҳис этиш ва ички мусиқа ўқувини ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. У 2-3 товушдан иборат бўлган халқ болалар мусиқа фольклоридан бошланади.

Золтан Кодай дарсда кўпроқ ашула айтишга эътиборни кучайтиради. Куйлаш воситасида мусиқа иқтидори ривожланмаган ўқувчига чолгў асбобини чалишни ўргатиш мушкуллигини уқтиради:

- ўқитувчи ишорасида куйлашни бошлаган мусиқани овозда тўхтатиб дилда куйлаш ва охирги такт ёки тактларини яна овозда давом этиб тугаллатиш;

- қўл ҳаракати белгилари (релятив системасида) ифодаланган куйни дилда куйлаш ва эслабқолиш;
- маълум вақт давомида куйнинг релятив ёзувигақараб, уни дилда куйлаб, сўнг ёддан овозда куйлаш;
- икки овозда куйлаётганда ўқитувчинингқўл ишораларигақараб, ўз овоз партиясидан бошқа овоз партиясига ўтиб куйлашни давом эттириш

Икки овозда куйлаш биринчи синфданок бошланади. У икки хил ритмни партияларга бўлиниб бир вақтда ижро этишдан бошланади. Нотагақараб куйлаш малакалари эса 11-12 ёшда шаклланади.

Муסיқа ўқувини ривожлантиришда бошлангич синфларда асосан ўйин методидан фойдаланилади. Шу мақсадда Золтан Кодай «нотагақараб куйлаш учун 333 машқ»қўлланмасини яратди. Бу мақсадда оёқ (оёқ билан йерга тапиллатиш, юриш, чопиш) вақўл ҳаракатларидан кенг фойдаланади. Шу асосда товуш чўзимлари, сўнг эса нота ва паузалар чўзимлари ўрганилади.

Кодай системаси АҚШ, Канада, Франция, Япония, Аргентина, Болтик бўйи республикалари каби кўп мамлакатларда кенг фойдаланилмоқда.

Биринчи-саккизинчи синфларда муסיқа дарслари ҳафтасида икки маротаба (30 ва 40 минутдан) ўтилади. Бошлангич синфларда муסיқа дарсларини гуруҳ ўқитувчилари, юқори синфларда эса муסיқа ўқитувчиси олиб боради.

В-ВИИИ-синфларда хоҳловчилар синфдан ташқари хор тўғарагида куйлайдилар. 9- синфларда, ўқувчиларда мутация авж олиши сабабли, дарсда муסיқа тинглаш, асарлар таҳлили ва муסיқа адабиётига кўпроқ вақт ажратилади. Кўпчилик ўқувчилар дарсдан ташқари хор, оркестр, рақс машгўлотларигақатнашадилар.

Венгрия педагогика ўқув юртларида муסיқа факултетлари ёёқ. Ҳар бир мутахассис муסיқани билиши шарт. Яъни муסיқа предметлари барча факултетларда ўтилади, мусиқадан имтиҳонлар ва педагогик амалиёт мавжуд.

Германияда муסיқа дарслари ягона ўқув режаси асосида биринчидан ўнинчи синфгача ҳафтасида бир соатдан ўтилади.

ИХ-Х синфларда санъатнинг бирор соҳасини танлаган ёшлар шу соҳага тегишли олий ўқув юртига кириш учун тайёрланади, яъни шу фан чуқур ўрганилади. Програмага мувофиқ ИИ-дан ИИИ синфгача дарсликлар, ўқитувчилар учунқўлланмалар, кўргазмаликуроллар ва кўп сонда ўқув грампластинкалар «мактаб» грифи остида чиқарилмоқда.

1989-1990-ўқув йилидан В-Х-синфлар учун янги дастур жорий этилди. Дастур талабларининг марказида жамоа бўлибқўшиқ айтиш муסיкий тарбиянинг фаол амалий машгўлотлар шакли сифатида туради. Бунда муסיқа воситасида ижтимоий ҳаёт билан чамбарчарс боғъланиш кўзда тутилади. Турли муסיқа жанрларини тинглаш билан бирга йил давомида 2 дан ошиқ турли характердагикўшиқ ўрганилади.

В-ВИИИ синфларда мусиқанинг шакл ва жанрлари (рондо, вериация, срита, сонато, симфония, ариялар ва б.) кенг ўрганилади.

ИХ-Х синфларда эса мусиқа тарихининг муҳим жиҳатлари ўрганилади, мусиқа санъат, яъни ижтимоий онг формаси сифатигақаралади. Ўқитишда ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигига катта эътибор берилади. Дарсда нота

саводини ўрганиш устида мунозаралар давом этмоқда. Умуман ўқитишда ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигига катта эътибор берилади. Иқтидорли (хоҳловчи) ўқувчилар якка дарсларда чолғу асбобларини чалишни ўрганишлари мумкин. Синфдан ташқари тўғараклар, студиялар тарзида турли мусиқа машғулотларига амалқилади. Турли мазмун ва мавзуга доир концерт ва анжуманларга ўқувчилар оммавий тарзда актив иштирок этадилар. Ундан ташқари ҳар бир синфда ҳам дарс-концертлар уюштирилади. Шундайқилиб дарсда ва концертларда олган билим, малакалар бир-бирини тўлдиради ҳамда ўқувчининг мусиқа маданиятини таркиб топишга асосий рол ўйнайди. Кўп мактабларда мусиқа мактаблари ҳамкорлигида мактаб филармониялари ҳам мавжуд. Бундай филармониялар чет ўлкалардаги мактабларга ҳам хизматқилади.

Мусиқа ўқитувчилариқуйидаги тарзда тайёрланади: тўрт йиллик педагогика институтларда мусиқа фанлари ва ўқитиш методикаси факултатив тарзда ўқитилади. Немис тили ва математика каби асосий ихтисосдан ташқари мусиқадан ҳам давлат имтиҳони топширган битирувчига, қўшимча ҳолда И-Й-синфларда мусиқа ўқитувчиси мутахассислиги ҳам берилади. Юқори синфларда эса Консерватория, университет ва олий педагогика институтлари мусиқа-педагогика факултетларини битирган мутахассислар дарс беришади.

Японияда мусиқа тарбиясининг ўзига хос тизими вужудга келган. Болалар богъчасидан олий таълимгача эстетик тарбия амалга оширилади. эстетик тарбия интеграцияқилинган предмет бўлиб, унга мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат узвий бирлаштирилган. У бир неча босқичда амалга оширади: 1-5 ёшгача болалар богъчасида; 6-14 ёшгача тўлиқсиз ўрта мактабда; 15-18 ёшда ўрта мактабда; олий таълим мактабларида.

Болалар богъчасида Судзуки тизими мавжуддир. Унинг тизими классик метод ва она тилини ўқитиш методларини бирлаштирган ҳолда мусиқани тинглаб идрок этиш билан амалга оширилади. Болалар чолғу асбобларида чалиш муҳим рол ўйнайди. Тингланган мусиқа асарлари бошқа предмет машғулотларида ҳам тингланади. Натижада 5-6 ёшли болалар Бетховен сонаталарини чалишгача этадилар. Оилада, радио, телевиденийе, грамзапис, концертда тингланган мусиқа асарлари муҳокама этилади. Бунда богъча ва оиланинг ҳамкорлиги муҳим рол ўйнайди. Машғулотлар жараёнида болаларнинг онаси иштирок этади, машғулот мазмуни ва мақсадларидан огоҳ бўлади ва оилада ўз боласи билан мақсадга мувофиқ шугбулланади. Судзукининг таъбирича, оналарнинг мусиқа маълумотига эга бўлиши шарт эмас.

Мактабда мусиқа тасвирий санъат ва меҳнат дарслари узвий богъланади, адабиёт дарслари мазмуни ёрдамга келади. Мусиқа машғулотларида юксак ривожланган техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электроорганларда чалиб куйлайдилар, турли фаолиятлар (айтишув, ҳаракатлар, бир-бировларига жўрнавозликқилиш)ни бажарадилар. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий ижрочилик малакалари ривожлантириб, уларда ижодий қобилиятни рўёбга чиқариш керак. Буқобилиятлар доимий амалқилувчи «Болалар ижодиёти» байрамларида намоиш этилади. Унда болалар куйлайдилар, рақсга тушадилар, спектаклларда

роллар ўйнайдилар, ижод этган ёки яратган турли санъат асарлари ёки меҳнат маҳсулотларини намоёниш этадилар.

Юқори синфларга кўчган сари эстетик тарбиянинг ҳар бир предмети мураккабланиши. Юқори синфларда ашула айтиш, чолғу асбобларида чалиш билан бирга мусиқа адабиёти ва тарихи ҳам ўрганилади. Дарсдан ташқари ҳафтасида 1-2 соатдан турли ижрочилик тўғаракларига қатнашилади.

Тасвирий санъат расм чизишдан бошланади. Уқўл меҳнати ва дизайн амалиётига ўтиб, ўрта мактабгача тасвирий санъатга айланади. Юқори синфда живопись, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, дизайн ва санъат танқидчилигига ҳафтада йетади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакалари ривожлантирилади. Бунда ривожланишнинг савиясини белгилаш ва янада такомиллаштириш учун «Ҳаёт ҳақидаги иншолар» ёздирилади. Бундай иншоларнинг 46 формаси ишлаб чиқилган. Мазкур иншоларда ўқувчи санъат ва бевосита кундалик турмуш орқали ҳаётнинг, воқеликни қандай идрок этаётганини, унга бўлган шахсий муносабатини баён этади. Бу ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун муҳим рол ўйнайди.

Японияда ягона ўқув режаси ва дастурига амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан биргаликда шахсий мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб, уларда турли даражада эстетик тарбия амалга оширилади.

Ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш иши яхши ёлғак ўйилган. Улар олий педагогик ва санъат институтларида тайёрланади. Японияда эстетик тарбия иши 20-асрнинг 30-йилларидан бошлаб ривожлантирилди ва турли тажриба вариантлари натижасида юксак ютуқларга эришилди.

АҚШда ягона давлат дастури ёқ. Ҳар бир штатнинг маориф бошқармаси ўзининг хусусий дастурига эга. Унда ўқувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўзининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда давлат мактабларида шахсий ва диний мактабларда ўқув соатлари ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобда И-ЙИИ-синфларда ҳафтасига 1-2 соатдан дарс ўтилади.

Мусиқа таълими интеграция қилинган «эстетика» предмети таркибига кирилади. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан боғланади. Мусиқа дарслари таркиби хор, болалар чолғу асбобларида чалиш, мусиқа саводхонлиги ва мусиқа адабиётидан иборатдир. Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусикадан амалий машғулотнинг бири (хор, якканавозлик, оркестр, рақс, вокал-чолғу ансамбли)га қатнашади. Деярлик ҳар бир мактабда симфоник оркестр мавжуд. Машғулотларда техник воситалардан кенг фойдаланилади. Илмий-тадқиқот ютуқлари ва илғор тажрибалар турли махсус журналларда мунтазам равишда ёритилиб борилади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Дидактикқонунлар, вокал-хор малакалари, овоз партияси, 3.Кодай системаси, мактаб «грифи», ўқувчиларнинг мутация даври, дарс концертлар, мактаб филармониялари, судзуки тизими,қўл меҳнати ва дизайн, интеграцияқилинган эстетика предмети, дизайн ва санъат танқидлиги.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

1. Апраксина О.А. Методика музўкалнои воспитаниа в школе.- М., 1989.
2. Омонуллаева Д. Мактабда музика тарбияси методикасидан лекциялар курси (музика-педагогика факултетлари студентлари учун ўқув -қўлланма. -Т., 1990.
3. Телчарова Р.А. Уроки музыкальной культуры. -М., 1991.
4. Методика музыкального воспитания. Сост. П.Халабузар и др. , «Музыка», 1990.

8-Мавзу. Музика таълим назарияси(дидактикаси)нинг умумий тамоиллари.

- Режа:*** 1.Таълимнинг умум дидактик тамоиллари.
2. Музика таълими ва тарбияси дидактикаси.
3. Музика ўқитиш жараёни таълими мазмуни.

Замонавий педагогика таълими тизимининг максади янги тоифага мансуб бўлган ўқитувчининг узлуксиз умумий ва касб камолотига эришишдан иборат, чунки умумий таълим мактаби ўқитувчи олдига, унинг касб малакасига ва шахсий хислат ҳамда фазилатларига нисбатан юксак талабларни қўймоқда.

Ўқитувчини тайёрлаш олий ўқув юртидаги бутун таълим-тарбия ишларининг мажмуи воситаси билан амалга оширилади, ўқув жараёни ва дарсдан ташкари иш унинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Мунтазам ёндашув талабаларда ўқитувчи касби учун зарурий билим маҳорат қўникмаларни ҳамда шахсий хислатларни ривожлантириш учун олий таълимнинг барча имкониятларидан фойдаланишни таъминлайди. Шу вазифани муваффақиятли ҳал этишини таъминландиган воситалар орасида музика- педагогика соҳаси учун педагогик маҳорат асосларини таркиб топтириш катта аҳамиятга эгадир. Бу восита бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлаш тизимининг таркибий қисмидир.

Талабаларнинг назарий билими, тайёргарлиги уларнинг билим доирасини кенгайтириш учун қулай шароит яратади, бўлажак музика ўқитувчисининг шахсини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади, талабаларда педагогик меҳнати қўникмаларини, маҳоратини, бу меҳнатга ижодий ёндашиш қайфиятини ривожлантиришга, ўзининг рухий ҳолатини бошқара билиш, бошқа инсоннинг

хиссий ҳолатини тушуниш ва англаш каби қобилиятларни ривожлантиришга қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида қайд қилинишича – «Таълимда умуминсоний ва миллий маданий кадриятларнинг устиворлиги таълим- тарбияда мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишини белгилайди». Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, уни замон талаблари даражасига қўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янгиланган тизимини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга молик масалалардандир. Айниқса, бўлажак музика ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш, уларда педагогик сифатларни шакллантириб ривожлантириш – олий таълимнинг музика-педагогика йўналиши олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида музика таълим-тарбияси Концепциясининг алоҳида бир боби замонавий музика ўқитувчиси ва унинг касбий сифатлари мажмуига бағишланади. Хужжатда таъкидланишича: «Хозирги замон музика ўқитувчиси юксак маданиятли, ўз касбига чексиз садоқат, илгор педагогик тафаккур эгаси бўлмоғи лозим». У ўзининг узлуксиз касбий ва маданий ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши шарт. У музика, нафосат (эстетика), педагогика ва психология-физиология фанларидан, хусусан музика ўқитиш услубидан комплекс тарзда чуқур билим ва малакалар эгаси бўлмоғи даркор. Айниқса музика ўқитувчиси ихтисосида зарур меъёрида қолғучилик, ҳонандалик, хор дирижерлик ва музика назариётчилиги сифатлари мужассам бўлмоғи лозим. Хозирги музика ўқитувчиси илмий тафаккур эгаси, илгор тажрибалар шайдоси, изланувчан ва ижодкор бўлиб, музика ўқитишнинг янги шакл ва усуллари қашф этишга интилоғи лозим. У музика таълим тарбияси мазмунини бошқа фанлар мазмуни ва қундалиқ ҳаёт билан боғлаб, бойитиб олиб бориши даркор. Изланувчан ва ижодкор ўқитувчининг илгор тажрибаси ва қашф этган янги усуллари мактабдаги музика таълим-тарбиясини доимий равишда такомиллаштириб ривожлантиришнинг асосий таянчи ва илҳом манбаидир. Билимдон ва тажрибадор музика ўқитувчиси санъат зиёлиси сифатида мактабда музикаий-маърифий ишларнинг сарқоридир».

Ўқитувчининг касбий сифатларига қўйилган талаблар, албатта шакллантирилиши учун талабалик пайтларидаёқ чора-тадбирларни амалга оширмоқ лозим. Зеро, музика ўқитувчиси педагогик маҳоратининг профессиограммаси- музика муаллими олдида мутахассислик касби бўйича қўйиладиган талаблар тизимини таркиб топтиришни талаб этади.

Тузилма характеристикаси:
Ихтисослик характеристикаси

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ

Методологик тайёргарлик

Психолого-педагогик
тайёргарлик

Умумметодик ва махсус методик
тайёргарлик

Муסיқий-педагогик
тайёргарлик

Муסיқа ўқитувчиси касбий хусусиятларига характеристика.

И. МЕТОДОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК:

1. Ижтимоий ривожланиш моҳияти ва муסיқа санъати қонуниятларини англаш.
2. Турли шаклда оммавий тарғибот ва муסיқий маърифий ишларни олиб бориш малакаси.
3. Ахлоқ тарбияси тадриси (методикаси)ни билиш ва эстетик тарбия амалиётида уни тадбиқ эта билиш.

ИИ. ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИК.

1. Психологик –педагогик фан асосларини билиш, таълим-тарбия назарияси, муסיқа санъати психологияси ва шахсинг психологик ривожланиш қонуниятларини билиш.
2. Педагогика-психологиядан назарий материални билиш билан бирга ўқув тарбиявий ишлар методикасини чуқур билмок, унинг асосий жихатларини ўқув-тарбия амалиётига қўлай билиш.
3. Муסיқий қобилиятлар психологиясини билиш, турли хил ёшдаги ўқувчиларнинг муסיқий эҳтиёж ва кизиқишлари шакллантиришнинг педагогик-психологик қонуниятларини билиш.
4. Ўз профессионал (касбий) фаолиятини танқидий баҳолаш малакаси, шахсий педагогик маҳоратни доимий такомиллаштириб бориш.
5. Психолого-педагогик тажрибалар олиб бориш малакасини эгаллаши, тадқиқот фаззини тасдиқловчи илмий натижа ва ҳулосалар чиқара олишга эришиш.

ИИИ. УМУМИЙ МЕТОДИК ВА МАХСУС МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК.

1. Оммавий муסיқий тарбия ва ўқитиш методикасининг назарий асосларини чуқур билиш.
2. Ўқув жараёнини асосли режалаштириш ва уни тузатишлар билан бойитиш, муסיқий-дидактик материални мақсадга мувофиқ тарзда танлай олиш, уни етказа олиш.
3. Муסיқа маданияти дарсида дидактик принциплар ва методлардан фойдаланиш, таянч муסיқий билимларни шакллантириш, турли ёш босқичи ўқув тарбия жараёнида ўқувчиларнинг кизиқишларини шакллантириш.
4. Ўқув жамоаси ишини бошқариш ва назорат қила олиш.

5. Илмий-методик адабиётлар билан асосли ва методик жихатдан самарали ишлай олиш малакаси, муסיқий эстетик тарбия муаммоси бўйича методик тавсиялар тайёрлаш.

ИВ. МУСИҚА ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИК.

- Муסיқа назарияси ва тарихи бўйича муסיқий-назарий билимларга;
- Ўзбекистон муסיқа санъати ва жахон муסיқа маданиятининг ўзаро богликлиги, умумбашарий хусусиятлари мохиятини чуқур тушунмок, уларнинг ижтимоий-тарихий шароитлар билан ўзаро богликлигини англамок;
- Муסיқа асарларини тахлил кила олиш, уни тўлик идрок этиш, мантикий англаб хис этмок;
- Хор дирижерлиги ва вокал-ижрочилик бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш;
- Хор партитурасини ўкий олиш, ижрочилик ва асарларнинг хор-вокал тахлили;
- Дирижерлик техникасининг малака ва кўникмаларини тўлик эгаллаганлик;
- Овозй кўиш методикаси, овоз тарбияси билан шугулланиб билмок;
- Чолгу-ижрочилик ва жўрнавозлик фаолияти бўйича билим ва малакаларга эга бўлиш, чолгу асбобларини чала олиш махорати;
- Муסיқий-ижрочилик санъати ва якка ижро малакасини эгаллаганлик;
- Болалар кўшикчилиги ва чолгу ижросига жўр бўлиш хусусиятларини пухта билиш;
- Якка ва ансамбл асарларини нотасини ўкий олиш.

Муסיқий—маърифий йўналишдаги турли ишларни олиб бориш малакаси:

- эстетик тарбия бўйича синфдан ва мактабдан ташкари ишлар ташкилотчиси сифатидаги фаолияти;
- муסיқа санъатининг тарғибот-ташвиқотчиси;
- нотиклик, муסיқий асар ижроси, жўрнавозлик;
- муסיқий-социологик тадқиқотчилик ва х.к.

Шундай килиб, педагогик махорат- муסיқа муаллими касбий фаолиятининг асоси сифатида мухим ахамиятга молик масала. Бўлажак муסיқа ўкитувчисининг педагогик махоратини шаклланишида педагогик амалиётларнинг ахамияти хам катта. Зеро, талабалар ўкув юртида олган назарий билимларини мактаб ўкув-тарбиявий жараёнларида синаб, кўллаб кўришади. Муסיқа ўкитувчиси касби мохияти, ўкувчи-ёшлар маънавий камолотини тарбиялашдаги ахамияти ва ўрнини чуқур англаб олишади. Муסיқа муаллими касбий фаолиятида нотиклик санъати ва

тарғиботчилик махорати масалаларига ҳам алохида ахамият берилади. Мусиқани тушуна билиш, уни хиссий идрок этишда бадий сўз муҳим восита сифатида хизмат қилади, албатта. Бу жараёнда бадий сўз ҳеч қачон мусиқанинг теранлигини тушунтира олмасда, бироқ «сўз»сиз нозик хиссини англашнинг бу соҳасига яқинлашиб бўлмаслигини, унинг ўзига хос эмоционал кучга эга эканлиги, қалб нозик торларини созловчи хусусияти билан мусиқани англатишда нихоятда қимматли восита эканлигини уқтиради. Афсуски, узок йиллар давомида мусиқа таълими тизимида фанлар мусиқа ўқитувчисини тайёрлаш йўналишидан кўра кўпроқ мусиқачи-ижрочи махоратини эгаллашга қаратилди. Кўп ҳолларда битирувчилар орасидан мусиқа фанларини яхши эгаллаган, чолғу асбобларида мукамал ижро этиш имкониятларига эга бироқ, нутқ маданияти яхши ривож топмаган ўқитувчилар шаклланди. Ўтишиб чиққан мутахассислар педагогик тайёргарлиги уларнинг ижрочилик махоратидан анча паст эканлиги амалда яққол намоён бўлиб турар эди. Бу ҳолнинг салбий таъсирини ҳатто бугунги кун мусиқа таълими амалиётида ҳам куриш мумкин. Жумладан, қўпгина мусиқа ўқитувчиларининг нутқий махорати тулик шаклланмаган, улар дарс мавзуларини ёритишда, ўқувчилар билан мулоқот урнатишда суз ва фикр бойлигига етарли даражада эга эмас. Ўзма ва оғзаки нутқнинг гузаллиги аниқ ва раволиги ҳамиша ҳам сезилмайди ва ҳ.к.

Мусиқа таълими янгилашиш йўлига қираётган ҳозирги даврда ўқитувчининг қасбий сифатлари орасида нутқий қамолоти ҳам қатта ахамиятга молик. Зеро, бугунги кунда замонавий мусиқа маданияти дарсларида болалар чолғу асбобларида қалиш, мусиқий-ритмик ҳаракатларни қажариш, мусиқа ижодқорлиги сингари янги фаолият турларининг қиритилиши ўқитувчидан нақат мусиқий қилим, қалқи самарали нутқий педагогик бошқарувни ҳам талаб этади. Бу эса бўлақак мусиқа ўқитувчиларининг педагогик махоратини тарқиб топтириш- олий таълимнинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини қилиди.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бўлақак мусиқа ўқитувчисининг педагогик махорати асослари. Тузувчи: Т.В.Шевченко. Т, 1991.
2. Основы музыкального-педагогического мастерства. Вопросы теории и методики. Спецкурс. М., 1987.
3. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.
4. Бўлақак ўқитувчининг ахлоқий шаклланиши. Т., «Ўқитувчи», 1979.

9-мавзу. Мусиқа дарсларида илмийлик, тизимлилик ва давомийлик (изчиллик) тамоиллари.

Режа:

- 1. Мусиқа таълими материалнинг илмий асосланганлиги.*
- 2. Мусиқа ўқитиш жараёни тизими.*
- 3. Мусиқа дарслари материални изчиллик тамоили асосида таснифлаш.*

Таълимнинг илмийлиги, системалиги ва давомийлиги принциплари ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдирадиган дидактик категориялардандир.

Мактабда мусиқа фани мусикашунослик ва педагогикадақўлга киритилган ютуқларга таянади. Бу принцип ўқувчиларни ҳозирги мусиқа-педагогикасида илмий асосланган билимлар билан қуроллантиришни талаб этади. Шубҳасиз, мусиқа педагогикасида ва амалиётида мавжуд барча билимларни болага беришнинг иложи ёқ. Биз ўқувчига асосан ўзбек мусикасининг бой имкониятларидан ва умумбашарий мусиқа асарларидан айрим намуналардан назарий ҳамда амалий билим-малакаларни бериш имкониятига эгамиз, холос. Ана шу илмий билимлар таълимнинг мазмунини белгиловчи муҳим ҳужжатлар- мусиқа маданияти фанидан дастур ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир дарс ўзининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосда ташкил топиши лозим. Мусиқа ҳақидаги билимлар доираси- мусиқий таълим-тарбияда асосий омилдир.

Дарс жараёнида ўқув материалнинг болалар билим ва тажрибасига мослиги, болалар овозининг ривожланишқонуниятларини ҳисобга олиш, нотақонуниятларини тўғри ўргатиш, асарни болалар фикрийқобилятига мос таҳлил этиш ва бошқалар- дарснинг илмийлик принципини ташкил этади.

Илмийликни системаликсиз амалга оширишқийин. Дарснинг барча ўқув элементлари ҳамда кейинги дарсларнинг ҳам ўзаро мантиқий боғланиши- системалиликнинг асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни болалар билим, малакалари айтим машқлари даражасида хос танлаш ва уларни соддадан- мураккабга, маълумдан-номаълумгақараб ўзлаштиришни таъминлаш- системалилик демакдир.

Дарснинг ҳар бир элементи, келгуси машғулотнинг мантиқий давоми бўлиб, педагогик мақсадларни амалга оширилиши эса давомийлик демакдир. Дарсдаги предметлар аро алоқа (адабиёт, тасвирий санъат, тарих) мазкур принциплар асосида дарснинг унумли, самарали ўтишини таъминлайди.

Системалилик ва давомийлик принциплари, илмийлик ва билимларнинг болалар учун тушунарли бўлиши принциплари ўзаро узвий боғланган. Системалилик ва давомийлик принципақатъий амалқилиш натижасидагина ўқувчилар мусиқа фанидан билимларга эга бўлишлари мумкин. Демак, илмийлик системалилик ва давомийлик мусиқа таълимининг мазмунини белгиловчи ҳужжатларда ҳам ўқитувчи фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади. Бу принципни амалда тадбиқ этиш таълим мазмунини такомиллаштиради, ўқувчиларнинг мусиқий ўқув фаолиятини активлаштиради. Билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришда барча сезги аъзоларининг фаолиятини тўғри уюштириш катта аҳамиятга эга. Сезги аъзолариқанчалик кўп иштирок эца, билиш шунчалик осонлашади. Буқонуният анча илгари Я.А.Комеский, Г.Пестолоци, К.Д.Ушинский

каби буюк педагоглар томонидан асосланиб берилган эди. Кўрсатмалилик мусиқани ўқитишнинг ҳам муҳимқонуниятига ҳисобланади, чунки бу фаннинг табиати кўрсатмалиликни кўпроқ талаб этади. Мусиқа педагогикаси фани намояндаларидан бири Н.Л.Гродзенскаянинг таъкидлашича: «Мусиқа тарбиясида мусиқанинг ўзи ўзига кўргазмали воситадир. Чунки у кўз билан эмас, балкиқулоқ билан идрок этилади. Масалан, ўқитувчи машқ ёки кўшиқ оҳангини чалиб, куйлаб кўрсатганда оҳанг ва сўз асосанқулоқ билан «кўриб»қабул этилади. Мусиқа тинглаганда ҳам асар таҳлилида ҳам оҳанг кўргазма сифатида чалиб «кўрсатилади».

Ўқитувчининг чалишдагиқўл ҳаракатлари, дирижерлиги, юз ифодаси, доскага илинганқўшиқ плакати, машқ ёзуви ҳам кўргазмали воситадир, аммо у мусиқа садоси кўргазмалилига ёрдамчи, иккинчи даражали воситадир. Буни шу билан исботлаш мумкинки, мусиқани кўзи ожиз киши идрок этади; аммо у тасвирий санъатни идрок этолмайди, табиат гўзаллигини кўролмайди, уларни мусиқа тасвирида тасаввурқилиши мумкин. Аммо бошлангич синфларда асар сюжетиға хос картиналар асар бадий мазмунини конкрет тасаввур этиб идрок этилишиға ёрдам беради. Айниқса, доскаға оҳангнинг график чизиклар билан ифодаланиши, клавиатура орқали мусиқа товушларини чалиб кўрсатиш дастлабки идрок малакаларини шаклланишиға муҳим рол ўйнайди. Ўрта синфларда эса кўргазмалилик нота ёзувлари орқали конкрет ва абсолют системаға ўтади.

Мазкур принцип асосан дастурдан ўқув материалларини ва бу материаллар асосида дарс мазмуни тузиш жараёнидақўлланилади. Бунда ҳар бир синфнинг умумий билим ва малака даражаси ҳисобға олиниши шарт.

Ҳар бир синф ўқувчиларининг билим ва малакасини ҳисобға олиб, дарснинг йиллик тақвимий режасини тузиш учун мусиқа дарсларининг ўқув дастурида ўқитувчи учун асарларни танлаш имконияти берилади. Мазкур хусусият билан ҳам мусиқа дарси бошқа фан дарсларидан фарққилади. Бундақўшиқ куйлаш, тинглаш учун асарлар, вокал-айтим машқлари, мусиқа саводи материаллари, асарлар таҳлили учун атамалар ва бастакорлар ижодига хос маълумот ҳамда далиллар ҳаётий мисоллар билан болаларнинг билим, малакаларига мос ҳолда танланади ҳамда дарс режалари тузилади.

Агар бошлангич синфларда мусиқа дарсларини мутахассис ўқитувчи олиб бормаган бўлса, табиийки дастур ўзлаштирилиши кўпинча бир томонлама- у ҳам бўлса, асосанқўшиқ ўрганиш билан кифоялангандир. Демак, болаларнинг билим даражаси ва мусиқа малакалари орқадақолган, шунинг натижасида улар 5-синф ўқув материалларини ўзлаштиришгақийналадилар. Бундай ҳолда ўқитувчи бошлангич синф ўқув материалларининг энг асосий ва зарурийқисмларини ўқув йилининг биринчи ярмида «тезлаштириб ўқитиш методлари» билан ўтиб олиб, сўнг 5-синф материалларини ўтишға бошлайди.

Умуман олганда мазкур дидактик принцип барча синфларда дарсға тайёргарлик кўриш жараёни ва уни синфда амалға ошириш вақтида қўлланилиб борилади. Мазкур принципни амалға оширишнинг энг асосий шарти юқорида баён этилган тўртта принципға жиддий амалқилишдан иборатдир. Билим ва малакаларнинг чуқурлиги, мустаҳкамлиги ва тургъунлигига эришиш учун уларнинг ҳаётийлигини таъмин этиш лозим, яъни мазкур асар ва унинг ижро

услугаби маданий ҳаётимиз учун зарур эканлиги ҳақида болаларда ишонч ҳосил этиш лозим.

Иккинчидан, асарлар танлашда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- а) асарнинг болалар бадий ва ахлоқий тарбияси учун мослиги:
- б) музика таълими, яъни билим берилишига бўлган хусусияти:
- в) синфдаги барча болаларни мазкур асарга қизиқтириш ва уларни тўла ўзлаштиришига эришиш.

Дарсда олинадиган билимлар доираси ва малакалар мажмуи учун музика дарси амалиётидаги такрорланиш вақайтариш хусусияти (қўшиқни жумлаларга бўлиб қайтариб-қайтариб ўрганиш, кейинги дарсларда қўйлаш, музика асарлариникията тинглаш) муҳим рол ўйнайди. Шу боис музика дарсларида ўқувчилар томонидан дафтар тутишга ҳам унчалик ҳожат ёқ, чунки барча билимлар асосан дарс жараёнида олинади. Қўйлаш ва тинглаш малакалари эса амалий фаолият жараёнида шаклланади. Дарсда олинган ҳар бир янги билим элементи дарс фаолиятида қўйланиб ўзлаштирилади ва у кейинги дарсларда кенг қўлланиб доимий билим-қўникмага айланади. Бу хусусияти билан ҳам музика дарси бошқа фанлардан фарқ қилади.

Таълим принциплари ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдирадиган дидактик категориялардир. Республика умумтаълим мактабларида музика таълим-тарбия Концепцияси музика таълими мазмунини янада такомиллаштириш, уни ҳозирги давр талаблари асосида қайта ислоҳ этиш, музика таълим-тарбиянинг миллий асослари билан бойитиш, ўқув дастур амаллари ва дарсликларида ортиқча, иккинчи даражали нарсаларни чиқариб ташлаш, музикаий ўқув материалининг болалар учун тушунарли бўлишини таъминлаш каби муҳим тадбир-ёъналишлар алоҳида қайд этиб ўтилади. Шу боис, ўқитувчи умумдидактик принциплар билан бир қаторда музика таълимининг ўзига хос принципларини ҳам яхши билиши ва таълим жараёнида унга қатъий амал қилиши лозим.

Биз юқорида мактабда музика таълимининг умумдидактик ҳамда ўзига хос принциплари билан танишиб, уларнинг таърифлари ҳақида муайян тушунчаларга эга бўлдик. Таълим принциплари бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдирадиган яҳлит бир педагогик ҳамда методик талаб бўлиб, уларга қатъий амал қилиш дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни пухта музикаий билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантириш, музикаий-ижодий қобилиятлари, имкониятларини тобора кенгайтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан биргаликда «музика маданияти» предмети ўзига хос хусусиятлари билан богълиқ методикасининг ўзига хос принципларини ҳам илгари суради. Булар- эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги принципи, бадий ва техник бирлик принципи, лад, ритмик ҳиссиёт ва шаклни ҳис этиш бирлиги принциплари. Бу принциплар ўқувчиларнинг музикаий қобилиятлари, музикага қизиқиш, дид тарбияси ва ниҳоят музика маданиятини ривожлантиришга ёъналтирилади.

Эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги принципининг муҳимлиги- музика санъатининг ўзига хос хусусияти, уни идрокнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Музикаий идрокнинг ривожланиши онгли эмоционал таассуротларни

талаб этади. Муסיқа асарларини таъсирини англаш, унинг мазмунини очишга ёрдам беради.

Бадийлиги ва техник бирлиги принцип- асарнинг бадий, ифодали ижроси муайян малака ҳамда кўникмаларни талаб этади. Масалан, кўшиқ ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга вокал-хор малакаларини шакллантиради, куйни ижро этиш учун болалар муסיқа чолгўу асбобларида ритмик жўр бўлиш учун ўқувчилар бу чолгўуларда чалишнинг оддий усуллари эгаллаган бўлишлари керак.

Лад, ритмик ҳаракатлар ҳиссиёт ва шаклни ҳис этиш бирлиги принципи турли муסיқий фаолиятларнинг асосида бўлиши керак. Ўқувчиларда муסיқийқобилиятларнинг шаклланиши баробарида муסיқанинг ривожланиш принциплари, муסיқий нутқ, муסיқий шаклларнинг ифодавий имкониятлари ҳақида тасаввурлар шаклланади.

Машгўлотлардақўлланиладиган муסיқа таълими принциплари болаларда муסיқий ижодкорлик, тингланган ва идрок этилган муסיқа асари ҳақида муносабат билдириш, баҳо бериш, муסיқий-ижодий фаолиятлар маҳсулини нутқ шароитига мос равишда баён эта олиш, ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизматқилмоғи лозимдир.

Шундайқилиб, муסיқа дарслари педагогика фанининг дидактик назарияси ва принциплари (таълим амалиётининг умумлашган назарияси) асосида тузилади. Бу принциплар ўқитувчи ҳамда ўқувчи томонидан амалга ошириладиган таълимнинг барча компонентлари- дарс мазмуни, методлари ва дарснинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг ёъналишларини белгилаб беради.

Муסיқа фани ўқитилишининг принциплари болаларда ижодийлик, муסיқа ҳақида мустақил фикр-муносабат билдириш, муסיқа асарларини онгли-эмоционал идрок этиш, уларнинг муסיқийқобилият ҳамда иқтидорларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизматқилмоғи лозимдир.

Саволлар:

1. Таълим принципи ҳақида маълумот.
2. Муסיқа таълимида таълим принципларининг аҳамияти
3. Дидактик принциплар нима?
4. Муסיқа таълимида илмийлик, системалилик ва давомийлик принципи.
5. Ўқувчиларнинг онглилик ва активлиги тушунчасини изоҳланг.
6. Дарсда кўрсатмалилик принципи.
7. Муסיқа ўқув материалининг болалар билими ва малакаларига мослиги принципи ҳақида.
8. Муסיқа дарсларида билим ва малакаларнинг мустаҳкамлиги принципининг таърифи.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар:

Таълим принциплари, тадқиқот объекти, амалий малакалар доираси, дидактик категориялар, муסיқа педагогикаси ва амалиёти, ўқув элементлари, предметлараро алоқа, муסיқа идроки, методик талаб, онгли эмоционал идрок.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

1. Дмитриева Л. Г., Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе.- М., 1989.
2. Гуломов А.К. Ўқитиш принциплари ва методлари. -Т., 1992.
3. Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқувқўлланма)-Т., 1990.
4. Телчарова Р.А. Уроки музыкальной культуры. -М., 1991.
5. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) -Т., 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.
7. Ҳасанов А. Мусиқа ва тарбия. -Т., 1993.

10-мавзу.Дарсда онглилик ва фаоллик,кўргазмалилик,билим,кўникма ва малакаларнинг болалар ёшига мослиги ва мустаҳкамлиги.

Режа:

1. Дарсда онглилик ва фаолликни таъминлаш омиллари
- 2.Мусиқа ўқитишнинг шакли,кўргазмали қуроллар ва техника воситалари.
- 3.Мусиқа таълимида болаларнинг ёш хусусиятлари.

Онглилик таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатиши билан богълик, чунки таълим жараёнида ўқувчиларни мусикий билиш фаолиятини активлаштирмасдан туриб, ўқув материалнинг онгли ўзлаштирилишига эришиб бўлмайди. Ўқувчи дарс жараёнида онгли -эмоционал ўзлаштирган билимлардангина амалий фаолиятда бемалол фойдаланиши мумкин. Таълимда онглилик ва активлик ўзаро узвий богъланган дидактик категориялардир. Ҳарқандай фаоллик асосида мустақил ақлий фаолият ётади. Фаоллик деганда биз ўқувчининг ҳам ўқиш, ҳам мусикий фаолиятларини назарда тутамиз. Ўқув фаоллиги умумий фаолликнинг ажралмасқисми бўлиб, у мусикий билимларни эгаллаш, билишга, англашгақаратилган фаолиятдир. Демак, билиш фаоллиги бола фаолиятининг маҳсули бўлиб, билимларни эгаллашда фаол иштирок этиш, кучайтирилган фаолият кўрсатиш демакдир.

Онглилик ва активлик-дидактиканинг йетакчи принципларидан, чунки билимни ўзлаштириш- ўқувчи амалий фаолиятининг асосий сифати бўлган-билиш жараёнига богълиқдир.

Мусиқа идроки киши ҳаёти тажрибасини бойитади, воқеликни бадий ҳис этиб, билишқобилиятини ўстиради, фикрлаш хусусиятини ривожлантиради. Шунини таъкидлаш лозимки, мусиқа санъатлар ичида ўзига хос хусусият ва имкониятларга эга. Мусиқа тингловчиси ҳам куйловчиси, ижрочиси ҳам бастакор белгилаган суръат (темп)га созланиши, шу маромда куйлаши шарт. Акс ҳолда жаранглаётган мусиқа ва унинг тингловчиси орасида узилиш ҳосил бўлиб, идрок бузилади. Ана шунинг ўзи ҳам мусиқа машғулотларида, айниқса онглилик ва активлик ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Бинобарин, ўқув материални осондан-мураккабга ва маълумдан-номаълумга ўтиш принципи асосида болаларнинг онгли мусиқа идрокини, активлигини ривожлантириш ёъли билангина уларнинг мусиқа маданиятини шакллантириш мумкин. Зеро, машҳур педагог-олимларнинг

«Болаларни музикага қандай қизиқтирмоқ керак?» деган муаммони ўртага ташлаши бежиз эмас. Дарсда музика материални онгли равишда ўзлаштиришда илмийлик муҳим рол ўйнайди, чунки у музика асарларининг назарий асосларини, ифода воситаларини билиб олишга асосий мезон ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг дарсда онглилик ва активлиги айниқса, айтим малакаларини шакллантириш учун зарур. Бунда ўқитувчининг тушунтириш воситалари мақсадга мувофиқлиги, аниқ ва равшанлиги, болалар нутқ бойлигига мослиги, қўшиқлар эса улар овозига мос тушиши шарт. Ноталарни ўрганишда эса онглилик ва активлик музиканинг назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ўрганиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради. Биз юқорида мактабда музика таълимининг умумдидактик ҳамда ўзига хос принциплари билан танишиб, уларнинг таърифлари ҳақида муайян тушунчаларга эга бўлдик. Таълим принциплари бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдирадиган яхлит бир педагогик ҳамда методик талаб бўлиб, уларга қатъий амал қилиш дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни пухта музика билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, музика ижодий қобилиятлари, имкониятларини тобора кенгайтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан биргаликда «музика маданияти» предмети ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ методикасининг ўзига хос принципларини ҳам илгари суради. Булар- эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги принципи, бадиий ва техник бирлик принципи, лад, ритмик ҳиссиёт ва шаклни ҳис этиш бирлиги принциплари. Бу принциплар ўқувчиларнинг музика ижодий қобилиятлари, музикага қизиқиш, дид тарбияси ва ниҳоят музика маданиятини ривожлантиришга ёнаштирилади.

Эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги принципнинг муҳимлиги- музика санъатининг ўзига хос хусусияти, уни идрокнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Музика идрокнинг ривожланиши онгли эмоционал таассуротларни талаб этади. Музика асарларини таъсирини англаш, унинг мазмунини очишга ёрдам беради.

Бадиийлиги ва техник бирлиги принцип- асарнинг бадиий, ифодали ижроси муайян малака ҳамда кўникмаларни талаб этади. Масалан, қўшиқ ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга вокал-хор малакаларини шакллантиради, куйни ижро этиш учун болалар музика чолғу асбобларида ритмик жўр бўлиш учун ўқувчилар бу чолғуларда чалишнинг оддий усуллари эгаллаган бўлишлари керак.

Лад, ритмик ҳаракатлар ҳиссиёт ва шаклни ҳис этиш бирлиги принципи турли музика фаолиятларнинг асосида бўлиши керак. Ўқувчиларда музика ижодий қобилиятларнинг шаклланиши баробарида музиканинг ривожланиш принциплари, музика нутқ, музика шаклларнинг ифодавий имкониятлари ҳақида тасаввурлар шаклланади.

Машғулотларда қўлланиладиган музика таълими принциплари болаларда музика ижодкорлик, тингланган ва идрок этилган музика асари ҳақида муносабат билдириш, баҳо бериш, музика ижодий фаолиятлар маҳсулини нутқ шароитига мос равишда баён эта олиш, ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозимдир.

Шундай қилиб, музика дарслари педагогика фанининг дидактик назарияси ва принциплари (таълим амалиётининг умумлашган назарияси) асосида тузилади.

Бу принциплар ўқитувчи ҳамда ўқувчи томонидан амалга ошириладиган таълимнинг барча компонентлари- дарс мазмуни, методлари ва дарснинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг ёнашлишларини белгилаб беради.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

- 1.Дмитриева Л. Г., Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе.- М., 1989.
- 2.Гуломов А.К. Ўқитиш принциплари ва методлари. -Т., 1992.
- 3.Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқувқўлланма)-Т., 1990.
- 4.Телчарова Р.А. Уроки музыкальной культуры. -М., 1991.
- 5.Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) -Т., 1998.
- 6.Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.
- 7.Ҳасанов А. Мусиқа ва тарбия. -Т., 1993.

11-мавзу.Мактабда дарсдан ташқари мусиқа тўғаракларини ташкил этиш методлари.

Режа:

- 1.Ўқувчиларнинг мусиқий ривожига синфдан ташқари ишларнинг ўрни ва аҳамияти.
- 2.Мактабда куйлаш (вокал) тўғаракларини ташкил этиш.
- 3.Мактабда чолғу тўғаракларини ташкил этиш.

Синфдан ташқари мусиқий тарбиянинг асосий мақсади ўқувчиларни иложи борида кўпроқ оммавий ва тўғарак ишларига жалб этиб, уларни дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий дидини ўстириш, табиатга, Она-ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишдир. Мазкур мақсадни амалга оширишда мактабларда Мусиқа дарсларидан ташқари, оммавий ва тўғарак ишлари олиб борилади. Синфдан ташқари мусиқа тарбиясини икки шакли мавжуд.

1. Мусиқа тарбиясининг оммавий шакли.
2. Мусиқа тарбиясининг тўғарак шакли.

Синфдан ташқари Мусиқа тарбиясининг оммавий шаклида болаларни мусиқий ўқувини текширувдан ўтказмай, ялпи тарзда жалб этишни тақозо этади. Буларга, Қўшиқ байрамлари, «Мусиқа ҳафталиги», «Ўзбекистон ватаним маним», «Илҳом чашмали» кўрик-танловларидан, ижодий учрашувлар, театр ва концертларга саёҳат, «Алифбе» байрамларига, шоир ва бастакорлар билан учрашувлар киради. Аммо, буларнинг ҳар бирига болаларни ёши, Қизиқишига Қараб, олдиндан тайёрлаб борилиши керак. Бу тадбирларни ҳар бирини

юксак бадий дид билан ташкил этиб, амалга ошириш, чинакам бадий-мусиқий байрам руҳини касб этиш лозим.

Мусиқа ўқитувчининг оммавий ишлар режаси, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Оммавий, мусиқий ишлар режаси, Мусиқа ўқитувчиси ва мактаб маънавий-маърифий ишлар мудир, мактаб етакчиси билан ҳамкорликда, ўқувчиларнинг ёшига, Қизиқишига Қараб, байрамлар, учрашувлар, тадбирларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бунда ўқувчиларнинг мусиқий ўқуви, Қобилияти ҳисобга олинади. Оммавий Мусиқа машғулотларининг ҳар бири аниқ ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилмоғи лозим. Бунда ҳар бир машғулот турига Қараб, уни асосий мақсади, хусусияти, репертуар мазмуни, мактаб имкониятлари, таклиф этилган меҳмонлар ҳисобга олиниб, ўқувчиларни жалб этилади. **Тўғарак ишларини** эса, иш режасини Мусиқа ўқитувчисининг ўзи, ўз ҳоҳиши ва имкониятларига Қараб, мустақил тарзда тузади. Ўқитувчи тўғарак ишларига ўқувчиларни мусиқий Қобилияти, ҳоҳиш-истаги, Қизиқиши, овозига Қараб танлаб олади ва турли тўғараклар тузади. Ҳафтасига 2-3 бор тўғаракни гуруҳларга бўлиб ишлайди. Тўғарак ишларининг асоси Мусиқа дарсидир. Тўғарак ишларига Қобилиятли, Қизиқувчан, Мусиқа дарсларида актив Қатнашадиган ўқувчилар танлаб олинади. Дарсда ҳар бир боланинг лаёқати, Қизиқиши ҳисобга олиниб, у ёки бу Мусиқа тўғарагига жалб этилади. Тўғарак фаолияти фаоллаштирадиган нарса – бу мактаб сахнасидир. Ўқувчилар тадбирларда, Қўшиқлар, рақслар ижро этиб, мактаб жамоаси олдида эътибор Қозониб, туман, шаҳар, республика кўрик-танловларида Қатнашдилар. Бу уларни ўз меҳнатидан завқланиши ҳис-туйғуларни Она-Ватанга муҳаббат, Мусиқа санъатига ҳурмат, дўстлари орасида меҳр-муҳаббат туйғусини ошириб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда ўқитувчи ўз имкониятларига Қараб турли тўғараклар тузиш мумкин:

1. Хор
2. ВИА
3. Ашула ва рақс ансамбллари
4. Вокал ансамбллари
5. Чолғучилар ансамбли (дуючилар, рубобчилар, доирачилар)
6. Рақс ансамбли
7. Оркестр (духовой, халқ чолғу асбоблари оркестри)
8. Яккагон Қўшиқчилар.
9. Фольклор дастаси.

Мактабдан ташқари Мусиқавий тарбия шаклига болалар Мусиқа мактаблари, болалар ижодиёт марказлари, ўқувчилар саройлари,

болалар театрлари, музейлар киради. Мазкур муассасаларга Қатнашадиган болалар ҳам ўқитувчи назоратида бўлиб, мактаб ҳаётига, уларнинг фаол Қатнашувларини таъмин этиши лозим. Мактаб ҳаётида бошланғич синф Мусиқа ўқитувчисининг ўрни беҚиёсдир. Мусиқа дарсларидан ташқари, замон талабига мос равишда тадбирлар тайёрлаб, ўқувчиларда санъатга бўлган ҚизиҚишини ривожлантириши лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Синфдан ташқари Мусиқа тарбиясининг мақсади нима?
2. Синфдан ташқари Мусиқа тарбиясини Қандай шакллари бор?
3. Синфдан ташқари Мусиқа тарбиявий ишлар режаси Қандай тузилади?
4. Мактабдан ташқарида Мусиқа тарбияси ишларига нималар киради?
5. Маънавий-маърифий ишларни олиб боришда нимага аҳамият бериш керак?

Таянч тушунчалар:

Саҳна - театр ва концертлар Қўйиш учун томоша залининг кўтарилган жойи.

Оркестр – юнончасўз бўлиб, турли чолғу асбобларида чалувчи созандалардан тузилган жамоага дейилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Л. Қўлдошев «Мактабда хор тўгараги». Т. 1975.
2. О.Файзиев ва бошқалар. «Ўзбекистон мактабларида нафосат тарбиясини ташкил этиш бўйича методик Қўлланма». Т.1992.
1. Н.Норхўжаев. «Қўшиқлар тўплами». Т. 1996.

12-МАВЗУ: Мусиқа куйлаш қоидалари(товуш,нафас,талаффуз,ва б.)

Режа:

- 1.*Куйлаш фаолияти ва қоидалари.*
- 2.*Товуш ҳосил қилиш,сольфеджио ва машқлар.*
- 3.*Нафас,талффуз,интонация ва бошқа қоидаларга амал қилиш йўллари.*

Хор бўлиб куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён ҳисобланади. Мусиқа маданияти дарсларида вокал-хор ишлари, ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбияси ўқитишнинг энг фаол шаклидир. Хор бўлиб кўшиқ куйлаш ўқувчиларнинг диққат эътиборини кучайтиради, хотираси, нутқини ривожлантиради, овоз диапазони кенгайтиради, мусикий ўқувини ўстиради, мутация даври енгил ўтади, дунё қараши йилдан-йилга шаклланиб боради. Вокал-хор малакалари Мусиқа дарсида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хор машғулотларида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва

активлиги ошади, музикий хотираси яхши ривожланади ва ўрганган кўшиқларини ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Кўшиқ куйлаганда, ижодий ижрочилик ҳамкорлиги кучаяди ва дўстона жамоага бирлашади.

Вокал-хор малакалари ёрдамида ўқувчилар, кўшиқни сўз маъноси ва муסיқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар. Юқорида баён этилган натижаларга эришиш учун куйидаги вокал-хор малакаларини шакллантириб бориш ва хор бўлиб куйлаганда бунга қаттиқ риоя қилиш шарт. Чунки айнан вокал-хор малакалари воситаси билангина ёқимли ва оҳангдош, соф хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Вокал-хор малакалари 6 (олти) турга бўлинади:

1. Дарсда кўшиқ куйлаш ҳолати
2. Ашулачилик нафаси
3. товуш ҳосил қилиш
4. Созланиш
5. Ансамбль
6. Талаффуз.

1. **Кўшиқ куйлаш ҳолати**, деганда дарсда ўқувчиларнинг ўтириши ва туриш ҳолати назарда тутилади. Ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тутиш лозимлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтириш ва доимо назорат қилиб, эслатиб туришдан иборатдир. Мазкур малаканинг қоидалари гавдани қийшайтирмасдан тўғри туриш, ўтириб куйлаганда парта суянчиғига суянмасдан, елкаларни енгил кериб, иякни ортиқча кўтармасдан, бўйин ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин пастга тушириш ва қафтларни тиззалар устига енгил қўйиб энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигида эркин куйлаш каби ҳолатлардан иборатдир.

2. **Ашулачилик нафаси**. Маълумки куйлашдаги нафас билан физиологик нафас ўртасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафас бола туғилган кундан табиий ҳолда ҳаётининг охиригача амал қила бошлайди ва аниқ бир ритмдан маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Ашула айтишдаги нафас эса кўшиқ характерига қараб, тез, қисқа вақт оралиғида содир бўлади. Нафас олиш ва уни чиқариш кўшиқ жумласининг чўзимиға, суръатиға ва характерининг ифодаланишиға қараб чўзилади. Сунъий нафасдан актёрлар, суҳандонлар ва кўшиқчилар фойдаланадилар. Шунингдек, сунъий яъни эҳтиёжға қараб олинадиган нафас, ашулачилик нафаси дейилади.

Ашулачилик нафасининг куйидаги турлари мавжуд:

кўкрак нафаси;
диаффрагма нафаси;
Қорин нафаси.

Кичик болаларнинг кўкрак нафаси ҳали тор, ҚисҚа эканлиги сабабли, улар нафасни кўкрак билан оладилар, шу боис ашула айтганларида елкаларини кўтариб, шошилиб ва ҚўшиҚ жумласини, сўзини бўлиб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларнинг елкаларни кўтармасдан, осойишта, вазмин нафас олиши ва уни ҚўшиҚ жумласининг охирига Қадар бир маромда етказиш, айнаҚса сўзни бўлиб нафас олмасликни ўргатиб бориши лозим. Нафас олиш малакасини устида ишлаш жараёнида болалар диҚҚатини овозларнинг куйчан, равон, ёҚимли жаранглашига жалб этилади. Бунинг учун гулни ҳидлагандек осойишта ва шовҚинсиз нафас олишга ўргатилади. Ана шу малакани амалга оширишда дарсликларда, Қўлланмаларда тавсия этилган вокал-хор машҚларини куйлаш, болалар хорларида ижро этилган ҚўшиҚларни магнит тасмалари орҚали тинглаш каби амалий машғулотларда шакллантириб борилади.

Болалар машҚ ва ҚўшиҚларни куйлаганда ўқитувчининг Қўл ишораларга Қараб нафас олишга ва уни тежаб, расамати билан жумла охиригача етказишга одатланиб боришади. АйнаҚса, дирижёрлик ҳолатлари «диҚҚат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»ларга риоя этиб куйлашга ўргатиш нафасини режага солиш учун муҳимдир. Болалар нафасининг ҳажми имкониятларини ҳисобга олган ҳолда машҚ ва ҚўшиҚларда нафас олиш жойлари олдиндан белгилаб Қўйилади ва уларни ўргатиш жараёнида амалга оширади.

Товуш ҳосил Қилиш.

Товушни вужудга келиши мураккаб психологик, физиологик жараёндир. У овоз аппарати (кекирдак, ҳиқилдоқ) ва унинг ичидаги конуссимон иккита овоз пардасининг нафас (ўпка, трахеялар, кўкрак қисми) ва эшитув аппаратларининг биргаликдаги амалиётида ҳосил бўлади. Томоқда ҳосил бўлган товуш кучсиз ва хишиллаб, садоланиб чиқади, унинг нутқ аппарати айнаҚса бурун бўшлиғи орҚали тебраниши кучаяди ва ўзига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга бўлади. Тўрт орган – нафас, овоз, нутқ ва эшитув аппаратининг ўзаро фаолиятидаги мусиқий охангга қўйиладиган овоз-ашулачилик овози деб аталади.

1-синфда ўқувчиларнинг овозни зўриқтирмасдан куйлатиш учун ашула айтиши примар ($\text{соль}_1\text{-ля}_1$) бўлади, ишчи диапазон ($\text{ми}_1\text{-си}_1$). Умумий диапазон ($\text{ре}_1\text{-до}_2$) бўлиб, бунга меъёрида амал қилиш лозим.

Болалар бош резанаторига асосланган фальцетга яқин овозда куйлайдилар.

Болаларни куйлатганда фақат юмшоқ аттака билан бошлаш лозим, ҳеч қачон қўшиқни қаттиқ аттака билан бошламаслик керак. буни ўқитувчи назорат қилиб бориши шарт.

Созланиш.

Соз ҳар бир боланинг берилган Мусиқа товушини аниқ идрок этиб, ўз овозини унга мослаб куйлаши, сақланиши деган маънони англатади. БошҚача Қилиб айтганда, созланиш – маълум баландликдаги товушни аниқ интонация куйлаш демакдир. Бу муҳим малака бўлиб ҳисобланади, чунки бошланғич синфдаги вокал-хор ишларининг асосий мақсадларидан бири соф унисон (соф бир овозда куйлашга) эришишдан иборатдир. Шунинг учун биринчи дарсдан бошлаб болаларда созланиш малакаларини ривожлантириш устида системали иш борилади. Айниқса, Мусиқа ўқуви суст ривожаланаётган болаларга эътибор кучайтирилади. Уларни ўқитувчи овозига чолғу асбоблардан соз учун берилаётган товушга ва иқтидорли болалар овозига Қўшилишга ва товуш баландлиги билан баробарлашишга, яъни тенглашишга даъват этилади ва интонацион соф созга эришилади ва бир хил баландликда куйланадиган машқлар орқали амалга оширилади.

Ансамбль

Ансамбль – французча сўз бўлиб, биргаликда деган маънони англатади. У Мусиқа, балет, архитектура санъатларининг Қонуниятларидан биридир. Мусиқада бир неча ижрочиларнинг биргаликдаги ижроси ансамбль дейилади. Масалан: ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, рақс ансамбли, вокал ансамбли ва бошқалар. Хорда эса барча хонандаларнинг соз бирлиги, ижро темпи, ритм-усул ва динамик уйғунлиги вокал-хор ансамбли дейилади. **Ансамбль хусусий ва умумий турларга бўлинади.** Хордаги барча ижрочиларнинг бир овозга созланиб, ҳамма бир куйда ансамбль бўлиб, икки ёки уч овозда куйлаши **умумий** ансамбль дейилади. Ҳар бир овозни алоҳида-алоҳида сози ва ансамбли **хусусий** ансамбль дейилади. Соз ва ансамблни уйғунлиги узоқ иш жараёнини талаб этади ва шундагина олдимизга асосий мақсад Қўйилган соф унисонга эришиш мумкин.

Талаффуз

Куйлашдаги талаффуз нутқ талаффузидан фарқ қилади. Куйлашдаги талаффуз артикуляция органлари (лаб, тил, жағ) нинг фаол ҳамжиҳатлиги, воситасида амалга оширилади. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз аппаратини сиқиб гапириш натижасида хорда

бақириб куйлаш нуқсонлари учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан узоқ вақт якка тарзда олиб бориш, шошмасдан эркин гапириш ва куйлашга ундаш лозим.нафасни тўғри олиб, жумлани охиригача етказишда, унли товушларни чўзиб, ундош товушларни бурро, дона-дона қилиб куйлашга ўргатиб бориш талаб этилади. Бунда оғиз шаклини, тилни ҳаракатларига, ўзгаришига катта аҳамият бериш керак. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар матнини вокал услубларига мувофиқ, талаффуз этишга ўргатиб бориш лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Мусиқа дарсларида вокал-хор малаклари Қандай аҳамиятга эга?
2. Вокал-хор малакаларини Қандай турлари мавжуд?
3. Ашулачилик аппаратини тузилиши ва болалар овозини Қандай эҳтиёт Қилиш керак?

Таянч тушунчалар:

Вокал – якка овозда куйлаш

Малака – одат, кўникма.

ДАБИЁТЛАР:

1. Р./ Қодиров. «Бошланғич мактабда кўп овозда куйлаш». Т. 1997
2. Г.,Дмитриева.Черноиванова. «Методика музўкального воспитания в школе». М. 1987
3. Д.Омонуллаев, Ҳ. Нурматов ва бошқалар «2-синфда Мусиқа дарслари». Т. 1987

13-мавзу. Дарс материали(репертуар) танлаш ва таснифлаш.

Режа:

1. Мактаб репертуари практикуми фанининг мақсади
2. Мусиқа тинглаш(репертуари)ни танлаш.
3. Мусиқа саводи ва бошқа материалларни таснифлаш.

Мактаб репертуари практикуми фанининг мақсади – бўлғуси бакалаврларни мусиқа маданияти ўқитувчиси ва касб ҳунар коллеж фаолиятига амалий тайёрлашдан иборат, ушбу фаолият мактаб репертуари, методика ва амалиёт ишларини эгаллаш негизида амалга оширилади.

Мактаб репертуари практикуми фанининг вазифалари: талабаларни умумий таълим мактабида таълим тарбия жараёнини ўқувчиларнинг мусиқа санъати ва уни ҳаёт билан боғлиқлигини жонли, яхлит ҳолда англаб етиши асосида амалга оширишга тайёрлаш; мактаб мусиқа репертуари вокал – хор, мусиқа тинглаш

бўйича асарларни мактаб мусиқа педагогикаси ва методикаси тамойилларига таянган ҳолда методист ва ижрочи сифатида ўзлаштириш; мусиқа маданияти ўқитувчисининг дарсга тайёрланиши ва ўз-ўзини тайёрлаши ўқуви, мактаб мусиқа репертуарини услубий ва дидактик ишлаб чиқиши малака ва кўникмаларини шакллантириш; мактаб мусиқа репертуари билан ишлашнинг кўргазмали – ахборотли методи ва усуллари эгаллаш; мактаб мусиқа репертуари билан ишлашнинг ижодий усуллари ва методларини ўзлаштириб олиш; мактаб репертуарини методик ижрочилик томонидан ўзлаштириб олиш жараёнида мусиқий фикр юритиш, мусиқий ижодкорлик, мусиқани идрок этиш, тасаввур қилиш, мустақиллик қобиятларини ўстириш; мактаб репертуарини ўрганиш жараёнида бўлажак мусиқа ўқитувчиси малакасини шакллантириш; мусиқий-педагогик мусиқа репертуарини ўрганиш жараёнида бўлажак мусиқий маданият ўқитувчисининг умумий, мусиқий ва профессионал маданиятини шакллантириш. Мактаб репертуари, КХК махсус мусиқа устида ишлашнинг мазмунини, методи ва ўзига хосликларини билиш; мусиқа ижодиёти билан қўллаш усул ва методларини; (транпозиция, нотага қараб ижро этиш, тинглаб ўрганиш) ўқитувчининг мусиқа дарсидаги усул ва методлари сифатида эгаллаш; мактаб репертуарини методик ва ижрочилик томонидан эгаллаш, уни мусиқа дарслари ва дарсдан ташқари ишларда ўрганиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш; мактаб мусиқа репертуарини “Мусиқа маданияти” дастурининг специфик талаблари, мусиқа таълими ва тарбиясининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ ҳолда ўргатиш, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; асарларни талил этиш усуллари эгаллаш; амалиётда мусиқий педагогик технология методларини қўллаш усуллари билиш керак.

- Мусиқа маданияти ўқитувчисининг ва КХК педагоги иш услуби сифатида жўр бўла олиш кўникма ва малакаларини эгаллаш; мусиқа маданияти дарсларида мусиқа репертуарини ўрганиш ва уни етказиш бўйича мусиқа маданияти ўқитувчисининг тайёрланиши ва ўз-ўзини мактаб репертуарини методик дидактик ишлаб чиқиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

- Ўқувчиларнинг куйлаш фаолиятини бир бўғинли (қисқа) ва компазицияли (уйғун) бошқаришнинг усул ва методларини қўллай билиш; мактаб репертуарлари мусиқа асарларини композиторнинг ғояси, услубини ҳисобга олиб, ўз талқини билан уйғунликда бир бутун, ёрқин таъсирчан образ яратиш ижро этиш малака ва кўникмаларини эгаллаш; махсус мусиқа маданияти ўқитувчиси фаолиятида мусиқа педагогикасининг тамойил ва методларини, мактаб мусиқа ўқитиш методжикаси мактаб ўқувчиларининг мусиқий таълими мазмунининг асосий компанентининг мусиқа санъати асарларини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириш малакаси, мактаб репертуари билан ишлашнинг ахборот намоиш усули ва методлари (намоиш қилиш, безаклаш, кўрсатиб беришлар, овозлар таҳлилини) билиш ва уларни қўллай олиш: синфдан ташқари мусиқа ишларида фойдаланиш учун (дастурдан ташқари шунга ўхшаш ва бошқа) янги мусиқий материалларини танлаш ва мусиқа маданияти дарсларини мазмунига киритиш малакасини эгаллаш; ўқувчиларда ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини ривожлантириш, мусиқий тарбия асосларини билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллаш малакаларига эга бўлиши керак. Мактаб репертуари практикуми методик ижрочилик фани мусиқа маданияти ўқитувчисининг мусиқий педагогик

тайёргарликда марказий курс бўлган мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси билан яқиндан боғланишини назарда тутати. Мусиқа маданияти дарслари ва КХК дарсдан ташқари ишларида махсус мусиқа репертуарини етказиб бериш ишининг усуллари кўллай олиш талабаларнинг барча билимларига тарихий, назарий “Мусиқа назарияси”, “ сольфеджио”, “Мусиқа тарихи”. Мактаб репертуари асарларини ижрочи сифатида ўзлаштириш талабаларнинг ижрочилик фанлар: “Дирижёрлик”, “Вокал ижрочилиги”, “Чолғу ижрочилиги” ва бошқа барча мусиқий фанлардан олган билим, кўникма ва малакаларга асосланади. Ўз навбатида мактаб репертуари олдида турган мусиқий педагогик фаолиятнинг характери ва хусусиятларига мос равишда талабаларнинг ижрочилик кўникма ва малакаларини чуқурлаштирувчи ва аниқлаштирувчи восита ҳисобланади. Мактаб репертуари практикуми курси талабаларнинг малакавий амалиётга тайёрлаб бериш имконини беради. Фан мусиқа ўқитувчисини мактаб, академик лицей, касб -ҳунар коллежига тайёрлашда муҳим ўрнини эгаллайди. Фан амалий фаолиятни ўз ичига олиб, мусиқий таълим йўналиши талабаларини мусиқа маданияти ўқитувчиси амалий фаолиятига тайёрлайди. Шунинг учун ушбу фан асосий умумкасбий фан ҳисобланиб, шунинг билан бирга ихтисослик фанларининг ажралмас бўғинидир. Фанни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш тавсия қилинади. Фан бўйича ўқув методик қўлланмалар, тарқатма материаллар, мусиқа материаллари, электрон ўқув материаллари аудио видео ёзувлар ва бошқалардан фойдаланади.

Кўйлагим

П.Мўмин шеъри

Ф.Назаров мусиқаси

Қўшиқ ўртача тезликда 2/4 ўлчовида айтилади. Унинг тоналлиги фа диез минор (фригий) ладидир. Иккинчи босқичи ярим тон пасайтирилган, бу соль нотаси бўлади. Шу сабабдан калит ёнида 3-соль диез қўйилмаган. Қўшиқ 3 банд ва нақаротдан иборат. Овоз диапазони фа диез ре яъни кичик секста интервалини ташкил этади. Унда қизчанинг байрам арафасида онаси тикиб берган янги куйлакнинг сифатлари куйланади.

KO'YLAGIM

P.Mo'min she'ri

Fattoh Nazarov musiqasi

O'rtacha tez



Yan-gi ko'y- lak tik-di- lar a- ya- jo- nim bay-ram- ga.



Se- vin- chim- ga sig'- ma- yin rah -mat de- dim



a- yam- ga. Ko'y- la- gim, ho, ko'y- la- gim,



kiy- sam ke- lar o'y-na- gim.

Ухлаб турдим

Илӗс Муслим шеъри

Ф.Назаров мусикаси

Қўшиқ ўртача тезликда, салмоқлаб ижро этилади. Ўлчови 4/4, тоналлиги ре мажор (миксолидий) ладига тўғри келади. Ре мажорда иккинчи диез (до) ҳам бўлиши керак. Аммо миксолдий мажор ладида 7 босқич ярим тон пасайтирилиши сабабли калит ёнида до диез белгиси қўйилмаган. Қўшиқда до нотасининг ўзи ҳам ишлатилмаган. Умумий диапазон ре – си катта секста интервалини ташкил этади. Қўшиқ оҳанги 6 такт ва сўзи икки банд ва нақаротдан иборат. Қўшиқда боланинг туш кўриши, онасининг юмшоқ кўрпа,

UXLAB TURDIM


I. Muslim she'ri

F. Nazarov musiqasi

Salmoqlab



O-yi- jo-nim, bu-gun yax-shi ux-lab tur-dim.



Ju-da qi-ziq, ju-da shi-rin tush-lar ko'r-dim



Siz-ga, siz-ga as-sa-lom, ham-mangiz-ga as-sa-lom.

Yumshoq yostiq

Issiq ko'rpa

Rohat, rohat.

O'z vaqtida

Uyg'onishga

Qildim odat.

Naqarot:

Sizga, sizga assalom!

Hammangizga assalom!

ёстиқ тикиб бергани куйланади.

Пахтаойнинг байрами

Т.Илҳомов шеъри

Ф.Назаров мусикаси

Qo'shiq kuylaymiz

PAXTAOYNING BAYRAMI

T. Ilhomov she'ri

F. Nazarov musiqasi

Tez

Shod-li-gi-miz dil-lar-da,
 ko'z-lar-da shu' la. Ye-ta-di qu-
 yosh-ga-cha biz-ning a-shu - la.
 Til-dan qo'-shiq tush-may-di,
 ham-ma-miz quv- noq. Mu-bo -rak bo'l-
 sin to'-ying pax-ta- oy o'r- toq.

Кўшиқ тез суръат билан нуктали 8 талик паузадан кейин бошланади. Ўлчови 6/8 бўлиб, муסיкий оҳанг рақсга мойилроқдир. Тоналлиги ре мажор (ионий) ладида ёзилган. Кўшиқ 3 банд ва нақаротдан иборат. Биринчи банд ва нақарот 16 тактли оҳанг нотаси остида ёзилган. Умумий диапазон ре дан ре гача яъни бир октавани ташкил этади.

Нишолдо

Рауф Толиб шеъри

Д.Омонуллаева муסיқаси

Кўшиқ қувнок, тезроқ суръатда ижро этилади. Унинг тоналлиги ре мажор (ионий лади). Ўлчови 4/4 яъни бир такт ичида 4 та чоракталик ҳисобига тўғри келадиган ноталар жойлашади. Аксарият жумлалар бир такт ичидаги оҳангга тўғри келади.

Жумлалар орасидаги паузалар (цезура) пайтида нафас олинади. Кўшиқнинг диапазони до биринчи ва ре иккинчи октавани ўз ичига олади. У икки банд ва нақаротдан иборат. Мавзуси эса болалар яхши кўрадиган ширин нишолда таърифига қаратилган.

NISHOLDA

Rauf Tolib she'ri

Dilorom Omonullayeva musiqasi

Quvnoq

To'y-da, bay-ram-da, Ro'-za ay-yom-da
Tan-siq ni-shol- da, Tor-tiq ni-shol-da.
Muz-qay-moq-dan zo'r, Ma-na, ya-lab ko'r.
Oh-oh ni- shol-da, Op-poq ni-shol-da. Ma-za-
li, tot- li — oh! Mis-li nov-vot- li — oh!
Oh-oh ni-shol-da Op- poq ni-shol-da! Muz-qay-
moq-dan zo'r — oh! Ma-na ya-lab ko'r — oh!
Oh-oh ni-shol-da, Qay-moq ni- shol-da.

46

Ватанжоним-ватаним

Пўлат Мўмин шеъри

Д.Омонуллаева мусиқаси

Кўшиқ ўртача тез суръатда ижро этилади. Калит ёнида си бемол белгиси, кўшиқнинг тоника яъни фа нотасига тугаши тоналликнинг фа мажор (ионий лади) эканлигидан далолат беради. Ўлчов 6/8 – бу бир такт ичида 6 та 8талик нота ҳисобига тенг ҳар хил ноталар жойлашувини билдиради. Биринчи ҳисса

кучли қолган ҳиссалар кучсиз бўлиб уч саноғига ҳам саналиши мумкин. Қўшиқ 8талик пауза билан бошланиб, унинг ҳажми 8 тактни ташкил эатид. Биринчи, иккинчи жумлалар ва учинчи, тўртинчи жумлалар реприза белгисига асосан қайта такрорланади. Қўшиқ 2 банддан ташкил топган бўлиб, Ватанимиз Ўзбекистон мадҳига бағишланган. Унинг умумий оҳанг диапазони бир октава (до дан до гача) ни ташкил этади. Қўшиқ 2 синфда куйлаш учун мўлжалланган.

Qo'shiq tinglaymiz

VATANJONIM - VATANIM

P. Mo'min she'ri

D. Omonullayeva musiqasi

O'rtacha tez

Va-tan-jo-nim- Va-ta-nim, ko'-zim quv-nab
 ko'r-ga-nim. Is-tiq-lol-dan kul-ga-nim,
 O'z-be-kis-ton gul-sha-nim!

1.

Vatanjonim-Vatanim,
 Ko'zim quvnab ko'rganim.
 Istiqloldan kulganim,
 O'zbekiston — gulshanim!

2.

Bahra olib bag'ringdan,
 Ulg'ayaman mehringdan.
 Vatanjonim — Vatanim,
 O'zbekiston — gulshanim.

14мавзу.Мактабда мусиқий(касбий)амалиётни ўтишга таёрланиш.

Режа:

- 1.Мусиқа дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш.*
- 2.Педагогик амалиёт даврида дарслар ўтиш.*
- 3. Педамалиёт ҳужжатларини расмийлаштириш.*

Ўзбекистон республикасининг «таълим тўғрисида» ги қонуни, «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларга кўра, 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. мусиқа предметига давлат таълим стандартини жорий этилиши, миллий, мусиқий меросимиздан фойдаланишни ҳамда ҳудудий воҳаларни санъати ва маданияти, у ердаги маҳаллий халқ анъаналари ўз ифодасини топган. шунингдек, таълим стандарти ўзининг тузилишига ва мазмунига кўра, давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда янги (1-7) синфлар учун янги дастур тузилди. Дастур асосида дарсликлар методик қўлланмалар, тавсияномалар яратилмоқда. етти йиллик мусиқа ўқитиш даврида ўқувчиларни гўзалликни ҳис эта оладиган, мусиқага меҳр ва ҳавас билан қарайдиган, миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилади. Янги дастур асосида мусиқа маданияти дарсларини сифатли, педагогик ва методик жиҳатдан юқори талаб даражасида олиб бориш учун ўқитувчи, ижодкор, ўз касбини ва ўқувчиларни севувчи, яхши чолғучи, методикани пухта ўзлаштирган инсон бўлиши керак. мусиқа таълимининг миллий асосини таркиб топишида, фортепиано асбоби билан биргаликда, ўзбек халқ чолғу асбобларидан ҳам фойдалана олиши зарур.

Шунингдек, ўзбек халқ мусиқа меросимизни тарихи ва ҳозирги кун талабларини кузатиб ўрганиб бориши шарт. чунки, мактабда мусиқа таълимининг асосий мақсади ўқувчиларда «мусиқа маданиятини» таркиб топтиришдир. мусиқа ўқитувчиси дарсларга мавзуларни танлаб, режалаштиришда кўргазмали қуроллардан, техника воситаларидан ҳам фойдаланиши керак. мусиқа дарсида мусиқа фаолиятларини оддийдан – мураккабга ўтиш принципи асосида ўзаро мантиқий бир бутунликка эришиш ва ўқитишнинг ривожланувчи, таълимий ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш зарур.

умумий таълим мактабларида жумладан, бошланғич (i-iv) синф мусиқа фани бўйича, қуйидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдига

мақсад қилиб қўяди. чунки, бошланғич синфларда музика таълими пойдевори қуйилади ва шаклланади.

1. ўқувчиларни музикаий қобилиятини (музикаий ўқуви, ритми туйғуси, диққати, хотираси, нутқи) ўстириш.

2. ўқувчиларни миллий музикамизга, она ватанга, табиатга муҳаббат, гўзалликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш.

3. ўқувчиларни меҳнатга, ўқишга, ҳаётга ўз-ўзини ва атрофидигиларни ҳурмат қилиш, ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўргатиш.

юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир дарсга ижодий ёндошиб, янги дастур талабларига мувофиқ дарс ўтиш лозим. музика фанидан бир йилда 2 марта ярим йиллик тахминий – мавзули иш режаси ва шунга қараб, ҳар бир дарс учун режа-конспект тузилади. ярим йиллик иш режаси бошланғич ва ўрта синфлар учун алоҳида-алоҳида тузилади. бунда ўқувчиларни ёши (синфи), овоз диапазони, музикага қизиқиши ва қобилияти, йил фасллари, байрамлар, йил, чорак, дарс мавзулари ҳисобга олиниб, янги дастурдан фойдаланиб дарс структураси асосида тузилади. баъзи қўшиқларни, тинглаш учун асарларни, ўқитувчи ўқувчилар истаги ва янги замонавий қўшиқлар билан дарс режасига мос келадиган асарларга ўзгартириши мумкин. музика дарслари асосан бир ҳафтада бир соат ўтилади. ўқув йили давомида эса қуйидаги тартибда:

i чорак 9 соат

ii чорак 7 соат

iii чорак 10 соат

iv чорак 8 соат

жами бир йилда 35 соат дарс ўтилади.

шунингдек, ҳар бир ўқув йилида 12-14 та қўшиқ ўргатилади, шунга қараб, музика саводи ва музика тинглаш жараёнида 12-14 асарлар тингланади. бошланғич синф ўқувчилари асосан, бир овозли қўшиқлари соф унисонда куйлаш малакаларини пухта ўзлаштиради ва айрим ҳолларда кўп овозликка ўтишга тайёргарлик кўрилади.

иккинчи синфнинг иккинчи ярмидан бошлаб, икки овозлик элементи бор қўшиқлар киритилган. iii – iv синфларда ўқувчиларни овоз аппаратлари шаклланган бўлиб, икки овозли қўшиқларни куйлаш, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. шунга кўра оддийдан мураккабга принципи асосида музикавий асарлар танланади. бошланғич синфда дарс структураси бешта фаолият туридан иборат бўлади:

1. Хор бўлиб куйлаш
2. Музика саводи
3. Музика тинглаш

4. Мусиқа характериға мос ҳаракатлар бажариш
5. Болалар чолғу асбоблардан жўр бўлиш

Ўрта (V-VII) синфларда эса, дарс фаолияти бир мунча камаяди. Чунки, ўрта синф ўқувчилари кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Дарс мазмуни чуқурлашиб, ўқувчилар билим ва малакаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Мусиқа дарси учта фаолият асосида олиб борилади:

1. Хор бўлиб куйлаш
2. Мусиқа саводи
3. Мусиқа тинглаш

Бунда болаларнинг овоз аппаратлари шаклланган мусиқий қобилиятлари ривожланган, Мусиқанинг тузилиши, шакли Мусиқа ифода воситалари ҳақида билимга эга бўладилар ва Мусиқа тинглаш қобилияти ривожланган бўлади. Ўрта синфдаги ўқувчилар учун V-VII синф Мусиқа дастури асосида дарслар режалаштириб, икки овозли, овоз машқлари, икки овозли кўшиқлар, Мусиқа саводи ва Мусиқа тинглашдан, шунга қараб мураккаброқ асарлар тингланади. Ҳар бир фаолият бир-бири билан боғлиқ бўлиб, дарс мазмунини, яъни бир бутунликни таъминлайди. Чорак мавзулари, йил мавзуларига бўйсунди. Дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни билим ва малакаларини баҳолаш муҳим педагогик аҳамиятга эгадир. кўшиқ куйлаш билан бирга, уларни кўпроқ фикр билдириш, баҳсга тортиш ва амалий фаолиятига кўпроқ жалб этиш ва одилонга баҳолаш лозим бўлади. Шундай қилиб, Мусиқа дарслари, янги дастур асосида режалаштирилиб, ўқувчиларни миллий Мусиқамизга меҳр-муҳаббат ва қизиқиш уйғотиши лозим.

1. Мактабларда Мусиқа фанини ўрганишдан максад нимада?
2. Мусиқа дарсини режалаштиришда нималарга аҳамият берилиши керак?
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини Мусиқа дарсидаги моҳияти нималан иборат?
4. Мусиқа маданияти дарсларида қандай Мусиқа ўқитиш методларидан фойдаланиш лозим?
5. Мусиқа дарсларини илмийлиги ва замонавийлиги деганда нима назарда тутилади?

Таянч тушунчалар:

«Диапазон» - ашулачилар овозининг кенглиги.

«Тон» - аниқ баландликка эга бўлган товуш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Омонуллаев. «Ўзбек мактабларда Мусиқа таълими мазмунига бўлган замонавий талаблар» номли илмий иши. Т. 1990
2. Х.Нурматов, Қ.Мамиров. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури». Т. 1999.

15-мавзу. Дарсда халқ қўшиқлари (фольклор) намуналари устида ишлаш усуллари.

Режа:

- 1.Ўзбек халқ қўшиқлари ва дарсда улардан фойдаланиш.
- 2.Маросимлар билан боғлиқ фольклор қўшиқлардан дарсда фойдаланиш усуллари.
- 3.Дарсда чолғу куйлари(нодир ёзувлар)ва ўқитувчи ижросидан фойдаланиш.

Президент И.Каримовнинг 2010 йил 27 январда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган “Асосий мақсадимиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, ўзбек халқ қўшиқларидан (фольклор) лардан фойдаланиб мусиқа маданияти дарсларини ташкил этиш мақсадида малакали кадрлар тайёрлаш, мактаб, ўрта ва олий ўқув муассасалари таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида янгилаш, шунингдек, ушбу жараёни янада такомиллаштириш талаб этилади. Мусиқа барча санъатлар орасида энг таъсирчан ва энг оммавий санъат туридир. У ёш авлодга ғоявий – бадиий ва маънавий – маърифий тарбия бериш билан бирга эмоционал, эстетик ҳиссиёти фаоллаштиради, унинг ахлоқий эстетик қиёфасидан шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Шундай экан, ўқувчиларни мусикий маданий, ахлоқий ва эстетик тарбиялаб камолга етказиш учун мусиқа маданияти дарси асосий омил бўлиб етакчи ўринда туради. Мусиқа маданияти дарсларида ўзбек халқ қўшиқлари (фольклор) намуналари устида ишлашда қадимий ва бой меросга эга бўлган халқимизнинг фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқбол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу-умидлари ёрқин ифодасини топади. Шунингдек, ўзбек мусиқаси таълим – тарбияси услубиётига доир мукамал мактаблар шаклланган. Миллий анъанавий мусиқа педагогикасида қуйидаги мусиқа таълим – тарбияси услубиётлари мавжуд:

1. Оммавий халқ мусиқа педагогикаси. Бу халқнинг кундалик ҳаётида, оилавий маросим, меҳнат жараёни ва бошқаларда ўз ифодасини топиб, табиий равишда ва

беихтиёр амалга оширилиб борилади. Тўй-ҳашамларда, таъзияларда мусиқанинг оммавий жанрлари якка ва жамоавий тарзда ижро этилади. Шу жараёнда янги куй ҳамда кўшиқлар вужудга келади. Бу эса халқнинг бадиий – мусиқий ривожиди, мусиқа меросимизни бойитишда, айниқса йш авлодни – бадиий тарбиялашда бебаҳо омил ҳисобланади.

2. Касбий мусиқа таълими услубиёти мукаммал мактабга эга. Унинг амалиётида таълимнинг илмийлиги, давомийлиги ва изчиллиги мантиқан боғланган. Таълим мазмуни касб фазилати ва нафосати ҳамда шарқона ахлоқий тарбия туфайли бойдир. Бунда устоз-шогирд амалиётида устозни тажрибада эга эканлиги айниқса, моҳир ижрочилиги ва маънавий муҳим роль ўйнайди. Ёш санъаткорлар йиллар давомида мусиқани назарий ва амлий мукаммал ўргангандан сўнггина халқ хизматига бел боғлашга, устозлар оқ фотиҳасини олганлар. Касбий мусиқа устозлигида моҳир ижрочилар – чолғучилар - хлфалар, дostonхонлар ва мақомчилар етишиб чиқади. Айни ҳолда уларнинг кўпчилиги бастакорлар илмидан ҳам сабоқ олиб, мусиқа меросимизни бойитиб келмоқдалар. Халқ касбий мусиқа педагогикаси амалий ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини бойитувчидир.

3. Миллий мусулмон мактаблари ва мадрасаларида мусиқа фалсафа илоҳиёти ва адабиёт таълими билан уйғун тарзда боғланиб ўқитилади. Бу кўпроқ савод чиқариш ва Қуръони Карим сураларини қироат қилиш жараёнида якка, гуруҳли ва жамоавий талаффуз ифодалилиги ва мусиқий усулларни қўллаб иш олиб борилади.

- Болалар мусиқа фольклори деярли тадқиқ этилмаганлиги, тўпланмаганлиги ҳамда нашр этилмаганлиги, миллий болалар чолғу асбоблари яратилмаганлиги;

- Композитор ва бастакорларимиз асосан болалар кўшиқлари яратиш билан кифояланиб, кичик ва сюжетли чолғу ҳамда мусиқа сахна асарлари эса деярли яратилмаганлиги;

- Мусиқадан кам ва сифатсиз ўқитувчи кадрлар тайёрланганлиги, уларнинг умумий ҳамда миллий мусиқадан назарий ва амалий билим – малакаларнинг саёзлиги кабилар сабаб бўлди. Юқоридагиларнинг ҳар бири бугунги кунда долзарб муаммога айланди. Бу инқирози аҳволдан чиқишнинг ягона ва тўғри йўли мусиқа таълими – тарбиясини қайта қуришдан, мактабларнинг моддий услубий таъминотининг яхшилашдан ва ихтисосли кадрлар билан таъминлашдан

иборатдир. Токи муסיқа таълим – тарбияси “миллатни олий мақсадга чорловчи унинг вакиллари келажакда ишонч туйғусини уйғотувчи, яратувчилик ва бунёдкорлик фаолиятига кўмаклашувчи олий мақсади – маънавий маданиятимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўша олсин”.Муסיқа таълим – тарбиясининг янги Конституциясига асосан муסיқа таълим – тарбияси мақсади – ёш авлодни миллий муסיқа меросимизга ворислик қилиб, умумбашарий муסיқа бойлигининг идрок эта оладиган ҳамда кадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг муסיкий иқтидорини ривожлантириб, муסיқа санъатига меҳр ва иштиёқини ошириш, мусиқадан зарурий билим, амалий малакалар доирасини таркиб топтириш, иқтидорли ўқувчиларнинг муסיкий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш мактаб муסיқа таълим-тарбиясининг асосий вазифасидир.Мазкур олий мақсад ва вазифани амалга оширишда “Муסיқа” фанига ижтимоий ривожлантирувчи олим сифатида қараш, муаммоларни ҳал этишда кенг ўқитувчилар ижодига таяниш, муסיқа ўқитиш услубиётини ҳар томонлама имий-методик изланиш натижалари ва илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

Муסיқа таълим тарбияси Концепциясининг 3-боби “Муסיқа таълим-тарбиясида мазмуни, тузилиши ва табақаланиши” деб номланади. Муסיқа сабоғи тарбияловчи, шахснинг бадий тафаккурини шакллантирувчи таълим сифатида муҳимдир. Унинг воситасида нафосат ҳиссиётлари тарбиялаш билан бирга ёш авлодда олий инсоний фазилатларини таркиб топтириш назарда тутилади. Бунда миллий ва умумбашарий муסיқа таълимшунослиги ҳамда ўқитиш услубиётига таяниш лозим бўлади. Муסיқа таълим ва тарбияси мазмунида эса миллий муסיқа меросимиз асосий ўрин эгаллайди. Миллий мусиқамиз қонциятларга қиёслаб қардош халқлар ва умумбашарий муסיқа маданияти билан танишиш, яъни “таълимда умуминсоний ва миллий маданий қадриятларнинг устуворлиги”га амал қилиш муסיқа ўқитишнинг муҳим дидактик йўналиши ҳисобланади. Таълим жараёни 2 шаклда – дарс ва синфдан ташқари муסיкий машғулотлар тарзида амага оширилади. Ўқитишнинг асосий ҳамда барча ўқувчилар учун зарурий шакли муסיқа дарсларидир. Шу боис дарсда чолғу куйлари(нодир ёзувлар)ва ўқитувчи

ижросидан фойдаланиш тузилишлари ва ўқитиш усулларининг хилма-хил шакл турларини қўллаш ва тажриба жараёнида дарснинг янги тузилма, усулларини кашф этиш долзарб масала бўлиб туради. Бунда миллий ва Шарқ мусиқа таълимшунослигини ўрганиш, ундан унумли фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади ва Мусиқа таълими назарияси ва амалиёти илғор тажрибаларга таянади,

Таянч тушунчалар:

«Диапазон» - ашулачилар овозининг кенглиги.

«Тон» - аниқ баландликка эга бўлган товуш.

АДАБИЁТЛАР:

3. Д.Омонуллаев. «Ўзбек мактабларда Мусиқа таълими мазмунига бўлган замонавий талаблар» номли илмий иши. Т. 1990
4. Х.Нурматов, Қ.Мамиров. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури». Т. 1999.

16-мавзу. Дарс ва синфдан ташқари анъанавий касбий мусиқа намуналари(мақом, ашула,достон ва б.)устида ишлаш усуллари.

Режа:

- 1.Ананавий касбий мусиқа намуналарини тинглаш.
- 2.Мақом ва мумтоз ашулалар билан ўқувчиларни таништириш усуллари.
- 3.Достон,Бухорча,Мавриги қўшиқ намуналари билан ўқувчиларни ошно қилиш

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон миллий Консерваторияси янги биносини очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Одамзод ёзиш- чизишни , ўқишни билмаслиги мумкин, шубҳа йўқки, гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади” – деган эдилар. “Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушунтириш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимани кераги йўқ” – деб фикр билдирганлар. Бинобарин, бу ҳаётбахш мусиқа санъатидан баркамол авлодни шакллантириш уларни етук инсонлар қилиб етиштиришда унумли фойдаланиш зарур. Дунё халқларининг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари маҳсулини маълум қирраси сифатида шаклланган мусикий мерослари мавжуд. Ҳар бир миллат ёки халқ ўз мусиқа санъатини ўрганиш, унда маънавий озуқа олиши, завқланиши билан бирга бошқа халқлар мусикаси билан танишиб, уларнинг асарлари ҳақида эга бўлса – ю ўз миллий санъатини яхшироқ англаши ва қадрлаши ҳам мумкин.

Санъат турлари кўп. Уларнинг ҳар бирида оламнинг маънавий гўзалликлари мужассамлашган. Ёш авлодни ҳар бир санъат, жумладан мусиқа санъати билан

ошно қилишда ўз миллий санъати (муסיқасини) қардош халқлар муסיқаси билан қиёслаб ўрганишнинг аҳамияти катта.

Биз шунинг учун ишимиз мавзусини ана шу долзарб мавзуга бағишладик. Ҳар бир конкрет асар билан танишишда унинг ўзига хос хусусиятлари, жанр, шакл, мавзу ва миллий жило хусусиятларини таққослаш асосида кўпинча умумий ва фарқли хусусиятларни аниқлаш, шунингдек муסיқий дидни ривожлантиришга эришиш мумкин. Биз аввалло муסיқий амалиёт турларининг етакчи чолғу ва вокал кўринишларини кўриб ўтиб имкон даражасида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Муסיқа санъатида иккита асосий ижро йўналишлари мавжуд. Булар вокал яъни хонандалик ва чолғу ижрочилигидир. Узоқ йиллардан бери тахминан XV-асрларгача дунёда вокал айтиш санъати етакчилик қилиб, чолғумуסיқаси асосан унга жўр бўлиш вазифасини бажариб келди. Аста-секинлик билан чолғу муסיқасида ҳам бадий-эстетик ифода воситаларининг кучая бориши сабабли чолғу муסיқаси мустақил жанрлар тарзида дунёвий муסיқа асарларига айланиб инсонлар ҳаётида улкан тарбиявий рол ўйнай бошлади. Оврўпо халқларида ҳам чолғу муסיқаси черков доирасидан чиқиб, опера ва бошқа сахна асарлари, шунингдек симфония, соната, концерт, вариация, пьеса ва бошқа шакллардаги асарлар сифатида намоён бўлди. Й.Гайдн ижодида эса симфония ёки симфоник муסיқа анча баланд чўққига кўтарилиб, муסיқий фикрлашнинг етакчи воситаларидан бирига айланди.

Муסיқа таълими ва тарбиясида чолғу муסיқасининг сўз (шеър)и бўлмаганлиги сабабли уни тушиниш ва мазмунини англаш бир мунча қийин эканлиги сабабли чолғу муסיқасини ўрганиш, уни ижро этиш, мазмунини тингловчига етказиш ва натижада тингловчиларнинг ундан маънавий озуқа олишларини таъминлаш зарурати кўпроқ сезилади. Шуларни назарда тутиб, чолғу муסיқа асарларини турли муסיқа ўқув даргоҳларида ўрганиш (яъни, чолғу ижрочилигини шакллантириш) ҳамда болалар боғчасидан бошлаб, умумий таълим мактабигача муסיқа тинглаш фаолиятини такомиллаштириш иши давом этмоқда. Бу борада бир қанча педагог ва олимлар – Д.Омонуллаева, Қ.Мамиров, Ҳ.Нурматов, О.Иброҳимов ва бошқалар анчагина илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар бу ишларнинг натижаси мақолалар, дарсликлар, методик қўлланмалар ва бошқа муסיқий таълимий адабиётларда ҳам ўз аксини топган.

Аммо, чолғу муסיқасини ўрганиш ва ўзлаштириш (муסיқа мактабларида), чолғу муסיқа асарларидан руҳланиш уларнинг кучли эмоционал таъсири асосида бадий-эстетик тарбияланиш (мактабгача ва мактабдаги муסיқа дарсларида) ҳали ҳам тўла-тўқис илмий асосланган ва бу ишларнинг методикаси узил-кесил ишланган деб бўлмайди.

Миллий муסיқамизда асосан муסיқий мерос яъни халқ муסיқа ижодиётининг икки қатлами мавжуд. Улар турли ҳаётий вазиятлар яъни, маиший ҳаёт жараёнини акс эттирадиган меҳнат, севги (лирик), ҳазил, урф-одат, маросимлар билан боғлиқ халқ кўшиқ ва чолғу куйлари, муסיқий фольклор намуналари ҳамда иккинчи мураккаброқ қатлам мақолалар, мумтоз куй ва ашулалар, катта ашулулар ҳамда дostonлардан иборатдир.

Булар асосан Республикамиз вилоятларида 4 асосий маҳаллий, муסיқий услубларга бўлинади.

Адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларида, хусусан мавжуд муסיқий адабиётларда услуб сўзи ҳар хил маъноларда қўлланиб турилиши маълум. Булардан бир ҳолларда унинг кенг, умумлашма, бошқаларда эса ҳийла тор, ёки кўчма маъно ва мазмунлари қайд қилинади. Таъкидлаш лозимки, услуб атамаси ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан, турлича идрок этилса – да айти пайтда у ўзаро яқин, муштарак тушунчаларни англатиши мумкин. Демак, аввало бу масалага ойдинлик киритиш зарур.

Услуб сўзи ёрдамида аввало, бир мунча кенг, аниқроғи – йиғма маънода жаҳон халқлари муסיқа санъатига хос умум миллий ёки муайян минтакавий хусусиятлар табиати ифодаланди. Бунга жумладан, “шарқона муסיқий услуб”, “оврўпача муסיқа услуби” каби иборалар яққол мисол бўла олади. Бошқа барча бадий ижодиёт кўринишлари мисоли, муסיқада ҳам миллий ўзига хосликка айтан услуб атамаси ёрдамида қисқа ва лўнда тавсиф берилади.

Муסיқий асарларнинг ички тузилиш қонуниятлари бу масалада янада муҳимроқ аҳамият касб этади, яъни асосий воситаларнинг ўзаро белгиловчи мезонлардан у ёки бу услуб аниқланади. Хусусан, “бир овозли” ёки “монодик”, “кўп овозли”, жумладан, “гармоник”, “полифоник”, “гомофоник” услублар шу лар тоифасига киради. Йирик ижодий йўналиш ва оқимлар масалан, “классизм”, “романтизм”, “инпересионизм”, “реализм” ва бошқалар ҳам услубий тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Услуб сўзи яна бастакор, композитор, хонанда ва созандалар фаолиятини ижодий жиҳатдан чуқурроқ ёритиш мақсадида ишлатилади. Айтганча, у бирорта машҳур санъаткорнинг ижодий қиёфасини унинг фарқли, бетакрор чизги – қирраларини таҳлил ёки қиёс ила кўрсатишда баҳоли қудрат хизмат қилади. Шунингдек, “Чолғу услуби”, “Мақом услуби”, “Ёввойи”, ёки “Патнисаки услуб”, “бадиҳа услуби”, “замонавий услуб” сингари ранг-баранг маъноларни билдирувчи ҳолларни кундалик ўқув-назарий ва амалий истеъмолида тез-тез учратиш мумкин.

Буларнинг орасида ҳозирга қадар кўлами жҳатдан бир мунча кенглиги тарихан қадимийлиги, хусусиятлари бўйича беназир, бетакрорлиги билан асосан тўртта маҳаллий услуб тавсиф ила алоҳида-алоҳида ажратилган бўлиб, ўзбек муסיқашунослигига нисбатан атрофлича ўрганилган. Уларнинг ҳар бири муайян ҳудуд номи билан яъни Тошкент-Фарғона, Бухоро-Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий услублари, - деб юриталид.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек халқ муסיқасининг ривожланишида мазкур маҳаллий услубларнинг келиб чиқиши, жуда кўп нарсаларга боғлиқ бўлган. Шу жумладан, миллатимиз шаклланишининг тарихан узун жараёнида серуруғ ва кўп қабилали туркий тилли қадимий қавмларнинг ўзаро бирикиб кетганлиги, халқ ҳаётининг узоқ-яқин ўтмишга рўй берган тарих шумул аҳамиятига молик катта ижтимоий-сиёсий воқеъликлар (масалан, ҳозирги Ўзбекистон воҳаларининг давлатчилик нуқтаи-назаридан қадимги замон ва ўрта асрларда бир қатор катта-кичик подшоликлар, салтанатлар, хонлик ва амирликларга киргани ёки ичидан бўлиниб кетгани), ер аҳолининг турмуш тарзи, қишлоқ ва шаҳар маданиятининг ўзаро ўзгариб турган мувозанатлари, деҳқончилик, боғбончилик, чорвачилик, касб-ҳунармандчилигининг ўрни, иқтисодий ҳамда ички ва ташқи савдо-сотик ишларининг ривож даражаси, бошқа миллат ва элатлар билан ўрнатилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалари яқин кўни-қўшничиликнинг ўзаро

таъсири аҳамиятлидир. Ўзига хос маҳаллий хусусиятлар маросим-маиший муסיқасида ҳам номаросим куй-қўшиқчилликда ҳам, бастакорлик ва дostonчилик ижодида ҳам бевосита намоён бўлади. Анъанавий услублар заминида битилган ҳозирги замон асарларида ҳам бу хислатлар, озми-кўпми, ҳамон намоён бўлиши мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилиб, асрлар оша бизгача етиб келган, ардоқли муסיқа меросимизнинг бундай сифат кўрсаткичи ва фазилатлари ўзбек халқининг битмас-туганмас, бепоён ижодий салоҳияти, юксак бадиий диди ва терак тафаккуридан яққол далолат бериш табиийдир. Зеро, мозийдан шу кунга қадар маҳаллий санъат аҳли анъанавий ижодиётнинг шакл ва навларини тобора такомиллаштириб, унинг бадиий баркамол Фарғона водийси – Тошкентнинг бастакорлар ижодкорлигига молик мисоллари ҳам ҳажман катталиги, тузилиши нисбатан мураккаблиги баъзида услубан мутлоқ ноёблиги билан ажралиб туради. Табиийки, муסיқа ижрочилигимизнинг касбий мезонлари ҳам юқори даражада. Бу ўринда айниқса, катта ашула “миллий-маҳаллий жанр” га ёрқин намуна бўла олади.

Ўзбек миллий чолғуларидан эса дутор, танбур, сато, ғижжак, қашқар рубоби, най, қўш най, сурнай, карнай, нағор, доира (чилдирма, чирманда) кабилар жуда кенг қўлланиб келинган.

Фарғона-Тошкент мақом намуналари ўзларининг халқчил, шинавандабop, халқ ашулаларига яқинлигидан далолат берувчи бир қатор хислатлари билан таърифланади. Ўзбек тингловчилари орасида сурнай мақом йўллари, “Ёввойи” ёки “Патнисаки” мақом ашулалари, мумтоз чолғу куй ҳамда уларнинг ноёб ижрочилик санъати билан айнан шу ҳудуднинг салоҳиятли муסיқа маданиятига хосдир.

Бухоро – Самарқанд маҳаллий – муסיқий услуби.

Ўрта Осиёнинг энг қадимий маданий марказларидан бўлган Самарқанд ва Бухоронинг муסיқий-услубий хусусиятлари биров ўзгачадир. Жумладан, Зарафшон водийси ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли муסיқа меросида фольор ҳамда касбий ижодиёт қатламарининг шакл, жанр ва ички услублари бир-бирларидан кескинроқ ажралиб туриши кузатилади.

Асл маънодаги муסיқа санъати намоёндалари-бастакорлар, ҳфиз ва созандалар, муסיқа оимлари, улар қаторидан ўз вақтида саройда хизмат қилганлари бутун ўлкамизда жуда катта обрў ва мавқейга эга бўлганлар. Улар мумтоз ашула ва куй, мақом ва бошқа ривожланган шакллардаги муסיқа намуналарининг ижодкорларидир. Хассос ижрочи ва билимдон назариётчилардан бир қанчаси эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё, ислом шарқи бўйлаб шуҳрат қозонганлар.

Санъатчи аёллар билан “созандалар” номли ижодий гуруҳлар фаолияти шу воҳа маданиятининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Гуруҳ иштирокчилари маҳаллий-анъанавий муסיқа ҳамда жозибали рақсларнинг моҳир ижрочилари сифатида омма орасига кенг танилган. Муסיқанинг куй оҳанглари ҳам усуллари табиатида, мавжуд муסיқий чолғулари ва улардан ижрочиликда сезиларли даражада ўз аксини топади.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кўпроқ шеърый-бадиҳали услубдага мойилдир. Хоразмда эса дostonлар муסיқий жиҳатдан ифодалироқ табиати, шаклан ривожланган халқчил куй ва номалари билан фарқ қилади. Узоқ

ўтмишда кўбиз, кейинчалик дўмбира жўрлигида дostonлар айтилгани маълум. Сўнгги замонларда дутор, баъзида Озарбайжон тори, ёки таркибида асосан ғижжак, дутор, буламон ва дойрадан иборат ихчам анъанавий ансамбл иштирокида дoston айтиш бу ерда одат тусига кирган. Хоразмда қўлланилган миллий мусиқа чолғулари ҳам айрим ўзгача хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан, буламон республикамизнинг фақат ушбу вилоятида ҳам яқин қўшни ҳудудларда тарқалган. Маҳаллий сурнайнинг ҳам ўзгачароқ янграши ва тузилиши маълум. Тахминан, XIX иккинчи ярмидан то бугунгача Хоразмда гармон сози кенг ўлланилиб келмоқда. Аммо, айтиш чоғда бу вилоятда қадимги дўмбира мутлақо амалиётдан чиқиб кетган. “Халфа” номли аёллар ижодий гуруҳларнинг ноёб ижро бисоти ҳам худди шу ўлка маҳаллий услубининг ўзига хос аломатларидан биридир.

Кавказ халқларининг “тор” номли энг ашхур чолғуси XX асрнинг бошларида ўз имкониятлари бўйича ўзбек созандагарига жуда маъқул келди. Бу жарангдор чолғу замонавий кўшиқ ва ашула ижрочилиги жўрилигида даст аввал Хоразмда қўлланила бошланган.

Яна бир қатор миллий мусиқа асбобларининг тузилишида уларнинг анъанавий ижрочилик йўлларида ҳам ўзгача ҳолатга дуч келиш мумкин. Масалан, дутор косахонасининг ҳажми нисбатан кичиклиги дастаси биров ингичкароқ ва калтароқлиги билан Фарғона водийси ва Тошкентда расм бўлган анъанавий дутордан фарқ қилади. Маҳаллий анъанавий дутор ижрочилигининг касбий жумладан, соф чолғу ёки мақомга мос чалиш услублари ҳам муайян муштараклиги ҳақида ўзаро бир мунча фарқланади.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Хоразм воҳасининг мусиқий услубида қорақалпоқ, туркман айрим кавказ халқлари, алқисса аجدодларимиз томонидан асрлар давоида яратилиб замонлар оша бизгача етиб келган бой мусиқа меросимизнинг турфа, ноёб, услубан ўзига хос ва ўзига мос табиати – унинг жуда қадимийлигидан, кучли ва битмас-туганмас салоҳият сарчашмаларидан далолат беради. Шунингдек, булар халқимизнинг ҳар қанча фахрланишига арзигулик улкан ва бебаҳо маданий-маънавий хазинасидир.

Мумтоз мусиқанинг умумназарий масалалари.

Маълумки, миллий мусиқа меросимиз серқатлам, сернав ва ранго-ранг услуби ижодкорлик ҳамда унинг ижрочилигига оид жабҳаларидан ташкил топади. Ушбу жабҳаларнинг фарқли туб хусусият ва қонуниятларининг ҳисоба олган ҳолда, меросимизни шартли равишда икки йирик қатлам (шаҳобча) га ажратиш асослидир.

Булардан бири ўзбек мусиқа фольлори бўлиб азалий, қуйи қатлам (ёки шаҳобча) ҳисобланади. У том маънода росмана халқ мусиқий ижодиётининг барча шакл, жанр ва оқимларини ўз ичига қамраб олади. Янада кенгроқ қамровда назар ташлаганда эса миллий мусиқа фольклори ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида гавдаланди.

Ўзбек мусиқа меросининг яна бир қатлами (ёки шаҳобчаси) ҳозирда кўпроқ “касбий” номда юритилмоқда.

Мазкур атамани бевосита ўқув истеъмолига киритишдан аввал республикамиз мусиқашунослик илм- фанида бошқа ҳар-хил номлардан фойдаланиб кўриш йўлида кўп йиллик тажриба тўпланди. Ҳозирда улардан бир қанчаси эскирди, ҳатто унитилиб юборилди, айримлари эса хануз қўлланилиб келинмоқда.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

8. Дмитриева Л. Г., Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе.- М., 1989.
9. Гуломов А.К. Ўқитиш принциплари ва методлари. -Т., 1992.
- 10.Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқувқўлланма)-Т., 1990.
- 11.Телчарова Р.А. Уроки музыкальной культуры. -М., 1991.
- 12.Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) -Т., 1998.
- 13.Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.
- 14.Ҳасанов А. Мусиқа ва тарбия. -Т., 1993.

17-мавзу.Мактаб мусиқа репертуарини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва усуллари.

Режа:

- 1.Мактаб кўшиқ репертуарини назарий таҳлил қилиш.
- 2.Тинглаш репертуари таҳлили,ёзув ва жонли ижро.
- 3.Мусиқа репертуарини транспозиция ва транскрипция қилиб ўрганишнинг аҳамияти ва усуллари.

Кўшиқларни назарий таҳлил қилиш ва шу асосда ижро талабларини ўқувчиларга тушунтириш кўшиқ ўргатиш ва куйлатиш фаолиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Кўшиқнинг ифодавий воситалари, шакли ижро динамикаси, жумлаларнинг чегараси (цезура ёки нафас олиш жойлари) ва бошқа таркибий тузилиш хусусиятлари кўшиқни тушиниб бадий ижро этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Таҳлил 6-синф дарслигида тинглаш ва куйлаш учун берилган (26- бет) Шарқ таронаси (фестивал мадҳияси) дан бошлаймиз. Усмон Азим шеъри, Д.Омонуллаева мусиқаси.

Кўшиқ банд (куплет) ва нақарот асосида куйланади. Унинг бошланишида 4/4 ўлчови билан 2 такт диққатни жалб этадиган кучли (форте f) билан Ми мажорнинг тоникаси учтовушлигига юқоридан 2-октава ми нотаси кўшилганаккорд шаклида бутун ноталарни лига билан бирлштириш усулида чўзилиб туриладиган ўзига хос кириш аккорди янграйди. Ундан кейин 8 такт марш характеридаги чолғу муқаддима ижро этилади. Бунда чоракталик, саккизталик ва 16 талик ноталар алмашиб келади. Ўзбек мусиқасига хос фаршлаглар, триол учрайди. Чолғу муқаддима ми мажор тонлиги (ионий лади) да ёзилган. Орада яна икки такт боғловчи чолғу оҳанг сифатида 4 та лигато билан бирлаштирилган яримталиқ ноталар янграйди.

Кўшиқнинг бошланиши mf яъни нисбатан кучлироқ товуш асосида ля минор (дорий ладида) келади. Ля минорда фа диезрим тон кўтарилган 6-

босқич бу дорий минор ладининг хусусиятидир. Қўшиқнинг оҳангида нуқталик ноталардан кейин 16 талик ноталарнинг ишлатилиши унинг маршига ўхшаш характерида дарак бериб туради. Умумий диапазон чолғу муқаддимани ҳисобга олмаган ҳолда, си кичик ва ре иккинчи октавани ўз ичига олади.

Шўх қизалок

Пўлат Мўмин шеъри

Д.Омонуллаева мусиқаси

Қўшиқ Allegretto – нисбатан тезроқ суръатда ижро этилади. Унинг тоналлиги фа мажор (ионий лади). Калит ёнида си бемол белгиси бор. Ўлчов нисбатан кам учрайдиган 7/8, яъни бир такт ичида 7 та 8 талик нота ҳисобига тенг ноталар ишлатилади. Қўшиқнинг нота ёзуви “Ўзбекистон ватанм маним” китобидан олинди. Бошланишида 6 такт фортепиано жўрлигига мўлжалланган чолғу муқаддима бор. Ҳар бир жумла тахминан икки тактга тўғри келади. Куйлаганда ўртача чуқурликда нафас олишни талаб этади. Биринчи ва иккинчи, шунингдек учинчи ва тўртинчи жумлалар реприза орқали такрорлади. Умумий куйлаш диапазони до-си яъни катта септима интервалини ташкил этади.

Нишолдо

Рауф Толиб шеъри

Д.Омонуллаева мусиқаси

Қўшиқ кувноқ, тезроқ суръатда ижро этилади. Унинг тоналлиги ре мажор (ионий лади). Ўлчови 4/4 яъни бир такт ичида 4 та чоракталик ҳисобига тўғри келадиган ноталар жойлашади. Аксарият жумлалар бир такт ичидаги оҳангга тўғри келади.

Жумлалар орасидаги паузалар (цезура) пайтида нафас олинади. Қўшиқнинг диапазони до биринчи ва ре иккинчи октавани ўз ичига олади. У икки банд ва нақаротдан иборат. Мавзуси эса болалар яхши кўрадиган ширин нишолда таърифига қаратилган.

Композиторлар яратган қўшиқларни ўрганиш ва куйлаш учун ўқувчилар билан суҳбат қилиб, қўшиқнинг бадиий, ғоявий мазмуни ҳақида қисқа тушунчалар бериш лозим. Бунда қўшиқнинг мавзуси ва у билан боғлиқ мазмун, яъни қўшиқнинг шеъри матнида нималар ҳақида фикр юритилиши. Айрим кўзларнинг маъносини тушунтириш зарур. Чунки ўқувчилар, айниқса кичик ёшдаги болалар қўшиқ матнини ўқиб мустақил тушуниб олишлари қийинроқ бўлади.

Қўшиқни куйлаб кўрсатгандан кейин, унинг матнидан келиб чиқиб саволлар бериш ва олинган жавобларни тўлдириб якунлаш уни ўрганиш ва куйлашни анча тезлаштиради.

Масалан “**Дилоромнинг қўшиғи**” асарида ёш қизнинг санъат, хонандалик ва ижрочиликка қизиқиш, қўшиқни ҳамма севиши, санъатдан хабардор киши ҳурматли ва ҳаммага ёқадиган бўлиши ҳақида гап боради. Бу маълум маънода касбга йўналтиришга ҳам имкон беради.

“Ватанжоним ватаним” кўшиғида Ўзбекистонимизнинг иқлими ҳам, гўзаллиги ҳам, онамиздек ардоқли эканлиги ҳам бизга зўр қувонч ва ғурур бахш этиши ҳақида гапирилади.

“Бувижоним” кўшиғи бувижонларнинг набираларга чексиз меҳрибонлиги, уларнидоим кўриб тургилари келиши, эртақлар айтиб эркалатиб туришлари, набиранинг ҳам бахтимга омон бўлинг деб миннатдорчилик билдириши ҳақида яратилган.

Болалар оилада, боғчада, мактабда, радио ва телевидение каби оммавий ахборот воситалари орқали доимо мусиқа тинглайдилар. Аммо катта оқимдаги турли мусиқа асарларини тинглаб, уларда маънавий завқ олиш болалар учун анча қийин. Шу боис ўқувчиларга айниқса биринчи йил мактабга келган болаларга санъат асарлари билан танишиш, уни англаб идрок қилишга катталар, мактабда ўқитувчининг ёрдами керак бўлади.

Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:

1. Гуломов А.К. Ўқитиш принциплари ва методлари. -Т., 1992.
2. Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси (мусиқа-педагогика факултетлари студентлари учун ўқувқўлланма)-Т., 1990.
3. Телчарова Р.А. Уроки музыкальной культуры. -М., 1991.
4. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар) -Т., 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992, 25-ноябр.

18-мавзу. Дарсда ўқувчиларни баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш усуллари.

Режа:

1. Дарсда ўқувчиларни ижросини баҳолашнинг аҳамияти..
2. Баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш усуллари.
3. Ўқувчиларни баҳолашда уларнинг табиий мусиқий қобилиятларини ҳисобга олиш.

Мусиқа ўқитиш маданияти дарсларида ўрганган кўшиқлар матнини ёддан билса, кўшиқларни куйлашда нафас олиш қоидаларини билса, сўзларни тўғри талаффуз этса, кўшиқ темпини бузмаса, кўшиқнинг динамикасини бузмаса ва бақрмасдан ичро этган ўқувчилар аъло баҳо билан баҳоланади. Бундай шартларни бажарган ўқувчилар яъне аълочи ўқувчилар орасида турли кўрик танловлар ўтказиш ва уларни шаҳар, вилоят ва республика босқичларига иштирокини ташкил этиш бу мусиқа ўқитувчиси олдида қўйилган асосий талаблардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари турли хил тўғарақлар ташкил этиб юқоридаги шартларга тўлиқ жавоб бера оладиган ўқувчилар учун алоҳида гуруҳ тузиб, бўш ўзлаштирадиган ўқувчилар учун алоҳида гуруҳ тузиши лозим. Баҳолаш

меъзонларини ишлаб чиқиш бу ҳам мусиқа ўқитувчиси зиммасидаги иш ҳисобланади. Бунда мусиқа ўқитувчиси куйидаги шартлар асосида баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиши керак. Куйлаш вақтида нафасни тўғри олиш яъне узун жумлаларни куйлаш чуқурроқ нафас олиш қисқа жумла учун қисқа нафас олиш, унли ва ундош товушларни куйлашда оғиз ва лаб ҳаракатларини тўғри бажариш. Қўшиқни ўлчовига қараб шошилмасдан ва бақирмасдан тиниқ овозда куйлаш. Жамоа бўлиб куйлашда ўртоғини тинглаб тезлашиб ҳам кетмай олдинлашиб ҳам кетмаслик. Асарнинг динамикасига асосий эътиборни қаратиш яъне форте ва пиано юмшоқ ва қаттиқ, узун ва қисқа, баланд ва паст товушларни диққат билан тинглаб куйлаш. Баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқишда асосан мана шу қоидаларга риоя қилган ҳолда тузиш лозим. Ўқувчиларни баҳолашда уларнинг мусиқий қобилиятини ҳисобга олиш ва аниқлашда авваломбор мусиқа ўқитувчиси биринчи дарсданок буддай ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши лозим. Бундай ўқувчиларга бошқа ўқувчиларга нисбаттан кўпроқ мусиқий топшириқлар бериш ва имконитларига қараб турли мактабдан ташқари мавзу ва қўшиқлар куйлаши билан баҳоланади буларни барчасига мисол қилиб мусиқа маданияти дарсларида фолклорнинг дostonчилик намуналаридан фойдаланиш, дoston қўшиқларидан тинглаш ўқувчиларда тарихий қаҳрамонлар ва уларнинг жасорати яққол тасаввур қилишга имкон берувчи муҳим воситадир.

Ўзбек халқининг эстетик диди, юксак туйғулари ва маънавиятининг шаклланиб ривож топишида – мумтоз ашулаларнинг ўрни бекиёсдир. Яхши ашулалар асосан яхши шеър, нодир ғазаллар туфайли вужудга келади. Яхши ашула мумтоз куй ва қўшиқлар инсоннинг юксак идеалларига айланади. Мумтоз қўшиқлар яратилган А.Навоий ғазаллари ёшлар учун – севги муҳаббат, фидойилик ва садоқатнинг ҳақиқий рамзига айланган. Айниқса уларнинг қаламига мансуб “Ўн саккиз ёшимдадур”, “Мубтало бўлдим санга”, “Ул сарви гулрў келмади”, “Шитоб айлаб”, “Қўшчинор”, “Насруллои”, “Не ажаб” каби ўнлаб мумтоз ашулалар куйлар, оҳанглар, қанотида юракларнинг энг нозик қалб торларига тегиб ўтади.

Мусиқа дарсларида халқ мусиқа асбобларининг тарбиявий имкониятларидан кенг тарзда фойдаланиш жуда ҳам муҳимдир. Рубоб, ғижжак, дутор, чанг, доира ва бошқа миллий мусиқа асбобларининг турли-туман ғазал жаранглаши дарс мазмунини бойитади. Ўқувчилар айниқса халқ куйларидаги ижро гўзаллигини, миллий мусиқамизга хос бўлган бетакрор оҳанглар, усуллар, нолаю, қочиримлар каби мусиқанинг чинакам нафосатини чуқур ҳис этадилар.

Ёш мусиқа шинавандаларида аста-секин мусиқий тасаввурлар бойиб боради. Ўзлари севган бастакорлар, хонандаю, созандалар, қўшиқлар репертуари шакллана бошлайди. Бу ўз навбатида, ўқувчиларда эстетик дид мусиқий ўқув қобилият ва ижодкорлик каби сифатлар ўсиб боришига ёрдам беради. Шахс бадий –эстетик дидини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни бекиёсдир. Мусиқа бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ, у инсоннинг энг нозик туйғуларини, хис-ҳаяжонини инсон миясидаги бой эмоция захираларини ишга солишга қодирдир.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма асарлар ҳам, кўшиқлар ҳам инсоннинг бу сирли оламини ларзага солавермайди. Буюк муסיқашунос алломаларининг таъкидлашларича, муסיқа инсон кайфиятини чоғ қила олувчи, уни кулдирувчи, йиғлатувчи ва уни ухлатиб кўювчи ҳиссий таъсир кучига эга бўлган мўжизали воситадир.

Замонамизнинг забардаст олими М.Хайруллаевнинг ёзишича “Кунлардан бир кун Фаробий, Соҳиб Обод шарафига берилган базмга кириб борибди. Ҳақ ким уни танимас экан. Фаробий базмга кириб, бир чеккада жим ўтирибди. Чамаси бирор соат ўтгандан сўнг муסיқа асбобини кўлга олиб ажойиб бир куй чала бошлабди, куйнинг биринчи қисмини чалганда атрофдагиларнинг ҳаммаси ниҳоятда хурсанд, кайфиятлари чоғ бўлибди. Куйнинг иккинчи қисмини эшитиб маънос ҳолатга тушибдилар, йиғлаб кўз ёши тўка бошлабдилар. Куйнинг учинчи қисми ижро этилганда, ҳаммалари ҳаяжонга тушибдилар, сўнгра ухлаб қолибдилар. Шунда меҳмон чолғу асбобининг дастасига: “Фаробий келди, шу ерда бўлди ва кетди” – деб ёзиб кетди.”

Мумтоз сўзининг маъноси ҳам нодир, танланган салоҳиятли маъносини беради бундай кўшиқларни ўрганиш ўқитувчиларни ҳам ўз кайфиятига мослаштиради. Босиқ, салобатли, мазмунли, дид фаросатли инсон бўлишга ундайди. Айни пайтда кувноқликнинг ҳам меъёрини биладиган бачканаликдан йироқ бўлишга шарт-шароит яратади. Шу жиҳатдан халқ муסיқаси дарсларида миллий муסיқа асбобларидан фойдаланишни таъминлайди. Болаларда муסיқа санъатига муҳаббат уйғотади. Эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Муסיқий тассуротларни тарбиялайди, муסיқий таассуротларни кенгайтиради. Ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Муסיқа маданияти дарсларининг якунловчи босқичи (7синф) дан кейин ўқувчиларнинг муסיқа таълимидан олган билим ва кўникма малакалари доираси ҳақида дастурда куйидаги талаблар кўрсатилган:

- ҳар бир маҳаллий услубда ўзига хос ижрочилик услублари ва чолғу асбобларини билиш;
- Фарғона Тошкент, Самарқанд-Бухоро, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм ижрочилик услублари хусусиятлари, машҳур жанрлари (достон, катта ашула, яллачилик) ни билиш, уларнинг машҳур ижрочиларини;
- Мақом ҳақида тушунча, ўзбек мақомлари ва уларнинг асосий туркумлари шашмақом, унинг чолғу ашула йўллари, Фарғона – Тошкент мақомлари, Хоразм мақомлари, чолғу ва айтиш йўлларини билиш;
- Ўзбекистон ҳудудида мумтоз муסיқанинг кўп тармоқли ва маҳаллий анъаналарга эга эканлиги. Маҳаллий муסיқий анъаналарга замонавий муסיқа, бастакорлик ва композиторлик ижоди соҳасида намоён бўлишини билиш.

- Икки овозли кўшиқларни соф оҳангда куйлаш мажор учтовушлигидан, минор учтовушлигига мустақил куйлаб ўта билиш;
- Куйлашда форте ва пиано динамик тусларини бажариш, ўзи ва ўртоқлари ижро этган кўшиқларнинг ижрочилик савияси ва бадиий сифатини баҳолай билиш;
- Машҳур кўшиқ ва ашулалар, ёр-ёрлар ҳамда ушшоқларнинг маҳаллий услуб вариантларини тинглаб ажрата олиш;
- Куйлаш ва тинглаш маданиятига эга бўлиш;
- Мусиқа нақадар қадимий санъат эканлиги ўзбек халқ мусиқасининг илдизлари узоқ даврлар тақалиб, асрлар йиллар давомида сайқал топиб ривожланиб келганлиги боис халқимизнинг бой маданиятини, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиришини ва ниҳоят ўзбек миллий мусиқамиз умумбашарий жаҳон мусиқа маданиятининг ажралмас бир бўлаги эканлигини тасаввур қила олиш;

Давлат таълим стандартлари талабларига асосан назарда тутилган билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишда ҳар бир фаолият тури учун мусиқий репертуар танлаш ва бу репертуарни методик жиҳатдан пухта ўйлаб амалга ошириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Таълим ва тарбия бирлиги яъни таълим материали асосида ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш, дарс ва синфдан ташқари мусиқий ишларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўқитувчи Давлат Таълим Стандартлари асосида вужудга келган мусиқа маданияти дарслари дастурини синчиклаб ўрганиши ва ундаги кўрсатилган талабларни реал шароитга мос келишини тўғри тасаввур қила олиши лозим. Баъзан дастурда кўрсатилган меъёрларга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар етишмаслиги мумкин.

Масалан, дастур ва дарсликларда тинглаш учун тавсия этилган кўпгина асарлар уларнинг ижро хусусиятларига кўча, ўқитувчи ижроси доирасидан чиқадиган бўлса, яъни улар техника воситалари ёрдамида тингланадиган бўлса, мактабда аудио ва видео материалларидан фойдаланиш воситалари бўлиши шарт, аммо аксарият мактабларда бундай шароитлар мавжуд эмас, ёки ҳамма учун зарур бўлган мусиқа дарсликлари биринчи синфда бир неча ўқувчиларда мавжуд бўлиб, кўпгина ўқувчиларда дарсликларнинг бўлмагани ва шунга ўхшаш нарсалар дастурда берилган репертуардан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди. Яна бир омилни олиб кўрадиган бўлсак, бу тавсия этилганва дарсликларга киритилган янги кўшиқларнинг ўқувчилар диди ва ижро имкониятига мос келиши бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим стандарт талабларини маълум даражада амалга оширишда ва омилнинг етарли салмоғи бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда тавсия этилган кўшиқларнинг матни мусиқий материали ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларига мос келиши ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Мусиқа тарбияси методикаси курсида кўшиқ репертуарни ва қисман тинглаш

репертуарини аввало бир неча йил давомида синаб кўрадиган асарлардан танлаб олиш. Бу муסיқий материалларнинг мавзу ва характерлари хилма-хил бўлиши ва тарбиянинг турли томонлари (ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний, ақлий в. х) ни қамраб олиши кўрсатилган.

Шундай қилиб муסיқа дарсларининг самарадорлигини оширишда тавсия этилган муסיқий материаллардан ташқари ўқитувчини ўзининг ҳам ташаббускорлиги, топқирлиги, муסיқий –эстетик диди маълум ижобий аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент. : “Маънавият” 2008 йил.
2. “Ўзбек халқ муסיқаси 1-4 жилдлар” тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. Тошкент. Ғ.Ғулом нашриёти. 53-57 бетлар.
3. “Шашмақом” 6 жилддан иборат. “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Ирок”. Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти. 1966 йил.
4. “Мақомлар масаласига доир” И.Ражабов. Тошкент. 1963 йил.
5. “Ашула дарслари методикаси” Э.А.Гудкова, А.В.Васильева. Тошкент. 1973 йил.

19-авзу: Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларида муסיқа таълими ва тарбиясининг ривожланиши

Режа:

1. Умумий таълим мактабларида Мусиқа ўқитувчиларининг янги дастур бўйича иш фаолияти.
2. Мусиқа ўқитиш бўйича илмий-методик ишлар, дастурлар, дарсликлар таъминоти ва ташкилий жиҳатлари.
3. Педагогик университетларда Мусиқа ўқитишни ташкил этиш, ўқув материаллари билан таништириш ҳамда етук мутахассисларни тайёрлаш.

мустақил республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистоннинг «таълим тўғрисида»ги қонунига кўра 9-йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. таълимни минтакавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусиқа предмети бўйича концепцияси ишлаб чиқилди.

1992 йил 25 ноябрда «маърифат» рўзномасида мусиқа таълим-тарбиясининг концепцияси лойиҳасида, мусиқа таълимининг миллий ва илмий асослари, мазмуни, тузилиши, табақаланиши, мусиқа ўқитувчисига бўлган замонавий талаблар ва таълимнинг илмий услубий таъминоти баён этилади. бугунги ўзликчимизни англаш ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини яратиш имкониятига эга бўлган. мустиқил ўзбекистонда миллий маданиятимизни ўзига хослигини тиклаш умумтаълим мактабларида ёшларни бадиий тарбиялаш ва камол топтириш, ҳамда ҳозирги кунимизни тўлароқ идрок этиш учун энг аввало тарихимизни яхши билмоқлик ҳисобланади. чунки, ҳар бир янгилик, тарихий боғланиш орқали амалга оширилади. Барча фанлар қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим стандартларини жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, мақом, шашмақом, достонлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятида ўз аксини топади. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда, уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига хос, такрорланмас манба бўлиб хизмат қилади. Мусиқа таълимидан, давлат стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирига уларда кузатувчанлик, хотирани мустиқкамлаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик, мустиқиллик, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларини ривожлантиришни таъминлайди. Демак, ёш авлодни етук қилиб тарбиялашда «Мусиқа маданияти» дарсларини аҳамияти катта. Мусиқий маданият дарслари ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Улардаги гўзалликка бўлган ҳис-туйғуларини ўстиради, Мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат, қизиқиш уйғотади, она-Ватанни севишга, бир-бирини, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатни, табиатни севишга, кадрлашга ўргатади ва ҳаётда ўз ўрнини топа олишга мадад беради. Бунда ўқувчилар Мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш ва рақсга тушиш, ижодкорлик малакаларини шакллантириш, Мусиқа тарбиясининг асосий мақсади ҳисобланади.

Шунингдек, ўқувчилар иқтидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиб бериш ва уларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш Мусиқа таълим-тарбиясининг вазифасини ташкил этади. Ҳозирги мусиқа таълим-тарбияси, шунингдек, миллий мусиқа меросимизни ўрганишда, мусиқа дарсларини ва синфдан ташқари мусиқа тарбия тизимини аҳамияти катта. Мусиқа дарсларини ҳаётга жорий этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари учун Мусиқадан 1999 йили давлат таълим стандарти асосида янги дастур ишлаб чиқилди. Янги дастурнинг асосий моҳияти аввало дарснинг мавзулари, ҳар бир чорак учун белгиланган бош мавзулардан келиб чиқади. Дарсни қизиқарли бўлиши учун мусиқа ижодкорлиги қўлланилди, барча мусиқа фаолиятлари (хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш) дарс мавзусининг ажралмас қисми ва мантиқан узвий боғланиб ўтилади.

«Дарс» - таълим-тарбияни амалга оширишнинг энг қулай ва самарали шаклидир. Жамиятимизнинг турли жабҳаларда бўлаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маърифий ўзгаришлар барча фанлар қатори мусиқа дарсларининг мазмуни ва методикасига ҳам янги замонавий талаблар қўйилди:

1. Дарсда таълимий-дидактик, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни билиш ва уларни амалга ошириш.
2. Дарсда таълимнинг фаол усул ва услубларидан фойдаланиш.
3. Дарс жараёнида халқ педагогикаси анъаналарини, жаҳон педагогика ва психологияси, санъатимиз, буюк аждодларимиз ўғитлари, ривоятларимиз, ҳикмат тўла ҳадисларимиздан унумли фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кейинги йилларда тажрибали методистлар, олимлар ва амалиётчи ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини таҳлил қилиш соҳасида, ўтказилган ва дидактик шарт-шароитларга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда, Энг муҳим шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

1. Дарсликлар, қўлланмалар, дастур, тавсияномалар, дидактик ва методик кўргазмалар куруллар ва техник воситалардан фойдаланиш.
2. Синфда ижобий психологик муҳит бўлиши.
3. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш.

Ушбу педагогик шарт-шароитларга амал қилиб, дарснинг мақсади ва мавзуси, тўғри ташкил қилинса, дарс сифатли ва самарали бўлиши мумкин.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 28 августдаги IX-сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» муҳим тарихий, амалий ҳужжат бўлиб таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг илғор демократик давлат даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий-ахлоқий, юқори билимларга эга қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, ёш, бўлажак педагог-кадрларимизни тайёрлашда Мусиқа ўқитувчиси учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришимиз лозим. Талабаларимизни олган назарий билимлари билан бирга амалий машғулот ўтказган дарслари ва ўқув-тарбия машғулотларида гуруҳнинг барча талаблари, ўқитувчи иштирокида таҳлил ва муҳокама қилишлари лозим. Таҳлил жараёнида, энг муҳими талаба ўзининг дарс ўтказувчи ўқитувчи сифатида тасаввур қилиб, ўз ишини уддасидан қанчалик чиқа олишини тўғри баҳолай олганидир. Талаба томонидан ўтказилган дарсларнинг ва тарбиявий ишларнинг таҳлили, одатда ўз-ўзини баҳолашда, ўзини ҳисоботини режа ва

конспекталарни таҳлил қилишдан ўз ишيني баҳолай олишдан бошланади. Методист-ўқитувчи амалиётчи-талабага методик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериб камчилик ва ютуқларни аниқлаб тўғри йўл кўрсатиши лозим. Бунда энг асосий мақсад талаба- ёшларимизни қобилият ва имкониятларини аниқлаб тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг – «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир», - деган сўзлари маънавият чўққисига интилишга чорламоқда.

Таянч тушунчалар:

«Халқ чолғу асбоблари оркестри» - халқ чолғу асбобларини жамоаси, турли хил халқ асбобларида (доира, дутор, рубоб, чанг) жўр бўлиб ижро этиши.

«Оммавий кўшиқ» бастакор ва композиторлар томонидан ёзилган асар, кенг омма ижросига мўлжаллаб яратилган кўшиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. Каримов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т. 1997.
2. Д. Омонуллаев, Х.Нурматов, Қ.Мамиров ва бошқалар. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури». Т. 1999
3. Р. Қодиров «Бошланғич мактабда кўп овозли куйлаш». Т. 1997.
4. Г. Шарипова «Муסיқа тарбияси методикаси фанидан дастур». Т. 1997.

20-мавзу. Илғор муסיқий педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш усуллари.

Режа:

- 1.Илғор тажриба ва уни ўрганишнинг аҳамияти.
- 2.Илғор тажрибаларнинг йўналишларини аниқлаш.
- 3.Илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ёйишнинг усуллари.

Мустақиллик даврида барча соҳаларда бўлганидек, муסיқа таълимида ҳам бир қанча илғор ижобий ўзгаришлар бўлди. 2012 йил 17 февраль куни Тошкентдаги Симпозиумлар саройида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини” мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги Президентимиз Ислам Каримовнинг нутқида ва дунёнинг 48 давлатидан ташриф буюрган таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда

мутахассисларнинг чиқишларида узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитарривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовор эканлиги таъкидланди.

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий муסיқамизга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди, муסיқий меросни янада бойитиб, ривожлантириб бориш зарурлиги эътироф этилди. Собиқ иттифоқ даврида эътибордан четда қолган муסיқий мерос (халқ куй ва кўшиқлари, муסיқий фольклор, мақомларимиз, ашула, катта ашула ва дostonларимиз) Истиклол йилларида яна ўзининг асл қиёфасини тиклаб олишга муваффақ бўлди. Шу туфайли уларга муносиб эътиқоднинг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди. Чолғучилик ва ҳофизлик касбларини эгаллашда устоз – шогирдликни яна йўлга қўйиш миллий –муסיқий қадриятларимизни тиклашга имкон берди.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар, шу жумладан муסיқий қадриятлар ҳам ёш авлоднинг ҳаётини чуқур англаб олишга, ўзининг турмуш тарзини ҳуқуқий - ахлоқий ва эстетик меъёрларга мослаштирган ҳолда қуришларига асос бўлади. Улар миллий – муסיқий анъаналаримизни қадрлаш, унга миллий ва умуминсоний муסיқий қадриятлар мезони асосида ёндошиш ва муסיқа ўқитувчиси сифатида шаклланишларида ундан фойдаланиш имкониятларини излайдилар.

Муסיқа маданияти фани бўйича тузилган ДТС лари, ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда муסיқий меросимиз – меҳнат маросим, ҳазил, йиғи-йўқлов кўшиқлари, лапар, яллалар, алла ва бошқа болалар халқ кўшиқлари, мақом, ашула ва дoston намуналари берилган. Халқ ижодининг бундай ноёб намуналарини ўқувчиларга ўргатиш учун, муסיқа ўқитувчисининг ўзи ҳам бу асарларни ва уларни ўргатиш методикасини пухта билиши керак.

Биз композитор ва бастакорлар ижодини ўрганиш, хусусан болалар учун юздан зиёд куй ва кўшиқлар яратган, ўзбек халқ куй ва кўшиқларини қайта ишлаган композитор Д.Омонуллаева ижодини тадқиқий ва таҳлилий йўналишда кўриб чиқдик.

Композиторнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар беришда аввало пешқадам муסיқашунос олим – Аҳмад Жабборовнинг Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари китобидан фойдаландик. Д.Омонуллаева ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларга маълумотлар беришда кўшимча манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Масалан, унинг кўшиқлари ҳар томонлама болаларга мослигининг сабаби – у ўсган оилада отаси Д.Ф.Омонуллаев Тошкент консерваториясини тамомлаган вокал хонанда, кейинги ТДПУ даги педагогик фаолиятида муסיқа таълими ва тарбияси методикаси устида ишлаган 50 га яқин илмий ва методик дарслик, қўлланмалар яратган доцент эканлиги, онасининг дотор ўқитувчиси бўлиб, ўзбек халқ муסיқасини яхши билганлиги бўлажак

композиторнинг ижодий фаолиятига ижобий таъсир этганлиги каби маълумотларни бериш ҳам мумкин.

Бундан ташқари, композитор асарларининг тарбиявий аҳамияти, ўқувчиларга мушқий педагогик ва ахлоқий – эстетик таъсири, таҳлили, тавсифи ва усулий тавсиялар ишимизнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

Композиторлар яратган кўшиқларни ўрганиш ва куйлаш учун ўқувчилар билан суҳбат қилиб, кўшиқнинг бадиий, ғоявий мазмуни ҳақида қисқа тушунчалар бериш лозим. Бунда кўшиқнинг мавзуси ва у билан боғлиқ мазмун, яъни кўшиқнинг шеъри матнида нималар ҳақида фикр юритилиши. Айрим кўшиқларнинг маъносини тушунтириш зарур. Чунки ўқувчилар, айниқса кичик ёшдаги болалар кўшиқ матнини ўқиб мустақил тушуниб олишлари қийинроқ бўлади.

Кўшиқни куйлаб кўрсатгандан кейин, унинг матнидан келиб чиқиб саволлар бериш ва олинган жавобларни тўлдириб якунлаш уни ўрганиш ва куйлашни анча тезлаштиради.

Масалан **“Дилоромнинг кўшиғи”** асарида ёш қизнинг санъат, хонандалик ва ижрочиликка қизиқиш, кўшиқни ҳамма севиши, санъатдан хабардор киши ҳурматли ва ҳаммага ёқадиган бўлиши ҳақида гап боради. Бу маълум маънода касбга йўналтиришга ҳам имкон беради.

“Ватанжоним ватаним” кўшиғида Ўзбекистонимизнинг иқлими ҳам, гўзаллиги ҳам, онамиздек ардоқли эканлиги ҳам бизга зўр қувонч ва ғурур бахш этиши ҳақида гапирилади.

“Бувижоним” кўшиғи бувижонларнинг набираларга чексиз меҳрибонлиги, уларнидоим кўриб тургилари келиши, эртақлар айтиб эркалатиб туришлари, набиранинг ҳам бахтимга омон бўлинг деб миннатдорчилик билдириши ҳақида яратилган.

Болалар оилада, боғчада, мактабда, радио ва телевидение каби оммавий ахборот воситалари орқали доимо мушқия тинглайдилар. Аммо катта оқимдаги турли мушқия асарларини тинглаб, уларда маънавий завқ олиш болалар учун анча қийин. Шу боис ўқувчиларга айниқса биринчи йил мактабга келган болаларга санъат асарлари билан танишиш, уни англаб идрок қилишга катталар, мактабда ўқитувчининг ёрдами керак бўлади.

Мушқия педагогикаси тажрибалари 7 ёшдаги болаларни психологик ҳамда маълум даражадаги мушқий малакаларига, мушқияга бўлган қизиқишларига асосланиб, улар мушқия дарсларига қатнашишга тайёр эканликларини кўрсатади. Бу ёшдаги ўқувчилар мушқия санъати билан болалар боғчаларида, оилада, радио ва телевидениеда бериладиган эшиттириш ва кўрсатувлар орқали ошно бўлиб келганлар. Дарсда болаларнинг қувноқ куй ва кўшиқларни тинглаш, куйлаш, рақс элементларини бажариш ҳамда чапак ва чолғу асбобларини чалиш иштиёқлари тез ошиб боради. Чунки бу ёшдаги болаларда ҳали диққат-эътибор унча турғун бўлмайди, улар кўпроқ серҳақарат ва ўйинга мойил бўладилар. Бунга эса дарсдаги мушқия фаолияти турларининг мақсадга

мувофиқ алмашиб туриши қўл келади. Шу билан бирга, муסיқа ҳақидаги янги тушунчалар пайдо бўлиб, мусиқани онгли ўрганишга қизиқиш кучайиб боради. Бунинг натижасида куйлашда ва бошқа амалий фаолиятларни бажаришда активлик, уюшқоқлик, ифодалилиқ ва образлилиқ каби хусусиятлар тобора аниқ намоён бўлиб боради. Аммо, бу ёшда ҳали кўпроқ эркалатишга, ширин сўзга мойил бўладилар. Шунга кўра, болаларни мусиқага тобора қизиқтиришга, бутун дарс давомида уларни қувноқ кайфиятини сақлашга ўқитувчи ўзининг очиқ чехраси, самимий муомаласи ва ёқимли ҳатта-ҳаракати орқали эришади.

Болаларнинг овоз аппаратлари тўла шаклланмаганлиги сабабли ҳали нча заиф ва нозик, овоз пардалари эса кучсиз бўлади. Овоз регистри, кучи ва тембри бўйича ўғил ва қиз болаларда деярли фарқ сезилмайди. Болалар овози, асосан бош резонансиясида янграйди. Шу сабабли, уларда товуш фалсепт типига ҳосил бўлади.

Айрим болаларнинг овозлари нормал ҳолатда бўлса-да, улар созга тушолмайдилар. Бунга сабаб, уларда мусиқа эшитиш (слух) органи билан товуш ҳосил қилиш аппарати ўртасида мусиқа товушлари баланд-патслигини сезиш бўйича умумий координация ҳали яхши шаклланмаган бўлади. Натижада, йил бошида болаларнинг мусиқа-ўқув қобилиятлари, мусиқа тинглаш кўникмалари ва куйлаш малакалари бўйича савиялари бир хил бўлмайди. Шуларни ҳисобга олиб, биринчи дарсдан бошлаб болаларни мусиқага қизиқтириш йўли билан уларнинг муסיкий-ўқув қобилиятлари, куйлаш ҳамда овоз сифатларини синчиклаб ўрганиб олиш ва юқоридаги сифатларга кўра уларни уч гуруҳга (дифференциал тарзда) бўлиши мумкин.

Биринчи гуруҳга мусиқа-ўқув қобилиятлари ва куйлаш иқтидори яхши ривожланган. Иккинчи гуруҳга мусиқани аниқ эшита оладиган аммо, созга ўқитувчи овозига таянган ғолда тушадиган ва ниҳоят учинчи гуруҳга умуман созга туша олмайдиган болалар киритилади.

Биринчи гуруҳга кирган болалар орқага, иккинчи уруҳга кирган болалар ўрта ва учинчи гуруҳ болаларини эса олдинги парталарга ўтказиш твсия этилади. Мақсад мусиқа қобилияти суст ривожланган болалар олдиндан ўқитувчи ва орқадан эса қобилиятли, овози ривожланган болаларнинг ижобий таъсирида мусиқавий раванқини тезлатиш ҳамда йил давомида гуруҳлар савиясини тенглаштиришдан иборатдир. Мусиқавий суст ривожланган болалар билан индивидуал иш олиб бориш зарур. Айрим болаларда овоз касаллиги белгилари, (масалан, доимий хириллаш), овоз пайчаларининг тўла бирлашмаслиги (нисмикания) ва бошқалар кузатилиш мумкин, аммо булар вақтинча ҳолдир Касал болаларни даволатиш (отационалар ёрдамида) ва қоидали ашула айттириш йўли билан бундай болалар овозидаги нуқсон бартараф этилади. Бунда айниқса, ўқитувчининг овоз гигиенасини болаларга тушунтириб ва синфда ашула айтиш ҳолати (хор устанофкаси) га доимий эътибор бериб бориши муҳим роль ўйнайди.

Дарс давомида муסיқа қобилияти суи ривожланган ва овозида маълум хастаклик мавжуд бўлган болаларнинг ҳар бир ютуғи учун уларни рағбатлантириш ҳамда қизиқтириш ва илғор болалар билан тенг даражада муסיқавий фаоллик кўрсата олишига ишонч ҳосил қилдириш лозим.

Қуйида янги дастурга мувофиқ дарс структураси, муסיқа фаолиятларининг турлари ва муסיқа ўқитишнинг айрим методлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз

Дарс структураси. Бошланғич синфларда муסיқа таълимининг пойдевори шаклланади. У жахон муסיқа маданият ва халқ муסיқасининг нодир намуналари билан танишиш, композиторлар ва муסיқа ижрочилари ҳақида, муסיқа ва унинг ифода воситалари, мусиқанинг жанр ва шакллари, чолғу асбоблари, ашулачилмк овозлари ва нота ёзувлари ҳақида зарур билимларга эга бўлиш билан амалга оширилади.

Мазкур билим ва малакалар мажмуаси муסיқа таълимининг ўқув йили учун аниқ белгиланган чорак мавзулари асосида дарсда турли муסיқа фаолиятларини қўллаш билангина амалга оширилиши янги дастурнинг асосий тамойилларидандир.

Мазкур тамойил негизида биринчи синф ўқувчиларида, энг аввало, муסיқага фаол қизиқиш, муסיқа таассуротларини таркиб топтириш ва зарурий мусиқавий тажрибаларни ҳосил этиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Натижада болаларда мусиқвий дидни шакллантириб, мусиқани санъат сифатида ахлоқий-эстетик жиҳатдан онгли идрок этишга тайёрлаш кўзда тутилади.

1.Муסיқа тинглаш.

2.Хорда куйлаш.

3.Муסיқа саводи.

4Муסיқа характериға мос ҳаракатлар бажариш.

5.Чапак ва болалар ўйинчоқ чолғу асбобларида чалиб, мусиқага ритмик жўр бўлиш.

Шуни қайд этиш лозимки, гарчи, дарснинг мавзуйи режаси дастур асосида муסיқа фаолиятлари тартибига қараб тузилса-да, дарс ҳамма вақт ҳам овозларни созлаш ёки муסיқа тинглашдан бошлаш шарт эмас. Яъни дарснинг тузилиши барқарор мавзуйи схемада эмас, балки мавзуйи дастурдаги асарларни ўзлаштириш учун муסיқа фаолиятининг қайси туридан бошлаш, қайси тури билан тугатилса ҳам болаларни мусиқага ва дарс мазмунига кўпроқ қизиқтира олиш ва педагогик мақсадга самаралироқ эришиш мумкинлиги муҳимдир. Бунда дарснинг ҳам таркибий, ҳам мазмун жиҳатдан мантиқий бир бутунлигига эришилади. Демак, дарсда қўлланадиган ҳар бир мусиқавий фаолият тури дарснинг ажратилмас мантиқий бўлаги бўлиб, аниқ педагогик мақсадга қаратилмоғи лозим. Шундай қилиб, дарсда бир неча педагогик мақсад белгиланадики, уларнинг ҳар бири бир ёки бир неча мусиқавий фаолият турлари орқали амалга оширилади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Мусиқавий қобилиятларни ривожлантириш;
- Мусиқани идрок этиш малакаларини ўстириш;
- Куйлаш малакаларини ўстириш;
- Мусиқага ритмик жўр бўлиш, унга мувофиқ ҳаракатлар қилиш билан ижрочилик қобилиятларини ривожлантириш;
- Мусиқанинг бадий-ғоявий мазмуни воситаси болларда мусиқий дунёқарашни шакллантириш, эстетик ва ахлоқ тарбиясини такомиллаштириш ва бошқалар. Натижада болалар мусиқа ҳақида мушоҳада юргизишнинг бошланғич асослари вужудга келади.
- Маълумки, мактаб ислоҳоти барча фанларни ўқитиш жараёнида меҳнат тарбияси ва касб танлаш ишига эътиборни кучайтиришни талаб этади. Таҷрибалар мусиқа дарслари жараёнида ҳалол меҳнатга, касб эгалари ва меҳнат қаҳрамонларига нисбатан болаларда қизиқиш муҳаббат ва ҳурмат ҳиссини тарбиялаш учун кенг имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Бу муҳим тарбиявий мақсадни қуйидагича амалга ошириш мумкин:
- Мусиқа асарлари ижодкори (композитор, шоир, ижрочилар) нинг катта ижодий меҳнати туфайли вужудга келиши ҳақида дастлабки тушунча бериш (“мусиқани ким яратади, ким ижро этади ва кимлар тинглайди?” деган мавзунинг йил давомида суҳбат йўли билан ўргатиш);
- Мусиқани ижро этиш учун ҳам ижодий меҳнат сарф этмоқ лозимлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш (айниқса, хорда куйлаш ижрочилик элементларини бажариш мисолида);
- Меҳнат мавзусида асарларни ўргатиш орқали болаларда меҳнатга нисбатан тўғри муносабат уйғотиш, меҳнат кишиларига ҳурмат ва уларнинг меҳнат маҳсулотларини қадрлаш ҳисларини тарбиялаш;
- Биринчи синфдан бошлаб, техника, йил фасллари, кoinоту фазогирларга бағишланган асарлар воситасида эса болаларда илмий-асосланган дунёқарашни таркиб топтириш лозим.

Мусиқавий фаолият турларига қисқача таъриф беришни мусиқа саводидан бошлаш лозим.

Умумий таълим мактаблари мусиқа маданияти дарсларида ўзлаштирилаётган мусиқа ҳақида маълум тартибга солинган бошланғич тушунчалар: мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари, айрим қонуниятлари, ифода воситалари ва уларни нота ёзувида тасвирлаш элементлари мусиқа саводи вазифаларига киради. Демак, мусиқа саводи-мусиқа санъати ҳақидаги бошланғич тушунчалар тизимидан иборат экан. Шунинг учун мусиқа саводи дарсининг мустақил мусиқа фаолияти тарзида эмас, балки бутун дарс давомида, айтиқса кўпроқ хорда куйлаш ва мусиқа тинглаш, асарларни ўзлаштириш жараёнида ўрганилади. Шунингдек, мусиқа саводи ўқувчиларда мусиқа билимининг такомиллашувида муҳим роль ўйнайди. Умуман, янги дастур талабларига бinoан, мусиқа саводи дарсидаги барча амалий мусиқа фаолиятларини мантиқий ва назарий жиҳатдан бирлаштирувчи ва шу билан

дарснинг мазмунан бир бутунлигини ҳосил қилишга йўналтирувчи восита сифатида ҳам муҳимдир. Шунинг учун у мусиқа ўқитилишининг таълимий функциясини бажаришда асосий восита ҳисобланади.

Мусиқа саводининг асосий калити ва педагогик объекти чорак мавзулари ва шу мавзуларни ёритишга мўлжаллаб танланган куйлаш ва тинглашга доир асарлардир. Болалар ҳар бир дарсда асарларни онгли равишда идрок этиш ва уларни ижро этиш қоидаларига доир янги тушунчага эга бўладилар. Бу тушунча кейинги дарсларда мустаҳкамланиб бориши лозим. Шундай қилиб, ҳар бир дарсда болаларнинг мусиқа ва унинг амалиёти ҳақидаги умумий билимлари бойиб боради. Мазкур тушунча ва билимларнинг бойиб бориши аста-секин ўқувчида мусиқа саводхонлиги ва маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Маълумки, биринчи синфга болалар мусиқа ҳақида маълум даражада умумий билимга эга бўлган ҳолда келадилар. Бу билимлар болаларда турли даражада бўлади, албатта. Аммо, уларнинг кундалик мусиқавий ҳаётдан олаётган таассуротлари ва мусиқавий тажрибалари бир-бирларига яқин туради. Ўқитувчи синф жамоасини бирлаштириш учун айнан шундан фойдаланмоғи лозим. Бу дарс мазмунини ҳаёт билан боғлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Болаларнинг мусиқа таассуротлари ва тажрибаларини бойитиб бориш асосида мусиқанинг энг оддий қонуниятлари ҳақида билим доиралари кенгайтириб борилади.

Биринчи синф болаларига мусиқа характерлари ҳақида бериладиган билимларни қуйидагича белгилаш мумкин.

1. Болалар диққати мусиқанинг ифода воситалари – куй, регистр, темп, ритм, динамика ва бошқаларга жалб этилади. Даставвал бу терминларнинг айнан қоидасини таърифлаш билан тушунтириш қийин. Масалан, биринчи дарсларда болалар куйлаган қўшиқ мусиқасида маълум ҳиссиёт борлиги (қувноқлик, хушчақчақлик, тантанаворлик, ўйноқилик, кўтаринкилик, мунглилик ва бошқалар) ҳамда куй ҳаракати турғун бўлмай, балки юқори ва пастга қараб йўналиб туриши аниқланади. Шундан сўнг, куй товушлардан иборат бўлиб, улар узун ва қисқа бўлиши аниқланади. Пировардида узун ва қисқа мусиқий товушларнинг юқори ва пастга қараб йўналиши натижасида ҳосил бўлган оҳанг-куй, яъни мелодия эканлиги тушунтирилади.

Болалар куйнинг плакат ёки доскадаги график ҳаракатига ҳамда узун ва қисқа товушларни нота карточкаларига қараб куйлаш натижасида пухта билимга эга бўладилар.

Карточкалардаги нотларни чапакда ва болалар ўйинчоқ чолғу асбобларида чалиш, мусиқа оҳангларига ритмик жўр бўлиш ва мусиқага мос ҳаракатлар бажариш, яъни мусиқа билан қадам ташлаш кабилар эса унинг амалий ифодасидир.

Болаларнинг мусиқа ўқувини ижобий ривожлантиришда аниқса, вокал-хор ишлари жараёнида, ҳаракатли кўргазма методи (метод слухо-двигательной наглядности)дан фойдаланиш зарур. Бу куйнинг юқорига ёки

пастга йўналган ҳаракатини қўл ҳаракатлари ифодаси билан тасвирлаб куйлашдан иборатдир.

Муסיқани тинглаш. Маълумки муסיқа ҳаёт ва давр аксидир. Шунинг учун ҳам янги дастурнинг бош мезони ва бош мавзуи “муסיқа ва ҳаёт”дир. Аммо муסיқада ҳаётнинг бадиий аксини кўра билиш, ундан ғоявий-эстетик завқлана билиш ва маънавий бойиб бориш учун “бадиий таълим” олмоқ лозим.

Юқорида баён этганимиздек, театр ва бошқа жамоатчилик жоцларида муסיқа билан доимо ошно бўладилар. Зеро, болаларнинг ҳафта давомида тинглайдиган муסיқа қўлами ҳафтада бир соатлик дарсдан бир неча баравар кўп эканлиги ўз-ўзидан маълум. Аммо, улар тинглайдиган муסיқа асарларининг ҳаммаси ҳам болалар ёшига мос эмаслиги ва улар муסיқани бадиий-ғоявий, жиҳатдан ҳаммавақт ҳам мақсадга мувофиқ идрок этолмаслигини ҳисобга олишимиз лозим. Шунинг учун ҳам муסיқа дарслари болаларнинг ҳаётий муסיқавий фаолиятида бошқарувчи ва педагогик мақсадга мувофиқ йўналтирувчи, айниқса, бадиий таълим берувчи восита сифатида муҳим роль ўйнайди.

Муסיқа тинглаш бадиий таълимнинг муҳим воситаларидан биридир. У дарснинг барча фаолият турларини бажариш жараёнида амалга ошади. Демак, муסיқа тинглаш орқали болаларда муסיқани, унинг образлари воситасида ҳаётни, борлиқни англаш ва билиш қобилияти ривожланиб боради. Бунда муסיқа тили, ифода воситалари, жанр ва шакллариини ўрганиш муҳимдирки, у муסיқани бадиий-ғоявий жиҳатдан мантиқан тўғри идрок этишга ва бадиий-эстетик завқланишига имкон беради. Бу дарснинг барча муסיқа фаолиятлари, айниқса, муסיқа тинглаш, хорда куйлаш ва нота ёрдамида куйлаш жараёнида амалга ошиб боради.

Муסיқа тинглаш фаолиятидан хорда кўшиқ ўрганиш ва куйлаш жараёнида ҳам кенг фойдаланилади. Айниқса тажрибали болалар хор жамоалари ижро этган магнит ленталарини эшиттириш синфда кўшиқ айтишнинг бадиий савиясини кўтаришга ёрдам беради. Муסיқанинг барча жанрларини кўпроқ тинглаб бадиий идрок этиш орқали кишида муסיқавий-бадиий дид ва муסיқа маданиятини ҳар томонлама шакллантириш мумкин. Бунда, болаларда онглиликни ривожлантириш ва у орқали муסיқанинг бадиий ғоясини чуқур англашга эришиш зарур. Зероки, дастурда куйлаш ва тинглаш учун тавсия этилган кўшиқ ва муסיқалар замирида бахтли болалик, инсонпарварлик тараннум этилади. Уларда жонажон мактабимизга, бепоён Ватанимизга ва қаҳрамон халқимизга муҳаббат ва садоқат, меҳнат ва касбга қизиқиш, табиатни севиш ва уни ардоқлаб асраш, дўстлик, биродарлик, инсонпарварлик, миллий ҳиссиёт каби ёрқин ғоялар ва образли мазмунлар ётади.

Кўшиқ айтишда бўлганидек, болаларни муסיқа тинглаш қоидалари (синфда жимлик барқарор этиш, бошқаларга халақит бермасдан муסיқани диққат-эътибор билан тинглаш)га ҳам ўргатиб бориши лозим. Бу уларга

онглилик ва фаолликни кучайтиради. Ва мусиқа маданиятини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир мусиқа замирида маълум воқеалик, ҳис-туйғу ва фикрлар ётиши ҳақида ўқувчилага, уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда тушунча бериб бориш лозим. Бу аста-секин мусиқвий таассуротлар ва маълум тажрибалар замирида вужудга келади. “Мусиқани ўрганиш жараёнида, болалар биринчи дарسدаноқ унда ҳаёт акс эттирилганлиги, у орқали ҳаётни ўрганишларини осонликча ҳис этадилар тушунадилар”.

Чорак мавзуларининг асосий мақсади ҳам мусиқани санъат дарси сифатида талқин этиб, у орқали мусиқа асарларини бадиий-ғоявий жиҳатдан мукаммал идрок этиш ва ундаги ҳаёт аксини англаб олишдан иборатдир.

Атоқли болаларда мусиқа идрокининг ривожланиш шарт-шароитларини қуйидагича белгилайди.

Биринчидан, болаларни мусиқада ифода этиладиган ҳис-туйғулар, фикр-ғояларни идрок этишга ўргатиш лозим. Бу эса уларда самимийлик ва гўзалликка нисбатан эмоционал таъсирчанликни ривожлантиради.

Иккинчидан, санъатни-ҳаётни реал акс эттириш шакли сифатида тушунишга ўргатиш, мусиқа образларини ҳайт билан таққослаш ва боғлашга имкон беради. Бу санъатни бадиий образ орқали фаҳмлаш ва баҳолаш учун ёрдам беради.

Учинчи шарт мусиқа тилини ўрганишдан иборатдир. Мусиқанининг ифода воситалари-куй, ритм, динамика, темп (ижро суръати) ва нюанслар воситасида мусиқанинг жонли тилини болалар аста-секин тушуниб борадиганлар ва асарда тасвирланган ҳаяжонли ёки осойишта баённи, мусиқанинг ўхшаш ёки контрастли тузилишини, ундаги мавжуд савол-жавобларни англаб идрок этадилар.

Тўртинчидан болаларнинг мусиқа идроки кўникмаси бир неча босқич давомида таркиб топади. Энг аввало, мусиқа асарини бутунликда идрок этиш кўникмаси ҳосил бўлади. Асарни қайта-қайта тинглаш жараёнида эса унинг характерли аломатлари ва ифодали хусусиятлари болалар диққатини жалб этади. Шундан сўнг ҳосил бўлган мусиқавий тажрибалар асосида асарни яна бутунликда тинглаганда у бадиий-ғоявий жиҳатдан анча мукаммал идрок этилади.

Дарсда тингланадиган асар мусиқавий тузулиши, бадиий-ғоявий мазмун жиҳатдан чорак темасидан келиб чиқиш ва асарнинг янграш вақти бир, бир ярим дақиқадан ошмаслиги лозим. Тинглашда асарни қуйидаги этапларда ўрганиш мумкин:

1. Асар тинглашга болалар диққатини жамлаш ва асар ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Ўқитувчи ижросида ёки аудио ёзувда асарни тинглаш.
3. Асарни суҳбат йўли билан мусиқавий ва бадиий-ғоявий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш.

4. Асарни бир бутунликда қайта тинглаш. Сўнг асар ҳақида болаларнинг умумий таассуротлари юзасидан якуний суҳбат ўтказиш.

Мазкур ишлар жараёнида блоаларда мусиқа ҳақида билим ва тушунчалар, малака ва кўникмалар ҳамда умумлашма бадиий таассуротлар ва тажрибалар ҳосил бўлиб боради. Бунда дарс жараёнида бажариладиган барча мусиқа фаолиятлари, айниқса, мусиқа тинглаш сабоғи натижалари чорак мавзуини ёритиб боришга қаратилиши зарур. Жумладан, ўрганиладиган кўшиқ ва куйларга нисбатан болаларда қизиқиш ва бадиий иштиёқ уйғотиш билан “биз ёқтирган куй ва кўшиқлар” (1 чорак) мавзуи; композитор, ижрочи ва тингловчи ҳақида тушунча бериш билан эса “мусиқани ким яратади, ким ижро этади ва кимлар тинглайди?”- мавзуларининг моҳияти тушунтириб борилади.

Таянч тушунчалар:

Романс— овоз ва жўрнавон учун мўлжалланган мусиқа асари. Романслар кўпинча куйчан, сокин характердаги чолғу асарлари номлари сифатида ҳам учрайди.

Рондо — мавзуси бир неча марта қайтариладиган (рефрен) пьеса. Асосий мавзуларнинг қайтарилиши орасида бошқа мавзулар (эпизодлар) учрайди.

Секвенция — ладнинг турли босқичи ёки маълум интервалдан қайсидир мелодик ёки гармоник айланманинг такрорланиши